






ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ХУРШИД

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАҢ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1967

Ўзбек совет драматургиясининг дастлабки даврларидаги таниқли вакилларида бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоир ва драматург Хуршиднинг бу асарлар тўплами ўзбек совет драматургиясининг 20-йиллардаги ривожланиши ҳақида маълум даражада тасаввур беради. Тўпламга авторнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ойбону» музыкали драмалари, «Сийёвуш» трагедияси, шунингдек, бир неча ғазал ва мухаммаслари киритилган.

Ушбу асарлар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланади.

Нашрга тайёрловчилар:

филология фанлари кандидатлари
Х. РАСУЛЕВ ва М. ҚОДИРОВА

Масъул муҳаррир:
М. АЛАВИЯ

ХУРШИД

Ўзбек совет драматургиясининг илк намояндаларидан бири, машҳур «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби сахна асарлари муаллифи Хуршид ўзининг ижодий фаолияти билан ўзбек совет театр санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Ижодини шеър ёзишдан бошлаган ва асримизнинг бошларида шоир сифатида танилган Хуршиднинг ижодий фаолияти Ўзбекистонда социализм қурилиши ғалабасидан кейин ўсиб камолга эришди. Унинг ижоди совет воқелиги таъсирида янги мазмун касб этди. У ўша вақтда ўзбек санъатининг янги соҳаси — театр соҳасида ишлай бошлади.

Ўзбек совет театрчилигини бошлаб берган «Карл Маркс» номли труппанинг 1920 йиллардаги ижодий ишларига Хуршид яқиндан ёрдам беради. У озарбайжон, татар тилларидан сахна асарлари таржима қилиш билан бир қаторда, ўзи ҳам асарлар ёзиб, труппа ишларининг яхшиланишига катта ҳисса қўшди.

Социалистик революция ғалабаларидан, совет маданиятининг афзалликларидан қувонган ва янги ҳаёт секинларини куйлаган шоир, драматург Хуршид ижоди ўзбек совет маданияти, санъати тарихида ёрқин саҳифа бўлиб

қолди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати 1940 йилда театр санъатини ривожлантиришдаги катта хизматларини тақдирлаб, Хуршидга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий унвон берди.

* *
*

Шамсиддин Шарафиддинов — Хуршид 1892 йилнинг 20 июнида Тошкент шаҳрида боғбон оиласида туғилди. Мактаб ва мадрасада таҳсил кўрди.

Унинг ёшлик йиллари ва ижодий фаолиятининг бошланиш чоғлари Тошкент ва Андижон шаҳарларида ўтди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё халқлари чор ҳукумати ва маҳаллий феодаллар томонидан қаттиқ эксплуатация қилинар эди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши туфайли мамлакатда янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, янгича фан, маданият ва техника халқларнинг тарихий тараққиётида ижобий роль ўйнай бошлади.

Чоризмнинг қаттиққўллик билан олиб борган сиёсати ва таъқибларига қарамай, бу даврда Ўрта Осиёдаги айрим ишлаб чиқариш корхоналарида марксистик адабиёт тарқалди, илғор революцион ишчилар ҳаракати вужудга кела бошлади. 1905 йил революциясида маҳаллий меҳнаткаш халқ рус ишчилар синфи билан бирга қадам ташлаб, чоризмга қарши курашда иштирок этди; ўзбек меҳнаткашларининг синфий онги, дунёқараши аста-секин ривожлана борди.

Хуршиднинг ёшлик чоғлари ва адабий фаолиятининг бошланиш йиллари ана шундай тарихий шароитда ўтди. Шамсиддин 15 ёшга кирганида отадан етим қолади. Ўз куни ўзига қолган, илмни севган ўсмир шу йилдан бошлаб, ёзда боғ ишлари билан шуғулланиб, қишда мадра-

сада ўқишни давом эттиради. Хуршид буюк ўзбек шоирлари Лутфий, Навоий, Бобир, Машраб, Муқимий, Фурқат асарларини қунт билан ўргангани каби араб, форс, тожик ҳамда озарбайжон адабиётининг Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мухаммад Фузулий, Бедил каби улуғ шеърят намояналари асарларини ҳам чуқур ўрганишга киришади.

Турмуш қийинчилигини бошидан кечирган Хуршид 18 ёшида ўқишни ташлаб, мустақил ҳаёт кечиришга мажбур бўлади.

У, 1910 йилда бир бойга приказчик бўлиб, Андижон шаҳрига кетади. 1918 йилнинг июнь ойига қадар Андижон шаҳрида ўша бойнинг дўконига хизмат қилади.

Хуршид бу йилларда кундузи иш билан машғул бўлса, кечалари ўз билимини ошириш учун кўп ўқийди ва ўзи ҳам шеър ёзишни машқ қилади. Бу пайтларда у Таристон, Қрим ва Озарбайжонда чиқадиган газета, журналларни ўқир, шеър, ғазаллар ёзар эди. Шоир 1913 йилда Самарқандда нашр этиладиган «Ойна» журнали ва бошқа газеталарга қатнашиб турди.

Шоир Андижон шаҳрида яшар экан, меҳнаткаш халқ орасида бўлиб, уларнинг турмушини яқиндан ўрганади. Чунки у, бойлар хизматида юриб, уларнинг меҳнаткашларга қилган жабр-зулмлари, ҳақоратларини кўради, золимларга нафрат билан қарайди. Хуршид маҳаллий бой, амалдор ва руҳонийлар зулми остида эзилган меҳнаткашларнинг дарду аламларига шерик бўлади. У халқнинг азоб-уқубатда изтироб чекканини шундай изҳор этади:

Ғаму мотам қўшини айлади кўнглимга ҳужум,
Толеимнинг юзига фалак айлади зарбали кож,—

деган шоир умид тонги отишига, ёруғ кунлар келишига

ишонади. У ўзининг келажакка бўлган зўр ишончини шундай куйлади:

Толеинг уйғонгуси, Хуршид, унга йўқдур гумон,
Ҳар қаро тун сўнггидин тонг етди, чиқди офтоб.

Хуршид ўз шеърларида юртга муҳаббат ва садоқат ҳисларини куйлаб, Ватаннинг бахт-саодати учун тинмай меҳнат қилишга чақириши билан бирга, ахлоқий-дидактик масалаларни ҳам илгари сўради. У риёкор шайх, зоҳид ва руҳонийларнинг кирдикорларини фош этиб болади.

Шоир ўз асарларида инсонпарварлик, халқчиллик ғоялари билан сўғорилган фикрларни тарғиб этади: «Юз каъба бино айлама, бир дилни қувонтир, соғларни ҳалок айлама, қил хастага парво» деб кишиларга бўлган меҳру шафқат ва мурувват туйғуларини тараннум этади. У номардликни, тамагирликни қоралаб, ҳалол меҳнат билан кун кечиришни улуғлайди.

Хуршид ўз шеърларида халқпарварлик ғояларини илгари суриш билан бирга, маърифатпарварлик туйғуларини таъсирчан мисраларда куйлади, халқни билим-маърифатни эгаллашга чақиради, маданият, фан, техникани ўрганиш ва ўзлаштиришни тарғиб қилади. Унингча инсоннинг шон-шуҳрати мол-дунё, олтин, кумуш билан ўлчанмайди, илм—инсон фазилатининг кўрки, ақлли, илмли бўлиш инсон ҳусни ва гўзаллигининг мезонидир:

Илм эрур тийра кўнгилларни ёритгувчи қуёш,
Илм ила кетди қадар занги-ю, дил топди сафо,
Илм эрур дурри садаф, дурри эрур фазли адаб.

Умуман, шоир ўз тақдирини халқ оммаси билан мустақкам боғлади, халқнинг фикр-орзуларини куйлаб, ватанпарварлик, халқчиллик ғояларини олға сўрди.

1917 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясидан ғоят шодланган Хуршид «Хуррият меваси», «Шар-

кий» сарлавҳали шеърларини ёзади. Унда аёвсиз эксплуатация сиртмоғи остида эзилиб келган меҳнаткаш халқни буюк озодлик нурларидан баҳраманд бўлганлиги билан табриклади.

Энди у меҳнаткашларни билим олишга, эркин озод ҳаёт кучоғида ёруғ келажак учун меҳнат қилишга чақиради:

Туронлилар туринг, ортиқ қуёш чиқди, нурлар сочди,
Жаҳл-ғафлат вақти ўтди, илм-урфон юзин очди.
Бизни эзган мустабидлар ер юзидан сурилдилар,
Туринг, эй қардошлар, туринг, эзилганлар тирилдилар...
Бизларга ҳам етди навбат, келди жасорат саслари,
Қани энди, қардошлар, илгари марш, илгари!

Мамлакатда рўй берган улуғ тарихий воқеадан илҳомланган шоир Россия ва Урта Осиё халқлари ҳаётида содир бўлаётган муҳим ҳодисаларни тушуна бошлаб, Андижондаги бойга хизмат қилишдан воз кечади ва 1918 йил июнь ойида Тошкентга қайтади. У Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ ўзбек совет адабиёти ва санъатининг равнақи йўлида хизмат қилади.

Шамсиддин Шарафиддинов Тошкентда очилган 4 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиб, уни тамомлаб чиқади. Шу йил «Беҳбудий» ва «Намуна» номли мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1920 йилдан бошлаб Тошкентда эски шаҳар халқ маорифи бўлимида ижтимоий тарбия бўйича иш олиб боради. Шу билан бирга, у ўзбек театрининг атоқли арбоби Маннон Уйғур раҳбарлигидаги Карл Маркс номли театр труппасида суфлёр бўлиб ишлайди ва театрнинг ижодий ишида актив қатнашади.

Уша йиллари театрдаги прогрессив кучлар ёт мафкурадаги пьесаларнинг кириб келишига қарши кураш олиб

борар эди. Театр ғоявий-бадий жиҳатдан пухта асарлар қўйишга интилар ва меҳнаткаш омма олқишига сазовор бўларди. Театр Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси», «Заҳарли ҳаёт», Гулом Зуфарийнинг «Тилак», «Эрк болалари», «Ҳалима» каби пьесаларини қўяр эди. Ҳамза Ҳакимзода асарларини сахнага қўйиш — ёш театр учун ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Шу пайтларда Хуршид «Ёмон ўртоқ», «Жувонбозлик қурбони», «Туганмас бойлик», «Кичик аскар» каби сахна асарларини ёзади. Буларнинг айримлари сахнада қўйилиб, ҳаваскор драматургни янгидан-янги ижодий ишларга илҳомлантирди. Ёзувчининг 3 пардали «Жадид, қадим» пьесаси ўша вақтда «Роҳат боғчаси»да (ҳозирги Пушкин комли парк ёнида) томошабинларга кўрсатилди. Бу пьеса жоҳил, қолоқ, реакцияон кучлар билан янгилик тарафдори бўлган маърифатпарвар кучлар орасидаги курашни тасвирлар эди.

«Шарқ» клубида сахнага қўйилган 4 пардали «Кичик аскар» пьесаси ҳам шу темага бағишланган. Унда ўз болаларини ўқитишни истамаган жоҳил оталарнинг фарзандлари ўқимай нодон бўлиб қолгани, улар ичкиликка муккасидан кетиб, безорига айлангани, бефаҳм, бефаросат киши кирдикорлари усталик билан фош этилади.

Хуршид 1924—1926 йилларда «Муштум» журналида техник муҳаррир бўлиб ишлайди. У журнал саҳифаларида «Ўжар», «Тажанг», «Чаён» таҳаллусларида ўзининг сатирик шеър ва фельетонлари билан қатнашиб, текинхўр, давлат мулкини таловчи кишиларга қарши сатира ўти очади.

Хуршид 1922 йилдан бошлаб улуғ ўзбек шоири, мутафакир Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари асосида музикали драмалар яратишга киришади. Бу мураккаб ижодий ишни бажа-

ришда у халқ ривоятлари, эртаклари, афсоналари ва дostonларидан ҳам унумли фойдаланади.

Навой ўзининг «Фарҳод ва Ширин» дostonида зoлим, худбин подшо маишатпараст Хисравга қарши энг яхши олижаноб фазилатларга эга бўлган, халқпарвар, инсоний орзу-умидлар билан яшовчи кишилар образини яратади. Драматург Хуршид эса «Фарҳод ва Ширин» пьесасида Навой дostonидаги муҳаббат, садоқат, дўстлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик каби олижаноб фазилатларни, буюк орзу-умидларни ихчам ва аниқ акс эттириб, сахна орқали томошабин кўз ўнгиде яққол гавдалантиради. Хуршид Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун ва бошқа персонажларнинг ария, қўшиқларида катта маърифий аҳамиятга эга бўлган муҳим фикрларни равшан, таъсирчан мисраларда ифода қила билди ва ўзининг ҳам оригинал бадиий мушоҳадаларини бера олиш қудратига эга бўлган катта санъаткор эканлигини намойиш эта олди.

Хуршид ўзининг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби музыкали драмалари билан ўзбек совет драматургияси тарихида музыкали драма жанрини ривожлантиришда янги саҳифа очди. Шоир ва драматург Хуршиднинг бу хизматлари халқ таҳсинига сазовор бўлди. Унинг драматик асарлари кўп йиллар давомида ўзбек совет сахнасида тушмай келмоқда ва томошабинлар томонидан севиб кўрилмоқда. Хуршид ўз асарлари билан Навойнинг муҳим ғоялари, фикрларини тарғиб қилиш ва оммалаштириш билан бирга, халқнинг унга бўлган муҳаббати, ҳурматини ошира борди. Шоир Хуршид XX асрнинг 20—30-йилларида йирик драматург сифатида шуҳрат қозонди.

У 1933 йилдан 1948 йилгача Навой номидаги театрда адабий ходим бўлиб хизмат қилади. Шу йиллар ичида шоир «Қалин» номли музыкали драма ва бир неча сахна

асарларини яратади. Композитор Р. Глиэр ва Т. Содиқов билан биргаликда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» операларини вужудга келтиради.

Хуршид бу даврда «Ойбону» номли 5 парда 6 кўри-нишли музыкали драма ёзади. Асарда ёзувчи XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда бўлиб ўтган воқеаларни — халқнинг хон-беклар, амалдорлар, эксплуататорлар зулмига қарши кўтарган исён, қўзғолонларини акс эттиради.

Хуршид «Ойбону» музыкали драмасида меҳнаткаш кишилар образини чизишга, феодализм тузуми шароитида халқнинг оғир турмуши, унинг фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини, интилишларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бироқ пьесада воқеалар тасвири чўзилиб кетган, бундан ташқари унда учрайдиган бир қатор камчиликлар асар қимматини анча пасайтириб қўйган.

Драматург 1945 йилда форс-тожик адабиётининг буюк намояндаларидан Абулқосим Фирдавсий «Шайхнома-си»да тасвирланган «Сиёвуш» афсонаси мотиви асосида 5 пардали опера либреттосини ёзади. «Сиёвуш» — мустақил сюжет ва оригинал характерга эга бўлган асар.

Хуршиднинг бу асари тарихий мавзуда ёзилган «Ойбону» асаридан тамоман фарқ қилади. Асарда феодал дунёси, шоҳлар, султонлар ҳукмронлиги халқлар бошига кеплаб фалокатлар келтирганлиги, сарой аҳллари-нинг разиллиги, меҳнаткаш халқларга қилган жабр-зулмлари тасвирланади. Феодал ўзбошимчалиги ва фитна-фасодлар қурбони бўлган Сиёвуш тинчликсевар, халқпарвар қаҳрамон сифатида талқин қилинади.

Драматургнинг сўнгги йилларда яратган пьесаси «Муҳаррам» деб номланади. 4 парда 6 кўринишли бу пьеса баъзи ўзбек оилаларида юз берган эскилик сарқитлари, ярамас урф-одат, иллатларни фош этади.

Ёзувчи бу асарида ҳаётни, воқеликни реалистик

тарзда акс эттирмоқчи бўлса-да, лекин асар бадиий жиҳатдан анча бўш чиққан ва қиёмига етмаган.

Хуршид умрининг сўнгги йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Хуршид бу даврда ўзбек классик адабиётининг намояндалари Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони, Огаҳий ва Мунис каби шоирларнинг асарларини нашр эттирди. Ҳофиз Шерозийнинг бир қанча ғазалларини ўзбек тилига таржима қилди, ўзбек адабиёти тарихи соҳасида ишловчи ёш илмий ходимлардан кадрлар тайёрлашда институтга яқиндан ёрдам берди. Хуршид 1960 йил 13 сентябрда вафот этди.

Хуршид ўзбек адабиётининг таниқли намояндаларидан бири эди. У ўзининг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби музикали драмалари, маориф ва маданият соҳасидаги хизматлари билан халқ ҳурматиغا сазовор бўлган ўзбек совет зиёлиларидан биридир. Унинг музикали драмалари театр саҳнасида узоқ йиллар давомида қўйилиб келинади. Унинг мазкур саҳна асарлари либреттолари 1925 йилда араб ва латинлашган ўзбек алифбесида бир неча бор нашр этилган. Лекин улар ҳозирги китобхонларнинг шоир, драматург Хуршид ижоди билан кенг кўламда танишишига имкон бермайди. Шунинг эътиборига олиб, Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти драматургнинг пьесалари ва шеърларидан иборат «Танланган асарлар»ини нашрга тайёрлади¹.

¹ Бу асарни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Хуршиднинг оила аъзоларига, Ўзбекистон театр жамияти ходими Б. Насриддиновга ва институти илмий ходимлари С. Содиқов, Г. Тоиров, Ҳ. Шамсиева ўртоқларга миннатдорчилик билдирамиз.

Кўлингиздаги китобга киритилган Хуршид драмалари ва ғазаллари А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Адабиёт музейида сақланаётган архив материалларидан олиниб, тақдим қилинмоқда.

Хуршиднинг Адабиёт музейида ўн олти номдан иборат оригинал ва таржима, драматик асарлари, шеърлари ва адабиёт назариясига оид қўлёзмалари бор. Булар ҳали ўрганилиши ва айримлари кенг китобхонлар оммасига етказилиши зарур.

Хуршид ўзбек совет драматургиясининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. У музикали драма ёзган дастлабки санъаткорларимиздан биридир. Хуршид мураккаб ижодий йўлни босиб ўтган ёзувчилардан бўлиб, унинг ижодида зиддиятлар ва чекланишлар ҳам бор. Драматургнинг ҳаёгга, воқеликка бўлган муносабати, дунёқараши унинг асарларида ўз ифодасини топган. Бизнинг вазифамиз Хуршид асарларига тўғри ёндашиб, унинг драматургиямиз тарихида тутган мавқеини илмий равишда тўғри белгилаб, ҳаққоний баҳо беришдир.

Ўзбек санъати ва адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат эрбоби Шамсиддин Шарафутдинов — Хуршид ўз ижоди билан ҳурматга сазовордир.

ХОЛИД РАСУЛ,
МАҲБУБА КОДИРОВА —
Филология фанлари кандидатлари

Хуршид

ФАРҲОД ВА ШИРИН

**(НАВОИЙ ДОСТОНИ АСОСИДА САҲНАЛАШТИРИЛГАН)
5 ПАРДА 7 КЎРИНИШЛИ МУЗИКАЛИ ДРАМА**

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Хоқон — Хўтан подшоҳи.

Фарҳод — Хоқоннинг ўғли. Ботир ва олижаноб йигит.

Мулкоро — Хоқоннинг вазири.

Баҳром — Вазирнинг ўғли, Фарҳоднинг ягона дўсти.

Шофур — Эрон савдогари. Фарҳоднинг гурбатда йўлдоши.

Меҳинбону — Арман маликаси.

Ширин — Меҳинбону акасининг қизи.

Хисрав — Эрон шоҳи.

Шеруя — Хисравнинг ўғли.

Ёсуман — Хисравнинг айёри

Табиблар, савдогарлар, иш боши, вазирлар, аскарлар, йигитлар, ишчилар, жориялар, элчилар, ўйинчилар.

Хўтан мулкики жаннатдин нишондур,
Саводи узра жаннат жон фишондур.

Гар онда сайр бўлса ихтиёринг,
Ҳадоиқ жониби тушса гузоринг.

Ҳамоно тўрт қасри равза ойин,
Ичинда тўрт қасри хулд тазийн.

Навоий

І П А Р Д А

І К Ū Р И Н И Ш

Хоқоннинг ҳашаматли саройида шаҳар улуғлари тўпланган. Фарҳодни хоқон кўтариш мақсадида тўпланган йиғин. Фарҳод, Хоқон, ўйинчи чолғучилар бор.

Музика

Дўстлар айш ила кўнглингиз гулистон ўлғуси,
Шоҳимиз бўлса омон лутфи фаровон ўлғуси.
Сиз бўлурсиз бу жаҳон халқи ичинда бахтиёр.

Х о р

Кўнглимиз ойнаи хуршиди тобон ўлғуси.

Ф а р ҳ о д

Ҳосил ўлғай кўнглингизда ҳарнаким бўлса ҳавас,

Х о р

Ул замон бизга яна ортиқча эҳсон ўлғуси.

Ф а р ҳ о д

Юрт ўлур адл ила обод эл ҳам эҳсон бирла шод,

Х о р

Юзимиз кулғай, юраклар шоду хандон ўлғуси.

Хоқон

Азизлар биз бу ердан азм этдик.
Тўсуқлардан ўтиб Юнонга етдик.
Тилсиму дев ила аждар бор эрди,
Бу тўсуқларни Фарҳод барҳам урди.
Бориб Суқрот ғори ичра кирдик,
Тилсимномани қўлга киритдик.
Насиҳат дурларин кўб терди Суқрот,
Видо айлаб ижозат берди Суқрот,
Саломат юртга келдик шоду хандон.

Ҳамма

Яшанг, хуш келдингиз ҳурматли Хоқон.

Хоқон

Қариликда ўғлоним қилди хурсанд
Каромат айлади бу хилда фарзанд,
Буни ўршимга ўлтирмак тилайман.

Ҳамма

Ўғлон ажратмаган ҳеч бизни сиздан.

Хоқон

Билурсено — йўқ жаҳонда жовидони
Бўлибдир навбат ила борча фони.
Садоқат билдиурсиз балли, раҳмат,
Қарилик менга еткимокда заҳмат.
Эрур Фарҳод — йигит, кучли, тавоно,
Бу тоғу тахтга мос, хушбўру доно.

Музыка

Фарҳод

Шаҳо умринг узун иқболу давлат сенга ёр ўлсин,
Фалаклар узра шоҳлик тахти сенга барқарор ўлсин.
Мени шоҳликка илғойсан отолиқ илтифотингдан.
Қўйинг бу сўзни, менга халқ ила тенглик шиор ўлсин.
Менга айтдинг адолат деб ҳамиша халққа зулм этсам,
Гуноҳи кимга тушгай бу томон ҳам эътибор ўлсин.

Хоқон

Сўзинг таъсири юз минг жондин ортиқ,
Не жонким чашмай ҳайвондин ортиқ.
Қулоқ топти дури шаҳвор сендан,
Ва лекин мен заифу зор сендан.
Тама бу ранглиғ сўз тутмас эрдим,
Жавобим бу сифат кўз тутмас эрдим.
(Халққа қараб)
Етукдир барча илм ила ҳунарда,
Йўқ айби, ақл ила идроки тоза.

Мулқоро

Фақат бир айби бор йиғию афғон,
Тутар биздан мудом, боисни пинҳон.

Музыка

Хоқон

Ёширин дардингни зоҳир айлар афғон оқибат,
Асраган сирингни ёйгай сели мужгон оқибат.
Ёширар эрдинг боғир чокини лекин қилди фош,
Ҳар томон кўп сочилғон бу каби қон оқибат.

Ф а р ҳ о д

Найлайин кўксимни чокидин билинмиш элга ҳам
Жонини қийнаб эзувчи доғи пинҳон оқибат.

М у л к о р о,

Б а ҳ р о м

Бу жаҳон боғида биткан бир ниҳоли кўрмадик
Соя янглиғ бўлмаган ер бирла яксон оқибат.

Х о қ о н

Ўзингдан гар мени хушдил тиларсан,
Муродим умрдин ҳосил тиларсан.
Аён қилмоқ керак бу сўзда фосим,
Қабул этмак керак бу илтимосим.
Жаҳон бўлса сенинг бирла музайян,
Сени ўз ўрнима қилсам муайян.

Ф а р ҳ о д

Бир-икки йил иноят айласа шоҳ,
Ки хизматдан ўзимни қилсам огоҳ.
Шаҳ олдида ҳамиша бирга бўлсам,
Бу иш кайфиятини яхши билсам.
Жаҳонда ҳар ишиким одам этди,
Бу иш машқ ила поёнига етди.
Билай ишнинг ривожин ҳам касодин,
Ҳам онглай иш салоҳин ҳам фасодин.

Х о қ о н

Менга шаҳлиқда қуллик ҳам қил энди,
Отолик ҳам, ўғуллик ҳам қил энди.

Музыка

Фарҳод

Чархдан жонимгадир юз тиғи қотил ҳар замон,
Даврдан жонимга минг заҳри ҳалоҳил ҳар замон.
Дема ҳеч тинчлик сўзиниким бўлур афлокдин,
Юз балолар ояти ҳаққимда нозил ҳар замон.
Бўлса юз жоним бериб ўлмакни олсам яхшироқ,
Жонга мундоғ ким етар юз тиғи қотил ҳар замон.

Хоқон

Зўр билан кўнглингни этма дардга манзил ҳар замон

Ҳамма

Сиздан ўзга барча халқ ишратга мойил ҳар замон.

Мулкоро

Отоким сен каби фарзанди бўлгай,

Баҳром

Тириклик наҳлининг пайванди бўлгай

Мулкоро

Ўлим вақти етишга ғам егайми?

Ҳамма

Агарчи ўлса ҳам ўлдим дегайми?

Вазирлар

Эрур қарз кекса Хоқонни қилиш шод,
Отони айлангиз қайғудан озод.



ЭЗДЕРХУС, ВО ШИРЕНДЭ СӨКТӨЛӨНДӨН БИР КҮРКИКАШ.

Х о қ о н

Бу кун юз шукрким қилди ўғоним,
Сени минг ончаким эрди гумоним.
Чу ҳақ зотингни кони маъни этмиш,
Халойиқ васфидин мустағни этмиш.
Не ишдин бўлса шаҳлиқ эътибори,
Бу кун мавжуд эрур зотингда бори.
Сени мақташга ҳечким лойиқ эрмас,
Қуёш равшан дейиш донолиқ эрмас.

Ф а р ҳ о д

Чу ман бу чоққа тегру ғофил эрдим,
Бу ишлар менга ундалмас дер эрдим.
Ишим ишратла базм оролиқ эрди,
Фароғат бирла бепарволиқ эрди.
Берилсин менга ҳозирча кичик иш,
Этилсин ислох, этсам ишда янглиш.

Х о қ о н

Тирикман кўрсатурман сенга имдод,

Ҳ а м м а

Муборак тожу тахт шаҳзода Фарҳод.

Х о қ о н

Шукур ҳаққа не ким қилди тамонно,
Борин иқболдин топдим муҳайё,
Кетур соқий қадаҳларни садога,
Кетур созанда созингни навога.
Севинчлик базмини бошласин энди,
Ҳумоюн келди Чин тахтига қўнди.

Музыка

Хор

Энди бизга бахт ила келди саодат чоқлари,
Бу муборак кунда бизга давру даврон ўлғуси.
Бўл амон, сур даврлар, шахзодаий соҳибқирон,
Умру иқболингга биз қуллар дуохон бўлғуси.
(турли ўйинлар давом этиб туради)

Парда

I ПАРДА

II КУРИНИШ

Хазина. Кўп сандиқлар орасида ойнадан ишланган бир сандиқ бор. Уруш асбоблари, тожлар, соавут, найза, сипар ва бошқалар ҳам бор. Хазина ортиқ даражада зийнатланган. Узоқдан хор овози эшитилади.

Музыка

Хор

Марҳабо, шахзода, эй олий нишон, хуш
келдингиз,
Бош ила кўз устидир сизга макон, хуш
келдингиз.
Бу маконга тўлдириб файз ила шон, хуш
келдингиз,
Жисмимизга мисли жон, хуш келдингиз, хуш
келдингиз.
Тангридан бир армуғон, хуш келдингиз, хуш
келдингиз.
(Шодиёна музика, Фарҳод, Хоқон, Мулқоро, Баҳром,
юрт улуғлари, йигитлар кирадилар. Музыка)

Хазиначи

Салом қадрли севикли Хоқон бошу кўз устига хуш
келурлар.

Йигитлар

Салом, салом эй шарафли меҳмон бизи ниҳоят
севинтирдилар.

Хоқон

Мана хазина, тилсимот ила ажойибот кони сирли
олам,
Хароб кўнгиллар, аламли диллар бўлур бу ерга
киришла хуррам.
Бу молу дунё, қурулу ашё хазинани текшириб
тонишғил,
Ҳеч этма исроф, адашма Фарҳод хазиналарга хазина
қўшғил.

Музыка

Фарҳод

Кўнглима ҳар дам бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз оғир ҳолимга ўлмасдин бурун мотам тутай.
Йиғлабон бошимга оҳим дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунча ўзим бу дам тутай.
Энди ким ишрат севинч ила очилмайди кўнгил,
Йиғлаб афғон бирла ғамли кўнглими хуррам тутай.
Чун жаҳон бирла жаҳон базмида йўқ эрмиш вафо,
Менга лозимдирки тарки жумлаи олам тутай.

Хоқон

Қани юрғил, томоша айла Фарҳод,
Не санъат айламиш ўтмишлар ижод.

(Хазинани кезиб ойна сандиққа етадилар. Фарҳод
ажабланиб қарайди)

Ф а р ҳ о д

Нечик сандиқ, кўриб завққа тўлур қалб,
Қилур оҳанрабодек ўзига жалб.

Х о қ о н

Будир Искандари Руми нигори,
Жаҳон аҳлига онинг ёдгори.

Ф а р ҳ о д

Калиди қайда, бўлса ҳозир айланг,
Очиб қулфини, сиррин зоҳир айланг.

Х о қ о н

Бу сандиқ сиррини ҳеч кимса билмас,
Калиди йўқ турур, қулфи очилмас.
Буни кўрдинг билишнинг фикридан кеч,
Ки биз ҳам кўрдик, аммо билмадик ҳеч,

Ф а р ҳ о д

Ҳар ишниким қилибдир одамизод,
Уни ўйлаб билибдир одамизод.
Қилибман шунча илму фазл ҳосил,
Нечун ҳал бўлмасин менга бу мушқил.
Бунинг ҳам аслини билмак керакман,
Бу ёширин сирни ҳал қилмоқ керакман,
Бунинг учун эрди Юнонга саёҳат,
Бусиз қандай бўлур кўнгилга роҳат.
(Ҳоқон хазиначига ишорат қилади. Хазиначи калидни
олиб келди)

Мулкоро

Азиз шаҳзода, бу ишда хатар бор,

Баҳром

Очиб бўлманг фалокатга гирифтор.

Фарҳод

Хазинам ҳоли бўлмай менга равшан,
Отамдек билмадик дебми юрарман.

Баҳром

Унутдингми налар деб эрди Сукрот,
Деб эрди очмаким сандиқ тилсимот.
Етар сандиқни очмоқдин фалокат,
Сени қаршилағой балким ҳалокат.

Фарҳод

Насиҳат қилмас энди заррача суд,
Тилсимнома бўлгач менда мавжуд.

(Хазиначидан калидни олиб сандиқни очади. Ойинани олиб қарайди. Унда аждар ва девларни ўлдирганини, арманда ишлаши, Ширин билан учрашиб, беҳуш йиқилишини кўради. Таъсирланиб йиқилади. Ҳамма ҳаяжонда. Музыка)

Хоқон

Бу қандай ўт эдиким тушди хонумонимга,
Ҳам бу не шуъла эдиким тутошди жонимга.
Яна не чоқмоқ эди тушгач ўртади хасдек,

Бир ўт шарорасидин жисми нотавонимга.
Боринг айтинг табиблар тезда келсин,
Буни элтиб у ерга ётқизилсин.
(Йигитлардан бири табибга кетади. Фарҳод бир
чекага ётқизилади)

Баҳром

Чақир ёнингга бу дўстингни қўйма доғ ичра,
Бу жонни садқа қилай ҳар замон мақолингга.

Мулкоро

Хазон сипоҳи баҳорингни айлади зойил,
Нечик чидай тикилиб рангги заъфаронингга.

Баҳром

Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоғ,
Кесилсин тил сени сўргунча мундоғ.
Кўриб ҳолинг чидаш мендан йироқдир,
Буни кўргунча ўлсам яхшироқдир.
Кўзинг очиб кўтаргил бошинг охир,
Эрурман бир хазин қўлдошинг охир.
(Сув сепиб, елпидилар. Фарҳод кўзини очди).

Музика

Фарҳод

Жоним она, эй мушфиқ ота!

Хоқон

Оҳ, биз сенга қурбон,

Фарҳод

Бас, айламанг афғон,
Мулкоро, ота йиғлама.

Мулкоро

Жон садқа эй хоқон —

Фарход

Кўп бўлма паришон,
Баҳром!

Баҳром

Оҳ азиз дўст, сенга Баҳроминг тасаддуқ,
Лутф айладинг ортиқ.

Фарход

Қўй йиғлама қайғунгни кўриб қийналадир жон.

Баҳром

Жоним сенга қурбон.

Фарход

Шарманда бўлиб сиздан уятларга қолибман,
Афв айлангиз ўз ҳолима қолдим жуда ҳайрон
мотамга солибман,
йўқ дардима дармон

Хоқон

Нечик аҳволинг эй дурри ягона,
На тиг эрди сенга урди замона?

Мулкоро

Қаерда эрди сизга бу фалокат,

Баҳром

Менга келгайди бунга келган офат,
На дардинг бор мени қилғил хабардор,
Қулингман, дардкашингман бир вафокор.

Фарҳод

Билолмайман на ҳолат даст бермиш,
Ки сизга ушбу мотам тақдир эрмиш.

Музика

Кўзгуда кўрдим бир парипайкар хаёлини,
Нўрган эмас жаҳон кўзи ул ой мисолини.
Бўлдим асири кўргач ажаб хатту холини,
Торттим кўнгилни лавҳига нақши жамолини,
Лекин эшитмадим унинг ширин мақолини.
Бир кўрмак ила бўлдим ажаб ҳолатга дучор,
Ақлимни элитди айлади сабримни тор-мор.
Айларман энди ишқида мажнунлиқ ихтиёр,
Дунёни ахтариб кезмайин олмайин қарор.
Шоядки топсам ул пари базми висолини.
(Табиблар келиб таъзим қиладилар)

Хоқон

Аниқлаб текширинг Фарҳод мизожин,
Ки шояд кўрсатарсиз бир иложин.

Табиб боши

Аё, олам элига қуллуғинг фарз,
Қилурмиз ҳарна ҳикмат айтканин арз
(Фарҳодни текшириб)
Ҳароратдин бунга етмиш жафолар,

Иложидир совуқ тоза ҳаволар.
Бу ердин даряга беш кунчалик йўл,
Орада йўқдир ободлиғ бутун чўл.
Бу чўллар сўнггида бир катта тоғ бор.
Тоғ узра етти, саккизта булоғ бор.
Совуқлиқда тоғ усти ўйлаким куз,
Булоқлар ҳам совуқдан боғламиш муз.
Агар улёнга борса шаҳзода,
Тузалгай кўнгли ҳам бўлгай кушода.

Х о қ о н

Жуда маъқул кезайлик тоғу дарё,
Ки дард дармони шояд бўлса пайдо.
Фақат қандай бўлур Фарҳод жавоби?

Ф а р ҳ о д

Менга қонун эрур шаҳнинг хитоби,
Қаён азм эткали бўлса ёроғи,
Менинг бошим эрур шоҳнинг оёғи.

Музика

Х о қ о н

Бор эди кўнглида сайри дашту саҳро айламак,
Бўлди лозим дардга қарши чора пайдо айламак,
Ким қилур биз бирла майли сайри дарё айламак.

У л у ф л а р

Бизга вожиб шоҳимиз ҳукмини бажо айламак,

Х о р

Шоҳимиздандир ишорат биздан ижро айламак.
(Ҳамма таъзим қилади. Хоқон бошлаб чиқа
бошлайдилар)

Парда

II ПАРДА

I КЎРИНИШ

Дарё, узоқдан Яман шаҳри кўриниб туради. Бир тарафдан савдогарлар кемаси келаётир. Фарҳод бир тахта устида гирдобда айланиб туради. Воқеа Тоиф шаҳри яқинида.

Музыка

Ф а р ҳ о д

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,
Қуюндек ҳар замон бир кўрмаган саҳрода саргардон.
Кўзим намлик, қадим хамлик, юрак андуҳу мотамлик.
На ҳамдамлик, на маҳрамлик топиб бу меҳнати

пинҳон,

Менга не ёру, не ҳамдам, менга не чора, не марҳам,
Менда не дўсту не маҳрам, менга не сабру не сомон.
(Савдогарлар кемаси яқинлашиб келади)

К е м а ч и

Келинг, дўстлар, кўмак айланг ки фарқ ўлмиш бу
бечора

Ш о п у р

Суринг кема ҳалок айлар буни дарёи бепоён,
(Фарҳодни кемага олиб дарё четига чиқарадилар).

Музика

Бир тўда

Сўзла эй йигит кимсан?

Бир тўда

Қайси юрту элдансан?

Шопур

Айт биродар аслингни ҳеч яширмайин биздан!

Бир тўда

Юзларинг қилур маълум олий хонадондансан.

Бир тўда

Нега тутдинг, эй барно, тахта порада маскан?

Савдогар боши

Дарёларда юрмакка топмадик сени муҳтож.

Ҳамма

Ўлдириш учун балким ташлаган сени душман.

Фарҳод

Хўтанлик бир тўда савдогар эрдик,

Яманга ният айлаб борар эрдик.

Кема фарқ ўлди мол-ҳол сувга кетди,

Фақат менга бу тахта ёрдам этди.

Этиб эрди мени тўлқинлар ожиз,

Халосимга сабабчи бўлдингиз сиз.

Ва лекин то тирикман бандангизман,

Неча бўлсам тирик шармандангизман.

Важоҳатдан, I тўда
Кийимдан, II тўда
Савлатингдан, III тўда

Ҳ а м м а

Аниқ билдикки савдогар эмассан.

Музика

Қ а р о қ ч и л а р

Йиртқичлармиз тоғу саҳро бизники,
Не тоғ саҳро балки дарё бизники.
Хазина ҳам молу дунё бизники,
Зулму ваҳшат шони танҳо бизники.
Элни талаб молин айлармиз торож,
Халқ кийнелса бизнинг иш топқой ривож.
Мардумнинг умридан олурмиз хирож,
Марҳаматсиз зулму ғавғо бизники.
Ҳеч бир банда бизга дучор ўлмасин,
Ғунча экан жабримизда сўлмасин.
Бахтсизликка паймонаси тўлмасин,
Бутун ваҳшат қонли савдо бизники.

(Қароқчилар кемаси кўринади. Булар томон кела беради. Музика)

К е м а ч и

Дўстлар, ғамдин асар бўлди балолардин хабар.

С а в д о г а р б о ш и

Ҳай дариг, мол-жон кетар энди ёронлар, алvido.

Бир тўда

Бизга ким ёрдам этар? Эй меҳрибонлар, алвидо,
Қон бўлур бизга кафан қонли маконлар, алвидо,
Бизга тақдир бу экан, эй қадрдонлар, алвидо.

Ҳамма

Эй молу жонлар алвидо.

(Бир-бирлари билан қучоқлашиб йиғлайдилар.
Фарҳод ажабланиб туради)

Фарҳод

На бўлди сизга нечундир бу фарёд,
Ки бундай бўлдингиз маҳзуну ношод?

Савдогар боши

Оҳ ўғлим, ҳолимиздан не сўрарсан?
Қайиқларким бу дарёда кўрарсан,
Қароқчилар, жазира аҳли дерлар,
Бу дарёда таловчилик қилурлар,
Сочиб ўт кемаларни куйдиурлар,
Тамоми кема халқин ўлдурурлар,
Қилур эл мол ила жонини ғорат,
Уларга дарёда будир тижорат.

Фарҳод

Сира қайғурмангизким бермагай ҳақ,
Улардан ҳеч офат сизга мутлақ.
Камони ўқ топинг менга шу соат,
Уларни даф этарман ушбу соат.
(Бир камон, бир қанча ўқлар келтириб бердилар).

Музыка

Ф а р ҳ о д

Эй мардлик лофин урганлар,
Жаллодлик даврин сурганлар,
Қутурган итдек ҳурганлар,
Мардингиз майдон ичинда.
Кўзларингизга қон тўлуқ,
Сизда шафқат, на ғайрат йўқ,
Мана мендан олинг бир ўқ,
Мардингиз майдон ичинда.
(Бир ўқ билан қароқчилар кемасини уриб тешади)

Қ а р о қ ч и б о ш и

Ҳой, ҳой кема лангарин олинг тез,
Тез қайтмас эсангиз ғарқ ўлурмиз.
Тешди кемамиз бу баҳодир,
Ҳам кемани чўқдиришга қодир.
(Қароқчилар кемаларини қайтариб кетадилар.
Савдогарлар қарсак чаладилар)

С а в д о г а р б о ш и

Сенга минг офарин эй марди даврон,
Мусаллам бу шижоатга шараф-шон.
Биз сенсан жаҳону жондин ортиқ,
Қилурмиз молу жонни сенга тортиқ.

Ш о п у р

Биродарлар бўлинг холис гувоҳим,
Қул ўлдим, бу йигитдир подшоҳим.
(Фарҳодга)
Азизим, менга наслинг, гавҳарин айт,
Бутун аҳволинг ила кишваринг айт.

Ф а р ҳ о д

Биродар, қўй, мени қийноққа тутма,
Мен айтмай юрту наслим, сен эшитма.
Ки ман дилхастау зору балокаш,
Бурун эл янглиғ эрдим шоду дилхуш.
Менга бир тун балойи бўлди жорий,
Камондек кўкдин ўқи қилди кори.

Музика

Юракдадир яширин ғамки айта олмасман,
Бир ўт солур менга ҳар дамки айта олмасман.
Ғамики ўлсам эмас айта олмоғи мумкин,
Агарчи ўлдирур ул ҳамки айта олмасман.
Ғами ниҳон мени ўлтурди зулм тиғи билан,
Эрур буқун менга мотам ки айта олмасман.

Ш о п у р

Сирингдан тўғри бўлган эрсам огоҳ.
Хабардир севгидан бу чекдигинг оҳ.

Ф а р ҳ о д

Ажаб бир воқифи аҳвол эмишсан,
Демак, дўстим, бир аҳли ҳол эмишсан,
Демак мумкинки сен айтқанчадир сир.

Ш о п у р

Дегил, ёринг нишонин менга бир-бир
(Фарҳод сўзлар экан, Шопур суратини чизиб туради.
Музика)

Ф а р ҳ о д

Бир кеча уйқуда кўрдим ўзни бир тоғ устида,
Ишчилар ишларди мен ҳам тош қўпормоқ устида.

Келди бир ҳури маофа ичра ҳамдам ҳурлар,
Дер эди кўрган киши гулгунча япроқ устида.
Қомати зебо, юзи гул кўзларидир сеҳргар,
Ислари бир атр дарёси оқар боғ устида.
Ноз ила ҳарён кезиб ҳолим сўрар эрди кулиб,
Ул кетиб ҳушсиз қолибман тоғда тупроқ устида.

Ш о п у р

Ема ғамким бу ерким дединг они,
Билурман анда бўлганман замони.
Ҳавоси жонфизо гул анда хирман,
Эрур боғи Эрамдек оти Арман.
Борур бўлсанг сенга раҳбарлик айлал,
Не раҳбарлик, сенга чокарлик айлал.

Ф а р ҳ о д

Бу сўзларга қачон бовар қилурман?
Менга афсона сўзларсан, билурман.

Ш о п у р

Иномлассан агар айтган каломим,
Сенга исбот этай андоқки комим.
Сенга афсона сўзлаш бир ҳавасми,
Қара, кўрган тушинг шундай эмасми?
(Кўйнидан сурат олиб Фарҳодга кўрсатади).

Ф а р ҳ о д

Шу, шу ўз ваъданга етмак кераксан,

Ш о п у р

Бошим, жонимла ҳамроҳлик қилурман.

Музика

Фарҳод

Хуш қолинг, эй дўстларим, айланг мени маҳзунни ёд,
Тушга олдонгон ғариб овораи Мажнунни ёд.

Шопур

Хайр, азизлар!

Савдогарлар

Қайға сен?

Шопур

Дўстим билан кетсам керак
Юртагиларга дуо денг, эй ёронлар, алвидо!

Ҳамма

Хайр азиз Фарҳод ва Шопур қадрдонлар, алвидо!
(Савдогарлар билан қучишиб, Фарҳод, Шопур
тоққа қараб юрадилар)

Парда

III ПАРДА

I КУРИНИШ

Арман мамлакатининг Бистун тоғи. Фарҳод тоғда ишлаб тошларни ағдараётир. Тошларни ишчилар ташимоқдалар. Катта тошларни Фарҳод ўзи кўтаради, Шопур ҳам ёрдамлашаётир. Ул ерда ўрда қурилмоқда, тошлар шунга ишлатилади. Фарҳод ишчиларнинг ёрдами билан тоғнинг ўйилган еридан тошдан ясалган бир тахт олиб чиқиб ўрнатиб, нақш сола бошлайди. Шопур ҳам бирёқда тошдан ясалган курсиларга нақш солаётир.

Музика

Перда очилади.

Фарход

Сабо, этгил саломимни етургил кўйи дилдора,
Паришон хотиримдан арзаи қил нозанин ёра
Баён этгил юзин ёди била қилган фиғонимни,
Этар шояд келиб бу кўҳкан ҳолига наззора.
Нигорим лаб очиб сендан агар аслим савол этса,
Хўтандандир мусофир севги саҳросида овора.

Шопур

Эмиш юртида Фарход исми бунда Кўҳкан ўлмиш,
Матоъи ҳусни олмоққа келибдур ушбу бозора.

Фарход

Менга учмоқ кўринмиш шавқи бирла бу жафо тоғи
Нигорим шарбати васлида, во, мен ташна бечора.
(Ишбоши Фарходнинг санъатини томоша қилиб
ажабланиб туради. Музика)

Ишбоши

Офарин моҳир ҳунарманд паҳлавон барно йигит!

Ишчилар

(тўпланади)

Сенга аҳсан, офарин, санъаткор, эй доно йигит!
Бизга келмишсан, ажаб, мушфиқ отодек меҳрибон,
Кўрмаган дунё кўзи сендай малак сиймо йигит.
Айладинг бизни оғир меҳнат уқубатдан халос,
Ожиз эрдик шунча ишни ишладинг танҳо йигит.
Файрат ила бир ўзинг тоғларни қилдинг тор-мор,
Барча қул бўлдик сенга, эй жонажон, ошно йигит.

Фарҳод

Нечундир бу каби жабру жафолар,
Қачондандир фалакдан бу балолар?
Кўриб сизни бутун бошимга ошди,
Юрак бағримга буткул ўт тутошди.

Ишбоши

Булар барча асиру қул эрурлар,
Малика хизматичун жон берурлар.

Фарҳод

Буларнинг ҳоли бўлди менга маълум,
Эмаслар қул, бори бечора мазлум.
Мана, мен қул, на истарсан менга қил,
Бу ожиз бенаволарга очинғил.

Ишчилар

Гумонсиз, эй йигит, сен бир малаксан,
Биз ожизларга кўрсатдинг кўлак сен.

Бир тўда

Вужудинг кўрмасин ғам ранжу тоби,
Не ким сўрдинг будур онинг жавоби.
Ки бу зўр ўлкаким жаннат нишондир,
Бу ерга бир хотин ҳукми равондир.

Бир тўда

Бу ёнглиғдир сенга қилсак сифотин:
Жаҳон аҳли Меҳинбону дер отин.

Б и р т ў д а

Акосидан қолибдир бир гўзал қиз,
Меҳинбонуга эрмақдир у ёлғиз.
У қизни васф этишдан баҳрамиз йўқ,
Отин доғи тутарга заҳрамиз йўқ.

Б и р т ў д а

Бу ўлка Армания дерлар отин,
Эмас мумкин адо қилмоқ сифотин.

Б и р т ў д а

Бу Арман шаҳри шарқи катта тоғдир,
Уён Айнулҳаёт отлиғ булоғдир.
Ариқ кавлаб булоғдан сув кетирмақ,
Бу ерларни текислаб ўрда қурмоқ,
У дилбар қиздан ўлган бизга фармон,
Неча йилдирки ишлаб битди дармон.

Б и р т ў д а

Машаққатдан йигитни эл қари дер,
Қозилмишдир фақат бир минг қулоч ер.
Сен этдинг борча мушкилларни осон,
Қўлингда бўлди бу чўллар гулистон.

Ф а р ҳ о д

Ўзум ёнглиғ кўриб қийноқда сизни,
Биродар деб билурман барчангизни.
Эмас қасдим ишимни миннат этсам,
Қўлимдан келди бердим сизга ёрдам.
Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққаи кетгумдир охир.
(Узоқдан ашула ва музика овозлари эшитилади)

Ишбоши

Париваш айламиш майли тамошо,

Шопур

Муродинг ушбу кун бўлгай муҳайё.

Музика

Фарҳод

Тонгда еткурди сабо гул барги хандон муждасин,
Ёки Исонинг дамидан топди тан жон муждасин.
Гунча эрдим ғам елидан тўнга сифмон гунчадек,
То сабо еткурди ул сарви хиромон муждасин.
(Ширин, Меҳинбону, жориялар, қизлар ўйин билан
кирадилар. Музика)

Ишчилар

Ассалом, шонли малика, этдингиз қулларни ёд,
Умрингиз бўлсин узун, обрўнгиз ундан ҳам зиёд.

Ширин

Бор бўлинг,

Қизлар

Раҳмат, балли.

Хизматингиздан малика кўнглидир ғоятда шод.
(Фарҳод бир чекада қотган эди. Ишчилар уни Фарҳодга
тақдим қиладилар)

Ширин

Келинг, эй марди даврон хуш келибсиз,
Биз айтмасдан бу хил хизмат қилибсиз.
Не сиз ўхшаб жаҳонда бир кишига,
Не ўхшайдир ишингиз эл ишига.

Қизлар

Бу ишким кўп кишилар эрди ожиз,
Бажаргансиз, ажаб, бу ишни ёлғиз.
Ҳунарким бунда сиз ижод этибсиз,
Бу кўрқинч тоғни боғ обод этибсиз.
Агар юзларча йил узрингиз айтсам,
Эмасдир мумкин узрингиз тугатсам.

Музыка

Фарҳод

Эй пари жонимга роҳат бердинг овозинг билан,
Сўзларинг қутқорди мен маҳзунни ранжу қайғудан.
Тушди ўт жонимга, эй раъно юзинг кўрмай ҳануз,
Ё дилим қон айлаган афсунли дилбар сенмисан?

Ширин

Шукрким ҳосил бўлибдир менга барча муддао,
Ким асир ўлмиш менга шундай баҳодир Кўҳқан.

Қизлар

Эй ботир, барно йигит, бахтинг бўлибдир раҳнамо,
Кўрмагандир сен каби бахтли йигит бу анжуман.

Ширин

Мақсадинг айт, бу каби ишлар эмасдир бесабаб,

Фарҳод

Марҳамат қилсанг юзинг бир кўрмак орзусидаман.

(Ширин Меҳинбону ишорати билан юзини очди. Фарҳод кўриб завқланади. Музыка)

Ф а р ҳ о д

Оҳ нечук толеъки менга севги бўлди раҳнамо,
Учради ул кўзгуда бир йўл кўринган дилрабо.

Ш и р и н

Қанча шаҳзода йигитлар тутдилар мендан умид,
Боқмадим уларга, бўлди сенга кўнглим ошно.

Ф а р ҳ о д

Сен гўзал дилбарга етмакка қўйиб умрим гаров,
Шукрим бўлди муяссар менга борча муддао.

Ш о п у р

Шод бўл эй дўстим, ёришти қоп-қоронғу тунларинг,

И ш ч и л а р

Чин юрак-ла иш қилиб, ҳожатларинг бўлди разо.

М е ҳ и н б о н у

Келинг созандалар, раққосалар сиз,
Бу содиқ ишчиларга базм берингиз.
Биз айлайлик кезиб ишни тамошо,
Қани, қандай ҳунарлар бўлди барпо.

(Меҳинбону, Ширин, Фарҳод, Шопур, ишбоши
кетадилар. Бу ерда базм бошланди. Улар қайтиб келгач,
базм тугайди. Фарҳод билан Ширин олдинда борар
эдилар)

Меҳинбону

Бу ерга келгил, эй жонимга пайванд,
Хазин жоним жамолинг бирла хурсанд.
(Ширинни бир чеккага тортиб, яширин сўзлайди)
Бу ошиқваш йигитким чекти кўп ранж,
Эрур оз хизматига қарши юз ганж.
Унга таклиф қилсоқ меҳмонлик
Ҳам этсак кўнглин овлаб меҳрибонлик.

Ширин

Муборакдир бу ҳақда ҳарна фикринг,
Эрурман ожиз айтмакликка шукринг.
(Фарҳодга яқин келиб)
Азиз меҳмон, малол келмаса сизга,
Қадам ранж айлағайсиз ўрдамизга.

Фарҳод

Бошим билан юриб боргайман албат,
Менга остонангиз ўпмак саодат,
Ўғон лутф этса, биз ҳам тонгла етдик

Меҳинбону

Қани, Ширин, чақир қизларни кетдик.
(Меҳинбону, Ширин, қизлар кетади).

Музыка

Фарҳод

Топди бу дам хаста тан гўёки дармон муждасин.

Парда

III ПАРДА

II КҮРИНИШ

Меҳинбону саройида меҳмондорчиликка тайёргарлик
кўрилмоқда. Хизматчилар, жориялар жойларни ростлаётир.

Музика

Жориялар

Эшитдик бунда букун базм жамшиди қурармишлар,
Тилсимот ишли полвон бир йигитни келтирармишлар.
Бизим Ширин эса ҳар қанча мақтовдан эрур устун,
Ва лекин қиз-йигит бир-бирларин қаттиқ севармишлар.

Йигитлар

Кўрибдирлар муносибким, қўшилсинлар қуёшу ой,
Демакким одамийлар гоҳ ҳақиқатни кўрармишлар,

Ҳамма

Йигитга бахту Ширинга боқибдир давлату иқбол,
Ажабким бахту давлат бирга бир ерда турармишлар.
(Ширин хаёлга толган бир ҳолда кириб келади)

Ширин

Ҳали ҳам битмаган тайёрлигингиз,

Бир жория

Қани, айтинг нечик камлик кўрарсиз?
Қилурмиз бир нафасда биз уни соз.

Ширин

Бу ерларга солинмабдир поёндоз,
Йигитлар, ташқарини ростлангиз сиз,
Қанизлар, сиз бу ерларни тузингиз.
(Йигитлар чиқадилар. Қанизлар бу ерда машул. Ширин
бир курсига ўтиради. Музыка)

Ширин

Оҳким ғам тиғидин кўксимни қилди чок ишқ,
Дуди оҳимдин кўзимни айлади намнок ишқ.
Ул пари ишқидаким ҳар лаҳза юз минг бош ёрур,
Судрабон элтур мени девонани бебок ишқ.
Ошиқ ўлди хаста жон кўрган чоғ ул ўт порани,
Не ажаб чоқмоқ билан ўйнар эмиш хошок ишқ.
(Жориялар жойларини ростлаб бўлган эдилар, Меҳин-
бону хослари билан киради, бориб ўтирадилар)

Меҳинбону

Аҳа, Ширин бу ерда ўлтирибсан,
Ҳарамда мен сени излаб юрибман.

Ширин

Агар мен келмасам ишлар экан хом,
Келиб қилдим бутун ишни саранжом.
(Ташқарида хор овози эшитилади. Давоми ичкарида
тугайди. Музыка)

Хор

Хуш келибсиз мухтарам меҳмонимиз,
Кўнглимизнинг мулкида султонимиз,
Бизга эҳсон этдинг, эй ҳоқонимиз,
Йўлларингизга фидо бу жонимиз.



Хуршиднинг «Фарход ва Ширин» спектаклидан бир кўриниш.

Соҳиби эҳсонимиз, хуш келдингиз.
Марҳамат қилдингиз, эй Рустамнишон,
Тушмангиз ранжга, бўлинг кўп йил омон.
Асрасин сизни балолардан ўғон,
Меҳрингиз тутган кўнгилларда макон,
Эй улуг соҳибқирон, хуш келдингиз.

(Фарҳод, Шопур, ишбоши, ишчилар кирадилар.
Жориялар гуллар сочадилар)

Ф а р ҳ о д

Салом, эй шаҳриёри мулки Арман,
Ижозат бўлса оstonанг ўпарман.

М е ҳ и н б о н у

Буюр, эй шери ўрмони шижоват,
Буюр, эй подшоҳи мулки санъат.

(Ширин туриб Фарҳод бошидан тилла сочади.
Фарҳодга, Шопурга, ишбошига сарпо берилади)

М е ҳ и н б о н у

Баҳодир эр йигит, сарпо муборак.

Б о ш қ а л а р

Муборак сарпо, ёринг ҳақ таборак.

М е ҳ и н б о н у

Буюр тахт узра эй ҳурматли меҳмон.

Ф а р ҳ о д

Муносиб сизга тахту иззату шон,
Гадоу салтанат тахти йироқдир,
Онга тупроқ узра ўлтирмақ яхшироқдир.

Меҳинбону

Агар сен тахт уза тутмассан ором,
Менга ҳам ерда ўлтирмақ эрур ком.
(Тахтдан тушиб курсига ўтиради. Ширин Фарҳоднинг
ёнида курсида ўтиради. Ишчилар палосларда ўтиради-
лар. Меҳинбону ишорат қилади, зиёфат, ичкилик бошла-
нади. Ширин қадаҳ олиб Фарҳодга тутади. Бир неча дав-
ра қадаҳ айлангач, Фарҳод завқланади. Музыка)

Фарҳод

Букун бахт этди мен сори хиром, оҳиста-оҳиста,
Тилак жомига ҳосил бўлди, ком, оҳиста-оҳиста.

Ширин

Фалак жабр айламакдан толмиш, олмиш бир нафас
ором,
Қазо ҳам бўйсуниб бермиш салом, оҳиста-оҳиста.

Меҳинбону

Берур бундай натижа пок муҳаббат кимга бошлар йўл
Бўлур пок ишқ элига ваҳши ром, оҳиста-оҳиста.

Ширин

Эрур шарт ишққа дард ила машаққатларга сабр
этмак,
Бўлур тонгга бадал ҳар тийра шом, оҳиста-оҳиста.

Фарҳод

Етиб васли кетар ҳижрон тамом, оҳиста-оҳиста.

Меҳинбону

Қани, созандалар сизларга навбат,
Беринглар базм, тўлсин завққа суҳбат.

Музика

Хор

Эй, қаро холинг кўриб бўлди қаролар хоксор,
Гул юзинг шавқида тун-кун булбул айлар оҳу-зор.
Жон қуши бўлмиш ҳавойи васлинг ила беқарор,
Кўз эмасми ишқ элидан олди ақлу ихтиёр,
Гулшан ичра сарву гул қаддингдан ўлмиш шармисор.
Қошда ўсма, кўзда сурма, белда олтиндан камар,
Нозанин тан узра кўйлак нақш этилмиш сийму зар.
Ғунчадек лаблар сочиб ҳар бир ёнга шаҳду шакар,
Қопқоро кўзлар агар ошиқ сори қилса назар,
Тушгай ўт жонларга ҳам дилларни айлар тор-мор.
(Ўйинлар давом этиб турган вақтда ясовул шошилиб
киради. Ўйин тўхтатилди)

Ясовул

Маликам, келмиш Эрондан бир элчи.

Меҳинбону

Яна қандай бало бўлди бу тилчи?
Дегилким вақтимиз йўқ...

Фарҳод

Майли келсин!

У бир элчи, на истар арз қилсин!

(Қоровул чиқди. Хисрав элчилари киради. Орада
Хисрав ўғли Шеруя ҳам бор. Шеруя Ширинни биринчи
назарда севади, ўзгаради. Бир чекага чиқиб хаёлга
толади)

Элчи

Салом Арман элининг шахриёри!

Меҳинбону

Азизлар, марҳамат айланг юқори.
(Элчилар ўтирадилар. Ҳамма элчига эътибор бериб
тикглайди. Шеруя бир четда қотган)

Меҳинбону

Хўш?!

Элчи

Иккинчун бор элчи келди сизга,
Қўлол сўзлар қилибсиз элчимизга.
Ҳазабланди, ниҳоят, шоҳи Эрон,
Билиб кел, деб бизи кўндирди бу он.
Эрур Хисрав улуг шоҳи жаҳонгир,
Бўлолмас тенг унга қоплон билан шер.
Ва лекин сизга қилмиш қуллик изҳор,
Ҳамиша бўлғуси сизга мададкор.
Унга қаршилигингиз бежиҳатдир,
Унга бўйсунмагингиз маслаҳатдир.
(Ҳамма Меҳинбонуга тикилган. Меҳинбону хаялда,
Фарҳод газабда, Шеруя ўзича)

Шеруя

Ажаб бир нозанин эрмиш бу дилдор,
На тadbир айласам бўлгай менга ёр.
Отам Хисравни гар қилсам саранжом,
Қўлимга келгуси албат бу дилдор.

Меҳинбону

(Бош кўтариб Ширинга)

На дерсан, эй пари, фикрингни айтгил,
Ёмон, яхши томонин ўйлаб иш қил.

Ширин

Менга на ёру не ошиқ ҳавасдир,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдир.
Мени ҳиндудек ўтлар сори бошланг,
Юзум ҳоли каби ўт ичра ташланг.
Малолимдан бутун олам қутулсин,
Таним юз минг аламдин ҳам қутулсин.
Менга Фарҳод ишқу тухмати бас,
У ҳам бир дам юзим кўрмай туролмас.
Бўлолмайман йироқ ул нотавондан,
Начикким мендан ул, мен доғи ондан.

Элчи

Демак, Хисравга қаршилик қилурсиз?
Унинг ҳукмин бир афсона билурсиз.
Чекар Хисрав кўшин сиз узра тевдан,
Қутулгайсиз на сиз, на шаҳди Арман.
(Элчилар зарда билан чиқиб кетади. Ҳамма сукутда)

Меҳинбону

На қилдик энди биз, кайға борурмиз?
Қаердан дардга дармон ахтарурмиз?
Ки Хисрав мақсади Ширин эмасдир,
Унга зулм ила юрт олмоқ ҳавасдир.

Фарҳод

Маложам, кўрқмангиз ҳеч, бунда биз бор,
Қилурмиз дунёни Хисрав учун тор.

Чақирсин жарчи, тўплансин халойиқ,
Чиқиб ёвни бу атрофдан қувайлиқ.

Жамоат! Бизга шундай топшириқ бор,
Чиқайлик ёвга қарши...

Х а л қ

Биз фидокор!

Музыка

Х о р

Биз эрурмиз гўзал юртнинг ботир илғори,
Зафар бизнинг ғайрат билан боссоқ илғари.
Белда қилич, қўлда найза, бир қўлда сипар,
Ҳар бир ерда бизни кутар шонли бир зафар.
(Қуролланиб ташқарига қараб юрадилар)

П а р д а

Эпизод

Бир улғу тоғ бағри. Урушдан сўнг Фарҳод ўлуқлар тепасида қилич
чини ерга тираб турибдир. Парда очилади.

Музыка

Ф а р ҳ о д

Қани Хисравий шум ўзи бу чоқ шу қилич билан басар
айласам,
Шу гуноҳсиз ўлгучилар учун унинг айшини заҳар
айласам.

Менга қон тўкиш йўқ эди талаб бунга Парвиз ўлди
улуғ сабаб,
Унга қарши кўнгил тўла ғазаб, сиқилур юрак назар
айласам.
Қани, сан кел, эй шаҳи фитнагар, сени ҳам шулардан
этай батар,
Тугалурди дунёда шўру шар, сени зер ила забар
айласам.
Менга қотил исми тоқилди, оҳ нега ишладим бу каби
гуноҳ?
Сабаб ўлди тош юракли шоҳ, уни кошки беасар
айласам.
(Ёсуман тоғ устида дору беҳушни чангитиб юборади.
Фарҳодга тегади. Фарҳод беҳуш йиқилади. Боғлаб олиб
кетадилар)

IV ПАРДА

Арман шаҳри. Қўрғонга яқин. Хисрав чодирини. Хисрав базми
ҳолатида ўтирибди. Музыка. Парда очилади.

Хисрав

Жоми айшим бодадан чоғ,
Бўлди ҳаётим чаман боғ.
Яшнади бахтим гули баҳори,
Қолмади дилда заррача доғ.
Ишқу муҳаббат мени бошлади бу томон,
Менга ажаб базму тараб нашъали замон,
Тўлди букун завқу сафоларга бу макон,
Шу гўзал тоғ.
Тўпланибдир ҳур парилар,
Шунча маҳваш, нозли дилбар,
Бўлди ром менга бу маҳлиқолар,

Ширин ўлди нечун қарши ҳар чоқ.
Ширин охир ромим ўлгай,
Соқию ҳам жомим ўлгай,
Бўлғуси у бутун дардга дармон,
Булбули жон этадир завқ ила фиғон.
Кишварий Арманга бўлур буйруғим равон,
Шавкату зарбимла букун титради жаҳон,
Бош эгибдир менга шаҳлар сўл билан соғ,
Ушбу тоғлар Ширин келиб бўлғуси бир гўзал боғ.
(Эронча рақслар ижро қилинади. Музика)

Х и с р а в

Келди дээрим, кулди бахтим нашъали комим менинг,
Бўлди равшан айш ила бу тийра айёмим менинг.
Қузвати шерона сарф этмакла очдим ўлкалар,
Ер юзин фатҳ айлагум бўлса қуёш моҳим менинг.
Қанча шаҳлар панжаи қаҳримда таслим ўлдилар,
Кўкда юлдузларни ҳам титратғуси номим менинг.
(Шеруя киради, Хисравнинг аҳволини кўриб, нафратла-
ниб бир чекага ўтиб туради. Ёсуман киради. Орқасидан
Фарҳодни боғлаб беҳуш ҳолда олиб кирадилар)

Х и с р а в

Бу ким? Кўргач кўнгиллар бўлди ношод?
(отасига кўрсатиб)

Ш е р у я

Ажойиб бир қиёфа.

В а з и р л а р

Ким бу?

Ёсуман

Фарход.

Хисрав

Нечик банд ўлди бу девона арслон?

Ёсуман

Қолур ожиз менинг макримга шайтон,
Туриб тоғ узра тошлар ёғдирарди,
Йигитлар қалпоғин пойлаб урарди,
Бориб ёнига афсун қилдим изҳор,
На бўлса бўлди, домимга гирифтор.
(Хисрав Шеруяга масхара тарзида қарайди. Шеруя
аччиғланиб тескари қарайди)

Шеруя

Бу қандай бузуқ ишратларестлик,
На ҳожат бу такеббурлик шу мастлик?
Буни қатл айлағумдир энди ночор.
Менга лойиқ эрур Ширин гўзал ёр
(чиқиб кетади).

Хисрав
(Ёсуманга)

Солиб занжир буни хушига келтир,
Савол айлай на қасди бору кимдир?
(Ёсуман Фарходга дору искатади. Фарход хушига келиб
ўзини бандда кўради. Шаҳар тарафга қараб бош эғади.
Хисравга қараб бош ирғатади).

Фарход

Бу на ҳолатким гирифтор ўлмишам занжир ила,
Бу на боргоҳ, не учун мен бу каби таҳқир ила.

Бу нечик тахт ўлди ҳам бу подшоҳ кимдир ажаб,
Нега тутмишлар мени девонани тадбир ила?

Х и с р а в

Ким ўлдинг эй гадо, ким наслідансан?
Келибдур энг улуғ ишлар қўлингдан.

Ф а р ҳ о д

Ки то олам биноси бўлди бунёд,
Менингдек қилмади иш одамизод.
Десам Юнон сори от сурганимни,
Қилиб жанг аждаҳо ўлдирганимни,
Иккинчи Аҳраман девга тутиб кин,
Жаҳонни қилғоним қон ила рангин,
Учинчи Искандарий, Румий тилсимин —
Очибман тенг қилиб ер бирла жисмин.
Бўлуб тўртинчи Сукротга рақамкаш,
Ки ғори ичра кирдим аждаҳоваш.

Х и с р а в

Қаердандирсан, эй мажнуни гумроҳ?

Ф а р ҳ о д

Қачон Мажнун ватандан бўлгай огоҳ!

Х и с р а в

Недир сенга бу олам ичра пеша?

Ф а р ҳ о д

Менга ишқ ичра мажнунлиғ ҳамиша.

Хисрав

Қачон етган сенга бу ишқ дарди?

Фарҳод

Танимга жоним ила бирга кирди.

Хисрав

Бу ишдан жонингга кўп-кўп алам бор?

Фарҳод

Бу севги ичра жондан кимга ғам бор?

Хисрав

Дегил дилбарнинг отин ҳам сифотин?

Фарҳод

Тилимнинг ғайратидан тутмам отин.

Хисрав

Сенга бу ишқ тарки яхшироқдир.

Фарҳод

Бу шева севги аҳлидин йироқдир.

Хисрав

Хазина олғил, ишқин қўй ниҳони!

Фарҳод

Сира тупроққа бермам кимёни.

Хисрав

Бас энди шаҳга қилма шеркат андеш!

Фарҳод

Баробар ишқ ичра шоҳу дарвеш.

Хисрав

Сенга юртлар берай, кеч бу ҳавасдан.

Фарҳод

Кеч, эй бечора, бу созуқ нафасдан.

(Хисрав ғазабланиб, чидамсиз ҳолда юради.
Вазирларга қараб)

Хисрав

Менингдек шоҳга бир мажнуни беор,
Оёқдин бошга банд ичра гирифтор.
Қолибдир бир нафаслик умри, аммо,
Менга сўзлар қилур таб тортмай асло.

Сиёсат қилғулиқдир бу фидоий,
Бу чўллар бирла тоғларнинг гадоий.
Тикинг қўрғон тагида бир улуғ дор,
Буни жондан қилинг ўқ бирла безор.
Неча кун ушбу ҳолат бирла қолсин,
Кўруб ўзга гадолар ибрат олсин.
Шаҳар олдида сўнгра ўт қурилсин,
Танин ўт ичра ташлаб куйдирилсин.

(Фарҳод бепарво масхарали тарзда қараб туриб,
қаттиқ кулади)

Фарҳод

Бале ҳукминга, эй шоҳи ғазабнок,
Мени бу буйруғинг қилди тарабнок.
Хаёлинг шўлки коми тортадирсан,
Ёвингдан интиқоми тортадирсан.

Не ҳукм этдинг менга мақсад шу эрди,
Букун мундоғ муродим тангри берди.
Янаким ҳукм қилдинг тийри борон,
Сенга ёғдирмагон ўқ хайли ҳижрон,
Яна дедингки куйдирсинлар они,
Кул айлаб кўкка совурсинлар они.
Эди ишқ ичра куймак фикру ёдим,
Қилиб гўё ғазаб бердинг муродим.
Кулим мушкин булутдек топса поя,
Солур дилдор боши узра соя.
Менимчун бахтиёрликдир бу ҳолат,
Тушар тарихингга доғу хижолат.
Кўп эрди сўз фақат қисқа этарман,
Жаҳондан дўст ёдила кетарман.

Ф а р ҳ о д

Қаҳр ўтини сочди гўё Хисравий нодон менга,
Ул ғазабланди ва лекин бу улуг эҳсон менга.
Дорга осдир, ул замон гавдам бўлур сендан баланд,
Сен билан ерда юриш юз ҳасрату армон менга.
Шодланиб, яшнаб борурман дор сари, Хисрав, эшит,
Сенга лаънат дер, ўқур раҳмат бутун инсон менга.
Сен экан буйруққа мағрур, менга ҳосил муддао,
Бу билан меҳру муҳаббат ортдирар жонон менга.
Қайтма фармонингдан, эй золим, юзингни кўрмайин,
Сенга юз минг таъна, нафрат, қутлуг обрў шон менга.
(Арман шаҳри томонга қараб таъзим илади. Хисрав
ортиқ даражада ғазабланади)

Х и с р а в

Қилинг буйруқларимни бунга ижро,
Сўзига қилмангиз бир зарра парво.
(Фарҳод олиб кетилади. Ёсумандан бўлак ҳамма
қайғуда, ҳатто Хисравда афсусланиш сезилиб туради)

Бузрукумид

Уни ўлдирмагингиз бежиҳатдир,
Чунунки банди зиндон маслаҳатдир.
У балким келган олий хонадондан,
Тушунмак лозим, иш чиқмас гумондан.

Бир нечалар

Сўзида ростлик гар бўлса пайдо,
Тирик юрса не ғам ул зору шайдо.

Хисрав

Нечик қилғайман ўз ҳукмимни вайрон?
Иш ўтди, энди бефойда пушаймон.
(Ташқарида ғовур-ғувур кўтарилади. Хисрав, бошқалар
ҳайрон. Йигитлар Шопурни тутиб келтирадилар.
Шопур мажусийлар пайғамбар деб эътиқод қилган
Зардушт қиёфасида кийинган)

Хисрав

Ким бу?

Йигитлар

Айғоқчи.

Хисрав

Хўш, қаерда экан?

Йигитлар

Ушладик бизнинг аскар ўртасидан,

Ш о п у р

Хуш келибсан, мусофирим, хоқон.

Х и с р а в

Кимсан, айғоқчими?

Ш о п у р

Бу сўз бўҳтон

Менга Зардуштдан ўлди шундай аён,

Юз тутубсан бу чоқда зулм томон.

Келар эрдим сени қилай огоҳ,

Тутди жосус деб бир неча гумроҳ.

(Елкасидаги хуржунидан бир идишда олов олиб қўяди.

Хисрав сажда қилади)

Х и с р а в

Буюринг, ўлтиринг, азиз меҳмон.

Ш о п у р

Менга йўқ ўлтириш учун фармон,

Бир ғариб, телбани тутиб душман,

Унга ноҳақ жазо буюрмишсан,

Жиннига чора банди зиндондир.

Х и с р а в

У эмас телба, онгли арслондир.

Ш о п у р

Дўст тутармиш ҳақими Зардушт уни,

Маъқул ўлмиш унинг бутун ўйини.

Эркаланмакка сен бўлиб монё

Хукм қилгансан этгали зое.
Бермиш ул кимсаким сенга ташвиш,
Дилбаринг базми бирла хуррам эмиш.
Унда душман муродига етадир,
Бунда бир бенаво ўлиб кетадир,
Кимса сизларгами, ҳамиша зўринг.

Х и с р а в

Тўхтатинг, тўхтатинг, чопинг, югуринг.
(Вазирлар бошқалар шошилиб чиқадилар, Хисрав ҳам
ҳовлиқиб чиқади)

Ш о п у р

Бу шаҳи Эрон ўзига маърур,
Менчи, Фарҳоднинг йўлдоши Шопур.
(Чиқиб кетади. Хисрав ғазабли ҳолда гапириб киради)

Х и с р а в

Ушбу элларга бир ғазаб соламан,
У ўжар қизни ҳам асир оламан.
Қўшиб Эронга шаҳри Арманни,
Қиламан пора-пора душманни.
(Қарсак уради. Қоровул кириб таъзим қилади)
Айтингиз: тезда аскар отлансин,
Қўрғон олдида барча тўплансин.
(Қоровул чиқди. Буйруқлар берилди. Чироғ ўчиб ёнганда
чодир олиниб, Арман қўрғони олдида Эрон аскарлари
тайёрланиб турган бўлади. Музыка)

Х о р

Биз Эроннинг, донгли юртнинг шонли эрлари,
Ёв юракли арслон ўғли қуёш аскарари.

Қуёш ўтнинг йўруқларин олға сурамиз,
Ер юзида Эрон шоҳи тахтин қурамиз.
(Хисрав ҳарбий кийимда келиб киради)
Салом-салом-салом!

Х и с р а в

Кўрсатинг, кўрсатинг душманга кўп иш,
Бошлангиз, бошлангиз шаҳарга юриш.

Х о р

Тоғу тошлар, дашту чўллар бизга баробар,
Донг чиқорғон ушбу йўлда ота-боболар.

Биз қуёшнинг болалари, даҳшат сочамиз,
Дунё бўйлаб ўлка эрлар юртлар очамиз.
Зафар, зафар, зафар!

П А Р Д А

V П А Р Д А

Меҳинбону ўрдасида Шириннинг қасри. Ширин қайғули ҳол-
да ўтирибдир.

Парда очилади. Музыка

Ш о п у р

Сабо, айғил хабар менга кўмакчи меҳрибонимдан,
Не ёлғиз меҳрибон балки менинг жону жаҳонимдан.
Олиб кўнглимни ул дилбар нечун ҳеч йўқламас бўлди,
Магар кўнгли олинғондир менинг оҳу фиғонимдан.

Ва ё мандан кечибу бу кун тушибди ўзгага майли,
Ки бундай кетди бепарво аламлар ўтди жонимдан.
Сабо, эссанг агар Фарҳод сори ҳадсиз саломим айт,
Хабардор эт у ошиқни шу ғамли достонимдан.
(Меҳинбону қизлар билан киради. Ширинга яқин келади)

Меҳинбону

Қўй, эй Ширин шу тубсиз қайғуларни,
Бу чоқ Хисрав ўраб олган шаҳарни.
Кўриб эл ҳолини қийналдим ортиқ,
Аланга ўтлар ичра толдим ортиқ.

Ширин

Нетай, амма, жуда тортдим хижолат,
Менимчун халққа етди жабру кулфат.
Буюрғил, мени қийнаб ўлдирилсин,
Элу юрт шу асирликдан қутулсин.

Меҳинбону

Келинг, қизлар, қилинг сиз бунга парво,
Чиқай, душман билан айлай мадуро.
(Чиқади. Қизлар Ширинни ўраб оладилар)
Музыка

Қизлар

Ширин-Ширин, эй нозанин, бу қандай ҳол?
Кўриладир сенда ажаб ғамли хаёл.
Бир нарсасин йўқотғондай ҳомушдирсан,
Нозик танинг ўраб олмиш ранжу малол.

Ширин

Эй дўстларим, қайғумдан ҳеч сўрамангким,
Уни сизга сўзламакка тилимдир лол.



MIHIRAT QZIL BAJRAQ ORDENLI

UZBEK DAVLAT OPERA VA BALET TEATRI

27

MAVQUF Dastavbasi
KUNUSI bo'yicha

FARHAD VA SIRIN

1-akt. 1-va 2-va o'rinlar

ФАРҲАД ВА ШИРИН

Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.

Rejissyor — S. U. MUHAMMADOV
Musiqachisi — T. SAHROV
S. U. MUHAMMADOV

Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.

Teatrning barcha xizmatlari va mahalliy xizmatlari uchun qabul qilingan o'rinlar: M. ASRARIY

Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.
Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.
Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.
Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.	Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.

Ushbu spektakl o'zbek dramaturgiyasi tarixidagi muhim sahifa bo'lib, u O. A. Nurov, S. P. Tsvetkovlar tomonidan yaratilgan.

«Фарҳод ва Ширин» спектаклининг афишаси.

Қизлар

Ҳар нечикдир, ўзни тетик тутмоқ керак,
Бу маънисиз қийнолмоқдир, жонга завол.
(Шопур киради. Салом беради. Қизлар чиқиб кетади)

Ширин

Оҳ Шопур қаерда Фарҳодим?
Кеча-кундуз фақат удир ёдим.

Шопур

Тулкилар айлашиб унга тадбир,
Қилди у ошиқи ғарибни асир.
Уни Хисрав ўлимга ҳукм этди,
Итлари судрашиб олиб кетди.
Менда Хисравга ҳийлалар туздим,
Нейда бўлса у ҳукмини буздим.
Сизга бир хат бериб эди Фарҳод
(Салласи орасидан бир хат чиқариб Ширинга беради)

Ширин

Ҳайрият, у ҳануз этар мени ёд.
(Ташқарида қаттиқ шарпа. Хисрав ва Шеруя, Ёсуман
ва бир нечалар кирадилар. Шопур ўзин бир чеккага
олади)

Хисрав

Салом, эй булбули гулзори Арман,
Менинг элчимни хўрлаб қайтарибсан.
Шаҳарни фатҳ этиб олдим, на дерсан?
Менга балким итоатга келурсан.

Ёсуман

Этар, Хисрав, сиз ила майли пайванд,
На дерсиз бўлмаин бу ишга хурсанд.

Х и с р а в

Тирик бўлса эди Фарҳоди ғамгин,
Уни ёқлаб талошмоқ эрди мумкин.
Кетибдур ул, хусумат бежиҳатдир,
Менинг раъйимга юрмак маслаҳатдир.
(Меҳинбону билан Шопур кирадилар)

Ш и р и н

Тирикдир Фарҳод ўлган йўқ, саломат,
Мана, келди бу кун ундан менга хат.

Х и с р а в

Қуёшу ўт ҳақи бу сўз эрур чин.

Ш и р и н

Бу афсунларга алданмайди Ширин,
Сенингдек шаҳга ёлгон сўз уятдир.
Агар ростдир ўликни бунда келтир,
Кетур у бенавонинг қонли жисмин.

Х и с р а в

Инонмайсанми? Фарҳод келтирилсин.
(Йигитлардан бир нечаси чиқади. Ёсуман мағрур)

Ё с у м а н

Кичик бир ҳийлам ила ўлди Фарҳод,

Ш о п у р

Ҳа-ҳа, дўстимни ўлдирган шу жаллод,
Кўтаргай барча эл ўлумни жомин,
Керак бундан олай дўст интиқомин.
(Фарҳод жасади келтирилди. Ёсумандан бошқалар
афсусланиб турар эдилар. Шу вақт Шопур бирдан
огилиб Ёсуманга ханжар уриб ағдаради).

Хисрав

На қилдинг, ҳой-ҳой бу қотилни ушланг,
Суринг, ҳайданг буни, зиндонга ташланг.
(Шопурни тутиб Ёсуман ўлигини ҳам олиб чиқадилар)
Сўзимга энди шояджим унарсан,
Ҳали ҳам кўнмасанг тутқун олурман.

Ширин

Менга истак бу элнинг фарди эрди,
Мадори жоним онинг дарди эрди.
Ўлибдир кўрсатиб бу ўз вафосин,
Қўйинг, мен ҳам тутай онинг азосин.
Фироқида бу кунлик тонглолиқман,
Ғамида ўйлаким сувсиз болиқман.

Меҳинбону

Биза шоҳ афв мактубин юборсин,
Элу юртни асирликдан чиқарсин.
Эрур Ширин шаҳи Эрон канизи,
Агар тутса азиз бўлгай азизи.

Хисрав

Бале, бу фикрингиздир менга маъқул,
Сиза бир қанча кун майли қўяй йўл.
Чиқаргайман қўшинларни шаҳардан,
Умидли ваъдангизга кўз тутарман.

Шеруя (четга)

Нега дилбарни мен бунга берурман,
Отамни ўлдириб ўзим олурман.
(Хисрав ва Шеруя чиқиб кетади. Бир ордан сўнг Шеруя
қўлида қилич билан кириб келади)

Ш е р у я

Гўзал ҳуснингни бир кўрмакла, эй ҳур,
Кўнгилга айлади ишқинг ўти зўр.
Ул ўт андоқ менга солдики партав,
Не Фарҳод ул сифат кўйган, не Хисрав?
Далил нетар эсанг ҳозир турибман,
Ки ишқингда отамни ўлтирибман.
(Кўлидаги қонли қиличини Ширин олдига ташлайди)

Ш и р и н

Бу экандир қазойи осмоний,
Отангин пок қилдинг бу жаҳонни.
Бу гавдаким отангиндин кўрди бедод,
Эди ишқ аҳлининг сархили Фарҳод.
Ишорат айласанг айлаб мени шод,
Ки Шопур ўлса ғам қайдидин озод.
Бериб Фарҳод танин Шопурга тездан,
Хўтан сари равона айлагайман.
Кейин ҳукмингла фармонингда бўлсам,
Туну кун соядек ёнингда бўлсам.

Ш е р у я

Неким ҳукм ўлди фармонинг тутарман,
Бориб Шопурни мен озод этарман.
(Чиқади. Ҳамма уни кузатиш билан машғул эди, Ширин
заҳар ичади. Музыка)

Ш и р и н

Сансиз, эй жону жаҳон, тарки жаҳон истар кўнгил,
Битди сабрим бу замон, ороми жон истар кўнгил.
Айрилиқ этди забун шавқингда бағрим лолагун,
Базми васли ёр учун ўзга макон истар кўнгил.

Кўз тикибдир душманим, жонга қафас бўлди таним,
Йўқ баҳори гулшаним, фасли хазон истар кўнгил.

Аммажон бўлғил ризо, ёримга бўлгайман фидо,
Ёвга бўлмай ошно, нақли макон истар кўнгил.
(Меҳинбону Ширинга қараб боради. Шеруя киради.
Шопур ҳам бор)

Меҳинбону

Надир, Ширин, бу хил сўзларни дерсан?

Ширин

Кел, эй Шеруя, кел мен энди сендан... (ўлади)

Меҳинбону

(қизиб) Ширин, на ҳолат бу, на ташвиш,
Мени қўрқитма Ширин (бориб ҳаракат қилдириб, бир-
дан ҳаяжон билан)

Оҳ, ўлмиш!

Ўлимнинг дастидан минг доду фарёд,

Ки тушди ерга сендай сарви озод.

Оғир қайғулар ичра толдим, эй воҳ,

Фалокатлар тагида қолдим, эй воҳ.

(Ҳамма иймаланишиб турган вақтда одамлар ҳовлиқиб
кирадилар)

Бир киши

(кириб) Хўтанликлар.

Шеруя

А?! А?!

Я на бир киши
(кириб) Хўтанликлар.

Ш е р у я

Хўш, на қилди?

К и ш и

Хўтан шоҳи қўшинлар бирла келди.

Б и р к и ш и (кириб)

Хўтан аскарлари босди шаҳарни

Ш е р у я

Қўйинг, айтманг бу ёнглиғ шум хабарни.

(Баҳром Хўтан аскарлари билан киради. Ҳамма ҳайрон бўлиб қотди)

Б а ҳ р о м

На ҳолат бу? Ким этмиш мунча бедод?
Ўликлар ким?

Ш о п у р

Булар Ширину Фарҳод

Б а ҳ р о м

Нечик Фарҳод, қаердан эрмиш асли?

Ш о п у р

Хўтан ҳоқонидандир дурри насли

Б а ҳ р о м

Оҳ, ажратмиш фалак шоҳимдан, афсус,

Жудо бўлдимми ҳамроҳимдан, афсус!

(Фарҳоднинг юзини очиб, уни силайди, қучоқлайди)

Аё жондан мени навмид қилғон,
Балоу меҳнатим жовид қилғон,
Кўз очмассан, дебон келган қулимдир,
Масал чин бўлдиким уйқу ўлимдир,
Менингдек қул сенга оламда мавжуд,
Сен ўлдинг душманинг зулмила нобуд.

Ш о п у р

Ким бўлдинг мунча дардли қайғурурсан,
Дегил, Фарҳод учун сен ким бўлурсан?

Б а ҳ р о м

Манам шаҳзода Фарҳод дўсти Баҳром,
Мени тақдир этибдир бесаранжом.

Ш о п у р

Азиз Баҳром, тутингиз бизни маъзур,
(Баҳромнинг оёғига ўзини ташлайди. **Баҳром уни турғизади**)

Манам Фарҳод ғурбатдоши Шопур.
Менга сиздан нишон бермишди Фарҳод,
Ҳамиша сизни у айлар эди ёд.
(Баҳром Шопурни қаттиқ қучиб йиғлайди)

Б а ҳ р о м

Саломат бормисан? Эй дўст нишони,
Ғариб дўстимни мушфиқ меҳрибони.
Қани, айт ким сабаб бу можарога?

Ш о п у р

Эрон шоҳи сабаб ҳамма балога
Қўшин гортиб Эрондан келди Хисрав

Фақат Фарҳодни билди ўзига ёв.
Меҳинбону бўлурлар бу маликам,
Бўлур Ширинга амма ёру ҳамдам.

Баҳром

Салом шонли малика, эй улуғ шоҳ,

Меҳинбону

Салом, хуш келдинг, эй марди дил огоҳ.

Баҳром

Ўғоним сизга сабр этсин каромат.

Меҳинбону

Бўлинг кўп йил жаҳон узра саломат.

Шопур

У Хисрав ўғли Шеруя...

Баҳром

Буён кел

(Шеруя титраб Баҳромга яқин келиб таъзим қилади)

Нечун бўлдинг бу ваҳшийликка мойил?

Гапир тезроқ...!

Шеруя

Менинг Шопур гувоҳим,

Ки Фарҳоднинг ишида йўқ гуноҳим.

Онга ҳар кимниким қотил билибман,

Отам ҳам бўлсаким қатлин қилибман.

Баҳром

На мақсадла яна бу ердадирсан.
Яна кимни ғазаблаб ўлдирурсан?
Шаҳарга қанча етган бўлса ғорат,
Қилиб ислоҳ уни айланг иморат.
Кўрибдир эл зарарларким отангдан,
Уни сен бекаму кўст ростлагайсан,
Буларга мақбара бунёд этарсан,
Қилурмиз даҳма ўрнин биз муайян.

Шеруя

Турибман бандавор фармонингизга.

Баҳром

Кейин, ҳайданг, кетинг Эронингизга!
(Шеруя таъзим қилиб чиқади)

Музика

Хор

Ажаб бир оли ҳимматсан онинг қолғой жаҳон узра,
Қуёш нурила таърифинг ёзилғай осмон узра.

Меҳинбону

Ҳақиқат нури ҳақсизлик қоронғусин енгар албат,
Адолат доимийдир зулм қолмас бу жаҳон узра.

Баҳром

Фароғат бирла бир дам ўйнамай Фарҳод ила Ширин,
Жаҳондан, кетди аммо исми қолди дoston узра,

Хор

Жаҳондин, кетди аммо исми қолди дoston узра.

Парда тушади

Хуршид

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

(НАВОИЙ ДОСТОНИ АСОСИДА САХНАЛАШТИРИЛГАН)

5 ПАРДА 8 КЎРИНИШЛИ МУЗИКАЛИ ДРАМА

АСАРДА ҚАТНАШУВЧИЛАР

Омир — Лайлининг отаси. Бани Омир қабиласининг бошлиғи.
Кибр ғурурли, ғазабли зот.

Лайли — Илмли, ахлоқли бир қиз.

Маҳди — Қайс (Мажнун)нинг отаси. Бани Омир қабила улуғларидан.

Қайс — (Мажнун) даврнинг аъло даража олими, фозил бир йигити.

Домла — Киборларга махсус мактаб муаллими.

Навфал — Бани мурод қабиласининг бошлиғи.

Сафия — Лайлининг онаси.

Ибн Салом — Бани асад қабиласи давлатмандларидан.

Беклар — I—II—III бек. Фитначи, хушомадгўйлар.

Зайд — Қайснинг йўлдоши.

Жамила — Навфалнинг қизи.

Йигит — Жамиланинг ошиқи.

Араб ашрофи, болалар, эрлар, қиз-жувонлар, аскарлар, ўйинчилар,

І ПАРДА

І КҰРИНИШ

Ироқи Арабда Макка билан Баҳра ўртасидаги Нажад шаҳрида улуғларга хос мактабда имтиҳон мажлиси. Омир, беклар ва бошқалар бор. Қайс шу мактабда халифа. Парда очилади. Қайс рақбарлигида «Мавлудия» хори ўқилади.

Қ а й с

Алҳамду лиллаҳиллази аътони,
Анталлази суммият фил қуръони.

Х о р

Салли алайк-оллоҳу ё аднони,
Ё мустафо, ё сафватар-раҳмони

Л а й л и

Аҳмадаҳум фиссирри вал бурҳони
Ҳаққанал исломи вал имони.

Х о р

Салли алайк-оллоҳу ё аднони,
Ё мустафо, ё сафватар-раҳмони:

Бир бола

Ё раббино бил мустаф-ал аднони,
Игфир зунуби сумма аслаҳ шони.

Хор

Салли алайк-оллоҳу ё аднони,
Ё мустафо, ё сафватар-раҳмони.

Омир

Ким қолди синовдан ўтмаган?

Бир неча болалар

Биз.

Омир

(бир болага) Сен сўйлачи, кимга бандадирсан?

Бола

Мен якка худога бандадирман.

Омир

Қандай таниб англадинг худони?

Бола

Ақл ила таниб билибман они.

Омир

(иккинчи болага) — Сен ақлинг ўрнидан хабар бер?

Бола

Бешда турар ақл, икки хилдир.

Омир

У икки хил ақл қайси айт...

Б о л а

Хўб.

Мавҳум бир, иккинчи ақли максуб,
Мавҳуми бўлур худодан эҳсон,
Максубини топқой ишлаб инсон,
Эрларга дер ақлу илм махсус
Хотинларинг ақлу дини ноқис.

Б и р н е ч а л а р

Идрокингга балли, хўб ўқибсан.

Қ а й с

Бемаъни жавобни хўб тўқибсан.

Д о м л а

Тўғридир хотинлар узра бу нақл,
Пайғамбар ҳам деди ноқисул ақл.

Қ а й с

Бу ерда бу жумла ҳеч кераксиз

О м и р

Хўш, тўғри эмасми ёки...

Қ а й с

Шаксиз

Балки бу эмас саҳиҳ ривоят
Уйдирма бўлиб чиқар ниҳоят.

Б е к л а р

Ҳар ишки паямбар жори қилди,
Қуръонда худо унга буюрди.

Қ а й с

Ақл устида сўз сўралди бундан,
Сўз бошлади бу эса хотиндан.

І Б е к

Хўш, сенга нима? Жавоб этар у.
Айтган сўзи ноўрин эмас-ку.

Қ а й с

Ҳар сўзга қила бериш дадиллик,
Донолик эмас, у беақллик.

Д о м л а

Уғлим, жуда ҳам ғурурга кетма,
Элга мени ҳам ҳижолат этма!

Қ а й с

Ҳақ сўзни дегучи сизча мағрур,
Ким қилса хушомад ўлди манзур.
Дерсизки, биз айласек ибодат,
Тангри берур учмоху саодат.
Ҳурларни қучиш тилакларингиз,
Билмайсиз у ҳур ўзи хотин-қиз.
Ҳам ишқки асил кимёдир,
Бир ойнаи жаҳон намодир.
Энг пок кўнгил ўлмиш ишққа маскан.
Хотинлар ила эрур музайян,
Сизлардек амиру бегу ашроф.
Кимдан туғулибдир, айланг инсоф.

Б е к л а р

Эрларми шарафли, ё хотинлар?



«Лайли ва Мажнун» операсидан бир кўрinish.
Лайли — СССР халқ артисти Х. Носирова.
Мажнун (Кейс) — Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Ярашев.

Қ а й с

Ҳар иккисида шараф баробар.

О м и р

Келганми хотиндан бир паямбар?

Қ а й с

Пайғамбар оноси шу хотинлар.
Сизлар каби эрлар ўзра келсак,
Ўз-ўзни кўтармагила юксак,
Қайсингиз амиру қайсингиз бек,
Эл-юртни эзарсиз аждаҳодек.

(Беклар бир-бирларига имлашиб ҳайрон бўлиб
қоладилар)

I Б е к

Беклар, нега сўзламайсиз, асло?
Этмакда бу гўдак бизни расво.
Гўёки биз аждаҳо эмишмиз,
Эл молини зулм ила емишмиз.

II Б е к

Қандай бу билан жавоблашармиз?
Бизларнинг ақлли, каттамыз сиз,
Сиз кўрсатинг унга қарши тадбир.

III Б е к

Андоқки қилайлиқ элга таъсир.

I Б е к

Бергаймиз уни жунунга нисбат,
Битгай унинг эътибори албат.

Қ а й с

Айтингчи хотинларда борми ҳеч ҳақ?

А р б о б

Уй ҳайвони, йўқ ҳуқуқи мутлақ,
Қуръонда буларни деди шайтон.

Қ а й с

Бу сўз бори ифтироу, ёлгон
Қуръон сўзин аксини қилурсиз,
Ёлғиз юзаки ўқиб билурсиз.

О м и р

Бу сўнгги сўзинг хато, гумондир,
Ҳарким иши тангрига аёндир

Қ а й с

Айлаб ўзингизга зулми пеша,
Завқландингиз зулм ила ҳамиша.

А р б о б

Мажнун бу, сўзин йўқ эътибори,
Сўзлай берадир йўқ ихтиёри.

Қ а й с

Мажнун уки ҳақ сўз унга ёқмас,
Мажнун на сўз уқдирар на уқмас.

Л а й л и

Йўқ, Қайс эмас жунун билан банд,
Сизларсиз у жинниликқа пайванд,

Қайс олиму фозили замона,
Қилманг бунга жинни деб фасона.
Қайс — ҳақни тушунган энг дил, оғоҳ,
Бўлғумдир унга бу йўлда ҳамроҳ.

Музыка

Лайли

Эй илму фунун хазнаси эй манбаъи ижод,

Болалар

Сен бизлара устод.

Лайли

Ҳақсизлиғу гафлатдан этибсан бизи озод

Болалар

Айлармиз сени ёд.

Лайли

Қайғурма сени қўймоғумиздир сира ёлғиз

Болалар

Сен бирла кетармиз,
Ҳақсизлик уйин айлағумиз горату барбод,
Бузма дилинг, ўл шод.

Музыка

Қайс

Гумон этмас эдим менга бу йўлда ошинодурсиз,
Билинди бу курашда менга ёрдамчи асодирсиз.

Умид айлар эдимким сен малак деб бўлса ҳам
Муродим тангри берди кўзларимга тўтиёдирсиз.^{фикрим}

Л а й л и, б о л а л а р

Билурмиз сен ҳақиқат йўлида бир раҳнамодирсан,
Фазилат хазнасида кам кўринган кимиёдирсан.
Сени ёлғизламасмиз халқу ҳақлиқ биз билан доим
Сен илм уйига нурлар сочғучи жонли зиёдурсан.

О м и р

Сенга, ҳой қиз, бу чоқ таъсир этиб жин,
Унутдингми ота-она ризосин?

Қ а й с

Ота-она ризоси деб хотин-қиз
Ҳақорат бирла хўрлансинми дёрсиз?

А р б о б

Жунун ортиб бу хил сўзларни дерсан,
Худо берсин шифо дардингга тездан.

О м и р (Домлага)

Эй соҳиби рутба, зоти олий,
Савийингла мукамал эл камоли,
Авжига етиб букун ниҳолим,
Тарқалди қизим учун хаёлим.
Гар Лайлига берсангиз ижозат,
Кетсин, бориб этсин уйда хизмат.

Д о м л а

Ҳар нарсаки сизча бўлса лойиқ,
Тангрини ризосига мувофиқ,

Лайли қизим, энди сенга рухсат,
Сизларга ҳам, азизлар, ижозат.
(Ҳамма кўзғолди. Лайли қизлар билан кўришиб,
Қайсга яқин келади)

Л а й л и

Эй илм хазинаси, ёш устод,
Ҳақлиқ сори айлар эрдинг иршод.
Рашк этди, ахир замонаи шум,
Файзингдан этибдир мени маҳрум.
Мен энди отам билан кетарман,
Едингни ўзимга касб этарман.
Қизгин курашингни ҳеч совутма,
Ҳамда мени бир йўла унутма.
Ҳақлик ҳамма вақт енгар — енгилмас
Руҳингни тушурма...

О м и р

Лайли, юр, бас!
(Лайли, Омир ва бошқалар чиқадилар. Баъзи болалар
Қайсинг ёнида қолмоқчи бўладилар. Лекин уларнинг
оталари судраб олиб кетади. Музыка).

Қ а й с

Букун бағримни қилди пора расволиқни шамшири,
Бу ғамли ҳолими мумкин эмасдир шарҳу тафсири.
Хужуму тухмат ила етти менга жинни таъбири,
Бўлибдир халқ аро шойиъ бу мансаб аҳли тадбири,
Фалокатга дучор ўлмиш букун илм аҳли тақдири.
Маломат таъналарга сабр этиш бирла чиқорғум донг,
Агарчи ваҳши мансаб аҳли афсун бирла чексун бонг.
Ва лекин менга такрор айламакдадирким, илму онг,

Қоронғу кечаларнинг сўнггида бордир ёруғ бир тонг
Бу зулматларни ҳам қувғой ҳақиқат кучли таъсири.

Парда

I ПАРДА

II КУРИНИШ

Шаҳарнинг бир чекасида Лайли отасининг чиройли боғчаси.

Баҳор вақти. Себаргарлар майса бўлиб турган. Парда очилган
вақтда йигит-яланглар, ўрта ёшли кишилар, ўйинчи хотинлар наврўз
муносабати билан ашула айтиб келиб, боғ олдида тўхтаб ўйин
қиладилар. Музыка.

Хор

Чун келди баҳор сйи юз очди бу дам наврўз,
Кўк майсалар устига еткурди қадам наврўз.

Завқ ила тўлуб диллар, ўйғонди бутун гуллар,
Хуш исли ҳавосида хўб келди шинам наврўз.

Гўёки келинлардек безанмиш дарахтлар ҳам,
Дилларни яшнатди бу нозли санам наврўз.

Тоғ-чўл ила саҳролар базм уйига айланган,
Дунё юзига тикди шодликдан елам наврўз.

(Ўйин-қийқириқлар билан ўтадилар. Бироздан кейин
Қайс келади. Бировни ахтаргандек ҳар ёққа қараёди.
Кейин бир гул тагига келиб ўтиради)

Қайс

Оҳ қайда умримнинг баҳори?
Қийнер мени токай интизори.
Бу ер эди они ваъдагоҳи,
Келмабдир у ҳусн мулки шоҳи.

Бахтим, биламан, жуда ёмондир,
Бахтим ўзи борлиғи гумондир.

Музыка

Қайс

Навбаҳор ўлдию кўнглим ғунчаси очилмади,
Орзунинг гуллари менга табассум қилмади.

Лолалар кўксимда қонли доғлардир навбаҳор,
Ким, бу ерга лола рухсорим азимат қилмади.

Чун ўларман сирри ишқимни ёширмақ яхшироқ,
Билмасин эл ҳам чу ҳажри жоним олғон билмади.
(Олдингилар кетган томонга кета туриб, ташқаридан
ашула овозини эшитади. Гул панасига ўзини олади.

Музыка)

Қизлар

Гуллаб гунафша сунбул,
Хандон ўлур қизил гул.
Сайрар ёқимли булбул,
Бир завқ ичинда олам.
Тоғ — чўл мисоли бўстон,
Бўлмиш шинам гулистон.
Қушлар бўлиб ғазалхон,
Айлар кўнгилни хуррам.
Уйнаб тоза ҳаволар
Дил дардини даволар.
Қиш жавридан наволар
Наврўзла топди барҳам,

(Лайли қиз ва ўғил болалар билан келади. У ерда ўйин
қиладилар. Лайли билан Қайс бир-бирларини кўриб шо-
шадилар. Олдин кетганларнинг қарсак ашуласи эшитила-
ди. Уша томонга бормоқчи бўладилар)

Л а й л и

Гўёки у ёқда базм барпо,
Биз ҳам, юринг, айлайик тамошо.

Б и р қ и з

Эрлар орасигами борурмиз?
Бўлмайти бу, таънага қолурмиз.
Ҳам балки бизи танувчилар бор
Айлар отамизга дарров изҳор.

Л а й л и

Бир чеккада айласак тамошо,
Ҳеч ким биза айламайти парво.
(Лайли бошлайти. Қайсга маъноли қараб ўтиб кетади).

Қ а й с

Эй бахтим, ажаб забун эмишсан,
Ғам лойига сарнигун эмишсан.
Бир нозли санамга бўлдинг ошиқ
Ишқ ичра сенга эмас мувофиқ.
Сен қанча ниёз этарсан оғоз,
Юз қатла у дилбар айлағай ноз.
Қўйди мени бунда кетди жонон,
Гўё мени кўрди ҳайфи эҳсон.

(Лайли ёлғиз қайтади. Қайсининг ёнига келади)

Л а й л и

Эй турфа йигит, на ҳолатинг бор?
Қандай ғам ила малолатинг бор —
Ким шодлиғинг йўқ ўзгалардек,
Ободлиғинг йўқ ўзгалардек.
Бу дамки эсиб насими наврўз,

Гул атрини қилди мажлис афруз.
Ишрат чоғи меҳнатинг не, яъни
Бу дард ила ҳасратинг не, яъни,
Бу ғам сенга қайдан ўлди пайдо?
Ким қилди сени ўзига шайдо?

Қ а й с

Эй жонима ҳасрат ўти солғон,
Бир боқмоқ ила дилимни олғон!
Зулф очмоқ ила олиб қарорим,
Қилдинг қаро рўз рўзгорим.
Қилгонни ёширмоғинг на эрди?
Мендан яна сўрмоғинг на эрди?
Жонимни ки ўртадинг бас эрди,
Тонмоқ бу сифат керакмас эрди.
Билмаска олиб ўзингни ёна,
Бу навъи сўрар лабинг фасона.
Ўт узра на эрди қўймоғинг ёғ,
Қуйганга на эрди қўймоғинг доғ?!

Музыка

Қ а й с

Кўнгилни бу замон, эй ой, хаёлинг мутбало қилмиш,
Кўзимдан уйқуни ҳам бошдан ақлимни жудо қилмиш.
Вафосизлик муҳаббат аҳли оридир, хушо улким,
Ҳаёти нақдини бир қотил олдида фидо қилмиш.

Л а й ли

Висол истар эсанг қочма балолардинки қилмишлар —
Ниёз аҳли вафо, ҳар неча ноз аҳли жафо қилмиш.

Қ а й с

Мақтабда кўриб юзингни бир бор,
Ғам домиға бўлмишам гирифтор.
Ишқинг мени қилди зору хаста,
Ҳижронинг ила кўнгил шикаста.
Бир озгина вақт йил ўлди сенсиз,
Дардинг мени қилди зору ожиз.

Л а й л и

Балли менга, қиз бошим билан ман,
Яширин тутаман сиримни элдан.
Эр ҳолинг ила йўқоттинг ўзни,
Боқтирдинг ўзингга барча кўзни.

Қ а й с

Халқ ичра туруб боқарди дилдор,
Қасддан жунун айлаганман изҳор.

Л а й л и

Қўйғил сўз ўйинларингни, қил бас,
Тоқай сени фойданга ҳал ўлмас?
Ишқинг юрагимда сендан ортиқ,
Ёдинг менга ҳамдами мувофиқ.
Ҳар қанча бу йўлда чексам отор
Сендан бўлак ўлмагай менга ёр.
(Ибн Салом ўз кишилари билан ўта туриб боққа қарайди,
Лайлини кўради. Музика)

И б н С а л о м

Не ҳам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё
қилмиш,
Не киприклар ўқиним, рўзгоримни қаро қилмиш.
Не кўзлардирки олмиш кўз юмиб очқунча кўнглимни,

Қилиб ҳар гўшада бемори жисми юз бало қилмиш.

Не юзлар лоласидурким кўнгилни қон этиб дарди,
Тикон санчмоқ билан дардига ул қонни даво қилмиш.
Қазодандир менга ишқ ўйнамоқ, эй носихий нодон,
Кўрибсанми киши ҳаргиз ки тағйири қазо қилмиш.

Б и р к и ш и

Эй Ибн Салом, на ҳолатинг бор?
Бундай негадур фиғон билан зор?

И б н С а л о м

Ким бўлди қаранг, шу нозанин ёр?

Б и р к и ш и

Лайло шу...

И б н С а л о м

Ажаб малоҳати бор.

Б и р к и ш и

Маъқулми у сенга?

И б н С а л о м

Этди мафтун,
Ишқи ила ҳолатим дигар гул.

К и ш и л а р

Қайғурма сенга бу мушқил осон,
Обрў ила давлатинг фаровон.
Омир сори совчилар юборғил,
Ҳарна эса мақсадинг талаб қил.

И б н С а л о м

Кўб яхши, кундан эътиборан,
Бу иш сорига қадам қўёрман.
Ҳайдангиз, қабилага борайлик,

Қ и з л а р

Ҳам тўйни яроқларин кўрайлик (кетадилар).
(келиб) Лайло, кишилар келур, кетайлик.

Л а й л и

Келсин, ўйинни сайр этайлик.
(Одамлар қайтдилар. Шу ерда ашула ва ўйин қиладилар.

Музика).

Х о р

Тутди тонг соқиси лола косасида бодалар,
Баҳс этар япроқ чолиб хуш ис сочиб шаббодалар.
Тақди гуллар ҳам дарахтлар танга, маржон шодалар,
Нола гар булбул қўшиқчи ошиқи дилдодалар.
Навбахор айёмида шод ўйнагай ғамли кўнгул
Атр иси бирла жаҳон гўё бўлур бир даста гул.
Янги жон тоза нафас топқай гадоу шоҳу кул
Шод этар дилни тутуб май соқийи озодалар.
(ўйин давомида)

П а р д а

II П А Р Д А

Омир саройи. Бир тарафда ҳарам эшиги, юкори тарафда супа, курсилар қўйилган. Парда очилганда Лайли ичкаридан чиқиб узоқларга қарайди. Сунгра маъюс ҳолда бир курсига келиб ўтиради.

Музыка

Л а й л и

Оҳ қаён кетди хароб кўнглимни зор этган йигит
Жабр тиғи бирла кўксим тор-мор этган йигит?
Бизни ишқи йўлида расвойи олам айлабон,
Сўнгра эл қошида бундай шармисор этган йигит?
Ишқ таркидаки юз тадбир этиб кўнглим ниҳон,
Дафъига юз макру афсун ошкор этган йигит?
Тавба айлаб эрдим, эй зоҳид, нетай тутди менга,
Лолагун май бир узори лолазор этган йигит.
(Онаси Сафия чиқиб келади. Лайлининг ашуласини эшитиб шошади).

С а ф и я

Лайли, бу нечук фиғону хониш,
Бу ишқу жунун сўзила нолиш?
Кимдир у йигитки, айладинг ёд?
Хўш, бу нима жинниларча фарёд?
Ким қўйди бу ишқни сенга, ҳой қиз?
Шул чоққача ишқни билмаганимиз.
Халқ ичра таралса бу фасона,
Борми яшириш учун беҳона!
Гар бўлса отанг бу ишдан огоҳ,
Олғуси бошингни, хоҳ нохоҳ.

Л а й л и

Жоним она, мунча қатъангиз тез,
Беҳуда менга ғазаб қилурсиз.
Билмам нимадур севиб, севилмак,
Ҳатто тиламам бу ишқи билмак.

Сафия

Ул ўтли қўшиқки айтар эрдинг,
Гўёки юрак сирини дердинг.

Музыка

Лайли

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.
Не фойда кўз тутай андинки мендан истагай баҳра,
Чу улким баҳраий ондин тиларман, баҳраманд этмас,
Керакмас ой билан кун шакликим ҳусну малоҳатда,
Дилим ул тор-мор айлаб таним бу банд-банд этмас.

Сафия

Кўнгул уз чархи золидин унга алданмаким, охир
Ўлимнинг занжиридан ўзга бўйнингга каманд этмас.
(киради)

Йигит

Беклар келурлар Саййид Омир.

Сафия

Тур, келмиш отанг, тез ичкари кир!
(Кетадилар. Омир беклари билан киради. Беклар бир-
бирларига сўзлашга ишора қиладилар)

Бек

Тарқалмиш арабда бу каби сўз:
Ким Омир элида Қайс бахтсиз:
Илми йўлидан чиқиб кетибдир,
Ҳам миясига халал етибдир.

II бек

Дашт узра қилиб фиғон ҳамиша,
Мажнунлиқ этар аён ҳамиша.
Девоналигига йўқ ниҳоят,
Ҳам талвасасига ҳадду ғоят.

III бек

Лекин эл аро будур иборат,
Ким ақлу ҳисга ушбу ғорат.
Бир ишқ балоу қайғусидин
Бир ҳур сифат ҳавоси...

О м и р

Мискин!
Таърифиди кўп ўтар эди сўз,
Гўёки унга тегурдилар кўз.
Ақли етук эди, сўзи маъбул,
Менга ҳам у жуда эди маъқул.
Не бўлди экан отоси ҳоли,
Бечора оносининг малолли.
Қай гулдан унга тикан қадалмиш,
Қай сарв учун бу ҳолга қолмиш.

I бек

Хоҳ яхшидир ишқ, хоҳ ёмондир,
Эл кўнглида неча хил гумондир.

II бек

Элнинг сўзи ушбудурки тун-кун,
Кезгай шу қабила ичра Мажнун.
Лекин унга кундуз ила оқшом
Келмай шу қабилага йўқ ором.

I бек

Ҳам қабилаи жони бу қабила,
Ҳам жону жаҳони бу қабила.

II бек

Афғонида барча беҳабарлиқ,
Айтар сўзи номусинг букарлиқ,
Шеърда қилур бир исми такрор,
Ҳад йўқ уни айламакка изҳор.
(Омир узоқ ўйланиб қолади. Кейин ғазабли ҳолда бош кўтариб)

О м и р

Йўқ, йўқ жуда ҳам ёмон бу ҳолат,
Бизнинг эл учун улў ҳақорат.
Саййиди Омирига боринг тез,
Бу воқеадан хабар берингиз
Ким бу каби ҳоли номуносиб,
На бизга-ю, на унга муносиб.
Бу янглиғ иш англаб ошкоро,
Бу чоққача айладинг мадоро
Ким топса иши жунунга пайванд,
Мажнунга илож банд эрур банд.

Қ о р о в у л (киради)

Бунда бир неча меҳмонлар келган

О м и р

Ким?

Қ о р о в у л

Бани Омир қабиласидан.

О м и р

Булардан нима кутиш мумкин?

Чиқ айт, меҳмонлар бу ёққа кирсин.

(Қоровул чиқди. Маҳди, Қайс, бир неча кишилар кириб таъзим қилдилар)

М а ҳ д и

Салом, эй амири олижаноб!

О м и р

Ва алайк раис қавми аъроб.

(Кўришади. Юқорига таклиф қилади. Утирадилар)

Хуш келдингиз?

М а ҳ д и

Балли, хуш бўлинг сиз.

О м и р

Аҳволи шариф?

М а ҳ д и

Дуодадирмиз.

О м и р

Ташрифингиза нечик сабаб бор?

М а ҳ д и

Сиздан жуда бир улуғ талаб бор.

Бу чоқ тилагим гули очилди,

Наслим садафин дури етилди.

Бир лаълки хасинангизда мавжуд,

Айланг у билан дурликки хушнуд.

О м и р

Бас-баз, менга англашилди мақсад,
Менга тенг ўлишга сенда йўқ ҳад.
Билмангми шуқуҳу савлатимни,
Аъроб аро мол ва давлатимни.
Ҳам ўғлингга, ҳам сенга билурман.
Ким ҳарна қилай десам қилурман.
Соқла уни энди, бўлдинг огоҳ,
Бундан нариким, наъзу биллаҳ.
Бўлса яна бундай амр зоҳир,
Аввал уни айлағумдир охир.
Сўнгра сенга доғи қаҳр сургум,
Қавмингла бу даштдан етургум.
Мажнунга қизим берайми, асло
Бермайман, уволдир унга Лайло.
(Ғазаб билан ичкарига кетади. Мажнун, Маҳди ва бош-
қалар ҳайрон. Музыка)

Қ а й с

Бағримни тиғи ҳажр ила юз пора қилдилар,
То ёр кўйдан мени овора қилдилар.
Битгудек эрди васл ила бағрим жароҳати,
Ҳижрон қиличи бирла яна ёра қилдилар.
Ҳижрон ғами оти билан истаб ҳалокими,
Юз — минг жафони жонима якбора қилдилар.
(Кетади. Маҳдилар ҳам чиқадилар. Омир келиб ўтиради.
Қоровул киради)

Қ о р с в у л

Меҳмонлар келибдир.

О м и р

Кимлар эрмиш?

Қ о р о в у л

Номини Ибн Салом дер эрмиш.

І б е к

Бу Ибн Салом эрур улуг зот,
Ҳадсиз унда қўю, теваю, от.
Ҳоким у бани Асадга бу чоқ,
Мол-давлат ила араб аро тоқ.
Эҳсон ила бой эрур гадолар.

О м и р

Келсинлар, қани, кўрай, на истар!
(Қоровул чиқади. Ибн Салом, бир неча киши ҳадялар
кўтариб кирадилар. Музыка).

К е л у в ч и л а р

Ассалом, эй саййиди олий насаб,
Мамнун эҳсонинг била қавми араб,
Бўлғуси сендан раво барча талаб.

О м и р

Марҳабо, дўстлар, эй арбоби ҳасаб,
Келмагингиз бўлди шодлиққа сабаб.
(Ҳадялар қабул қилинади. Меҳмонлар юқорига таклиф
қилинади)

О м и р

Хуш келдингиз, азизлар, хизмат?

Б и р к и ш и

Ибн Салом айлар арзи ҳожат,

Бўлмоқ тиламиш бу сизга фарзанд.
Эҳсондан эрур бу орзуманд.

О м и р

Бу этса ўғул бўлиш ҳавоси,
Бўлғайман мен доғи отоси.
Дуррим унга зебу торак ўлғай,
Иншоолло муборак ўлғай.

(Қарсақ уради. Маҳрам келиб таъзим қилади)
Айтғил бориб дастурхон қилинсин,
Созанда, ўйинчилар ҳам келсин,
(Зиёфат бошланди. Чолғучилар келадилар. Ўйин
бошланади. Омир емакка таклиф қилиб, ўзи ичкарига
кетади. Ўйин тугагач, Омир саруполар кўтартириб
чиқади. Лайли эшик олдида кўринади. Музыка)

Л а й л и

Хароб ўл, эй фалак, этдинг менга севинчи ҳаром,
Кўнгилни парчаладинг, танда қўймадинг ором.
Йиқил фалак, бузул эй чарх, парчалан, янчил,
Ки маҳринг ила биров шод, бирни айладинг ноком.
(Ибн Саломга, ёнидаги кишиларга саруполар
берилади)

О м и р, ҳ а м м а

Кўша қаринг, сенга қайлиқ муборак Ибн Салом.

П а р д а

III ПАРДА

I КЎРИНИШ

Бир тоғ устида Мажнун ваҳшийлар орасида ўтирибдир. Тоғ этагида
Навфал чодир қуриб аскарлари билан қўнган. Овдан ҳосил қилин-

ган жониворларни кабоб қилмоқдалар. Навфал чодирда мағрурона ўтирибдир. Аскарларининг орқа тарафда ов қилиб юрганлари Мажнуннинг ҳаракатидан сезилиб туради.

Музыка

Навфал

Саҳар ҳовар шаҳи чарх узраким хайлу ҳашам чекти,
Шуъои хат била тоғлар уза олтин алам чекти.
Қазо парроши чекти субҳнинг сиймин супургусин,
Музаҳҳаб парларин андоғки товуси ҳарам чекти.
Хушо улким, вафосиз чоғ мунингдек умрини англаб,
Шароби косасини дўстлар ила дам-бадам чекти.
Агар кўнглига бир гул ҳажридин хори фиरोқ ўлса,
Баҳона йиғламоққа бир неча жоми алам чекди.
Вагар худ васли иқболи муяссар бўлса ҳар соат,
Фаридун тахти узра базм тузди, жоми жам чекти.
(Мажнун ёнидаги жониворлар қочади. Баъзилари Мажнунга илтижо кетиради. Навфал йигитлари қўлларида камон ов қилиб, бир неча паррандалар ва жониворларни кўтариб кирадилар)

Мажнун

Ҳой, ҳой бу на зулму, бу на ваҳшат!
Йиртқичлик этарсиз тоқай одат.
(Бақирғонча югуриб беихтиёр Навфал олдига келиб қолади. Навфал ҳайрон бўлади)

Навфал

Кимдир бу? Азизим, ким бўлурсан?

Мажнун

Мен Маҳдининг ўғли Қайс эрурман.

Б и р к и ш и

Ҳо, ҳо, бу эрур у Қайс мажнун,
Этмиш эдилар ҳикоя бир кун.

Н а в ф а л

Оҳ қандай асл кимё ишқ,
Ҳам на қадар порлоқ бир зиё ишқ.
Ваҳшилар ўлуб бунга бори ром,
Саҳрода унингсиз тутмас ором.
Ишқ ўйла вужудин оритибдир,
Одамлиғу ваҳшийлиқ йитибдир.
(Мажнунга яқин келиб, елкасига қўлини қўйиб)
Салом сенга, тоғу чўллар шоҳи,
Эй ваҳшийлар марҳамат паноҳи!

М а ж н у н

Ва алайк, муборак юзли сардор,
Юзингда улуғлиқ асари бор.
Ҳар бир тилагинг қўлингга келди,
Лекин бир ишинг қизиқ туюлди.
Ғофил кишилар каби чекиб ўқ,
Ваҳш этидан ўзни истамак тўқ.
Бу этгаки йўқдир эҳтиёжинг,
Озор нечун тилар мижозинг?
Ҳам нафсинги завқига эгиб бош,
Қон тўккали бағринг айладинг тош.
Бу зулм ила ҳеч ўтарми эвқот,
Леҳижми бу ишга сен каби зот?
Қўй, шу бегуноҳлар қонидан кеч,
Ҳам бу жониворлар жонидан кеч.

Н а в ф а л

Бош устига, эй фаришта пайванд,
Бердинг менга сен бу чоқ улуғ панд.

Ҳарнаки муродинг эрди билдим,
Ҳам ҳарна дединг қабул қилдим.
Жонимга раво кўрай қилич, йўқ
Лекин бу гуруҳга қўл уриш йўқ.

(Йигитларга)

Ҳой ташлангиз тезда ўқу ёни
Бас қилингиз жониворга жафони.

(Мажнунга)

Сен элдан этиб нега жудолик,
Тутмишсан буларга ошнолик?
Тутмайсан одамлар бирла улфат,
Бу ишлар эрур хилофи одат.
Ақл олдида бесабаб кўринди,
Менга жуда ҳам ажаб кўринди.

Музыка

М а ж н у н

Ончи маҳзун кўнглим ўлмиш ишқдан озорлиғ
Ким қилурман йиғлабон ҳар кимни кўрсам зорлиғ.
Дўстлар кўб зорлиғ қилсам ажаб эрмаски бор,
Зор кўксим давр жавридан жуда озорлиғ.

Н а в ф а л

Кимсага гар ғам етар ғамхори бўлса ғам эмас,
Ул эрур ғам, ким етиб ғам топмағай ғамхорлиғ.

(сўз)

Андоғ дедиларки, бир париваш,
Ишқи юрагингни айламиш ғаш,
Бўл энди бу жониворлардан озод,
Кезгил неча кун менинг билан шод.
Ул ердаки зору мубталосан

Ғам домида бастаи балосан,
Ғар даври фалак бўлур эса ёр,
Сарф айлай сенингчун молу динор.
Бу тўғрида истайин кушодинг,
Комингча ҳал айлайин муродинг.
Этгум сени ёринг ила пайванд,
Ёхуд келу бўлғил манга фарзанд.

М а ж н у н

Сен ҳарнаки айладинг хитобим,
Борисига бор эди жавобим.
Чун васл сўзин дединг унутдим,
Ул борчасидан канора тутдим.

Н а в ф а л

Хўш, ким — сени тутқун айлаган ёр
Ким ишқи сени қилубдир афгор?

М а ж н у н

Омир қизи Лайлидир нигорим,
Удир менинг олғон ихтиёрим.

Н а в ф а л

Тез қоғоз ила қалам берингиз,
Лайли отасига хат ёзармиз.
(Котиб қоғоз, қалам олиб келади. Навфал айтиб туради)
Ёз!

Баъдаз адойи сану салом;
Сўз шу, эй саййиди олий мақом:
Қайс, улки арабда бебадалдир,
Ҳар фазлда эл аро масалдир.
Лайли сори ишқ пок пайванд,
Қилғон эмиш они орзуманд.

Сен ҳам буни хўб билар экансан,
Қайсининг сифатин қилар экансан.
Бўлмас эса ҳам бу сенга фарзанд,
Фарзандингга хўб бор эрди монанд.
Сен ҳолини англамай кишидан,
Ор айлаб уларнинг ишқ ишидан.
Мажнун атамишсан они номин,
Элда туширибсан эҳтиромин.
Ўтганидан ҳасрат этса бўлмас
Ҳар нарсаки ўтди қайта келмас.
Энди будир илтимосу истак,
Буларнинг никоҳ ишини тузмак.
Дур тож уза айбдан йироқдир,
Лаъл ўлса ёнида яхшироқдир.
Гар тўлғор эсанг бўйин бу ишдан,
Ваҳм айлагил кўнглимиз қолишдан.
Бу ишни урушга қилма маътал,
Эҳсонинг умид этувчи: Навфал (қўл қўяди)
(котибга) Омир элига бу хатни еткур,
Ҳамда жавобини тез келтур.
(котиб кетади. Маҳди бир неча кишилар билан киради)
Ҳой, қавми араб, қаён борурсиз?

М а ҳ д и

(Мажнунга яқин келиб)

Биз ушбу йигитни ахтарурмиз.

Н а в ф а л

Ёт шайх, танит ўзингни кимсан?
Ким бу каби дардли сўз қилурсан?

М а ҳ д и

Мен Қайсининг отаси Маҳдидирман.
Мумкинми сўрашга номингиздан?

Навфал

Мен бани мурод амири Навфал,
Уғлинг иши этди мени маътал.

Маҳди

Афв айлангиз, эй амир, бизни,
Биз айламадик риоя сизни.

Навфал

Эй қадри баланд, амири хушном,
Топқой бутун истагинг саранжом,
Уғлинг ғами дардларини билдим,
Ёрин отасига нома қилдим,
Ҳозир келадир хатим жавоби.

Маҳди

Навмидлик ўлур унинг хитоби,

Навфал

Унда қурилар уруш асоси.

Котиб (киради)

Келаётир Лайлининг атоси.

Навфал

Аскарлар этингиз ўзни тайёр,
Бошланг ҳунарингиз, айланг изҳор.
(Ҳарбий рақс, қилич, найза ўйинлари бўлиб турган
вақтда Омир кишилари билан келиб туради. Уйин
битади).

Навфал

Эй тоифайи баланд поя,
Дўстларни ҳам айлангиз риоя.
Орзумизи айланг энди ҳосил,
Лайлини этайлик Қайсга восил.

Омир

Мажнун учун асраган қизим йўқ,
Йўқ, йўқ, шу сўзим, бўлак сўзим йўқ.
Андоқ доғи сенга бўлмасин фаҳм,
Қаҳру ғазабингдан этгумиз ваҳм.
Сўзингдан этар эсанг надомат,
Сен нори, биз бери, саломат.
Гар марҳамат этсанг ўлтирибмиз,
Душманлик этар эсанг турибмиз.
Юрсанг биз уза уруш қилурмиз,
Гар қилсанг уруш юруш қилурмиз,
Ҳой қўлга олинг қилични тездан,

Навфал


Бошлангиз, урушни кўрсин биздан.
Бунларни қилинг қиличла меҳмон,
Кўйманг булар ичра бир тирик жон.

Мажнун

Йўқ, йўқ, менга қон тўкиш эмас ком,
Қилмангиз уруш олингиз ором.
(Уруш бошланди. Омир аскарларида енгилиш сезади.
Бир чекага чиқиб, қайғуланиб, бекларига гапиради)

Омир

Навфал сори бўлса фатҳ ёвар,
Лайлини асир олар муқаррар.



«Лайли ва Мажнун» операсидан бир кўрinish.
Қаёс (Мажнун) Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Ярашев.

Бўлгунча бу хилда амри нохуш,
Бир фикр келур менга жуда хуш.
Ким энди ул ойни ҳозир айлай,
Умрини бу дамда охир айлай.
Ўқ игнасида тикай либосин,
Ханжар сувидан эзай ҳиносин.
Сен Лайлини тезда бунда келтир,
Ҳеч нарса дема уруш ҳақида...

Б и р к и ш и

Ҳозир! (кетди)

(Бир йигит Мажнунга хабар беради. Навфал Омир устига борар эди, Мажнун унинг йўлини тўсиб, қўлини ушлади)

М а ж н у н г а

Ўғлим, бу на иш, бу на ҳавасдир?
Бу иш ҳавас ўлса шунча басдир.
Ишқ ичра тушарга жони зоринг,
Билдикки, йўқ эрди ихтиёринг.
Ҳар ишники бўлса ғояти бор,
Ҳар қайғуни бир ниҳояти бор.
Бўлмоқ бу сифат бу ишда мағлуб,
Ақл аҳликинг олдида эмас хуб.
Оч тўйгозибон, яланғи ёпдим,
Ўлдим деганимда сени топдим.
Мен энди хазину зор сенсиз,
Онани доғи беқарор сенсиз...

Музыка

М а ж н у н

Аё, остонанг менга қиблагоҳ,
Ёритғуси дардинг ўтин чексам оҳ!
Бозуқлиғ эрурман, юзимдир қаро,

Кетирдим сенга кунда юз можаро.
Десангим, нечун дардга бўлдинг дучор,
Нетай ақлим ишқ айлади тор-мор.
Фалокатга тушса агар бир киши,
Демайдирлар албатта ўз хоҳиши.

Музыка

Маҳди

Юз урма ҳар тараф, эй шўх, зор қилма мени,
Қарор тут нафаси, беқарор қилма мени.
Кўзимни шамъи жамолинг фуруғи бирла ёрут,
Тонг отқуча кечалар ашкбор қилма мени.
Худо учун яна ҳар сори беҳабар борма,
Фигону нолада беихтиёр қилма мени.
Тараҳҳум айла кўриб ихтиёрсиз нолам,
Дамодам эл ичида шармисор қилма мени.

Мажнун

Эй душманига ҳамиша ғолиб,
Бўлма яна қон тўкишга толиб.
Тангри ҳақи жанг тузма энди,
Пайванди ҳаётим узма энди.
Душманлик камонин айлагил йўқ,
Жонимга келиб қадалмағай ўқ.

Навфал

Хўш, хўш на учун бу сўзни дерсан,
Таслим ўлур энди бизга душман,
Эткум сени мақсадинга восил.

Мажнун

Ёр ўлса на мақсад ўлди ҳосил?
Ким Омир жафо йўлин тутибдир,

Ёрим ўлумини қасд этибдир.
Мен Лайлисиз истамам жаҳонни,
Қўй, айлама нобуд икки жонни,
Ўлдур мени, ё — урушни йиғ тез!

Н а в ф а л

Аскарлар урушни тўхтатингиз!
(Уруш тўхтади. Икки тараф аскарлар сабабни билмай
хайрон бўлиб туриб қоладилар).

— П А Р Д А —

III П А Р Д А

II КҮРИНИШ

Бошқа бир тоғда, Мажнун Нарфал берган кийимда ўтирибдир.
Музыка.

М а ж н у н

Перим бўлса, учиб қочсам улусдан то қанотим бор,
Қанотим толса, учмоқдин югурсам то ҳаётим бор.
Халойиқ суҳбатидин минг ғамим бордирки муфт
ўлгай,
Агар юз жон бериб билсайки бир ғамдин нажотим
бор.

Чекиб ағёрдин юз жабру тортиб ёрдин минг ғам,
На ўзга халқдин ибрат, на ўзимдин уётим бор.
Эй булбули ишқ боғи Лайли,
Севги уйининг чароғи Лайли,
Келгил сўроғил бу ҳоли зорим,
Сенсиз сира қолмади қарорим.

Музыка

О в о з

На умр лаззати комим на бахт ваҳшиси ром,
Замона кулфати ҳар лаҳза қилди беором.

Менга фалокату офат ёзиб қазо у қадар,
Фалак ҳам этди жафоу аламни менга давом.
Қуюн каби менга энди на бир ватан таъйин,
Менга на бахт эли янглиғ боқар умиду маром.
Туганди тоқату сабрим ҳамият, оҳ эҳсон,
Саҳоват аҳли жаҳондан бу кун йўқолди тамом.
(Зайд толонгон ҳолда йўлдан ўта бошлайди)

М а ж н у н

Ҳой дўстим Араб қаён борурсан?
Кел бунда...

З а й д

Нега? Нима қилурсан?
Йўқ менда сен олғудай бирар чиз,

М а ж н у н

Келгил, сира қўрқма, дардлешармиз.

З а й д

(яқин келади) — Хўш?

М а ж н у н

Онглат ўзингни менга, кимсан?

З а й д

Зайд исмли бенаво арабман,
Лайли элати менинг паноҳим,
Ул ер тупроғи такаюғим.

М а ж н у н

Мендек на учун малолатинг бор.
Тангри учун айт, на ҳолатинг бор?

З а й д

Менман араб ичра бир фақир ҳол,
Бечора, ғаму аламга помол.
Менга улуг оила қарамдир,
Ғамдан бўлаги уйимда камдир.
Лайли элида тиланчиликдан,
Рўзгорими тебратиб юрурман.

М а ж н у н

Топ, чўлда кезиб надир муродинг?
Бўлгай шаҳар аҳлидан кушодинг.

З а й д

Ул вақтки Навфали жафогар
Нафсига бўлуб мутиъу чокар,
Лайли элига қўшунла келди,
Лекин бир иш этмайин чекилди.
Навфал иши балки ҳийладир деб,
Эл уйқусида босиб келур деб,
Лайли отаси тушиб гумонга
Кетди эл ила бўлак томонга.

М а ж н у н

Андоқ эса сен нечун бу ерда
Қолдинг адашиб бу дашту қирда?

З а й д

Мажнун талаби билан борардим,
Тоғлар оросини ахтарардим.
Чиқти ики тевалик йўлимдан,
Ҳарна борим олдилар йўлимдан,
Нақдингни на қилдинг, тезда айт деб,

Қайда ки кўмилган ўлса қайт деб,
Урмоқла таним хароб этишди,
Бир нарса топилмағоч кетишди.
На Мажнун ила бир учрашолдим,
На ёв қўлидан амонда қолдим.

М а ж н у н

Мажнунни талаб қилиб нетарсан,
Ё Назфал учун қасос этарсан?

З а й д

Лайли бериб эрди бир амонат,
Мажнунга тегиш керак у албат.

М а ж н у н

Мендирман у бахти қора Мажнун,
Етмиш сенга қайғулар менимчун.
Бўлсин жон ила бошинг саломат,
Топилғуси сенга молу давлат.
Келгил, отинг ўрнига отим ол,
Молинг ерига мана сенга мол.

(кийимларини ечиб Зайдга беради)

З а й д

Бу олижаноблиғинг билан сан,
Покдирсан жунуну телбалиқдан.
Сенга мана Лайлидан амонат,
Юз шукрки этмадим хиёнат.
Хат беради. Мажнун хат устидаги ёзилгонни ўқийди)

М а ж н у н

Бу бир рақамики нақш чиндир,
Бир хастага бир шикастадиндир.

(Хатни очиб ўқийди)

Эй жинни кишанлари кўлингда,
Ваҳший думидан камар белингда.
Ҳолинг надурур фироқим ичра,
Фикринг недир иштиёқим ичра?

(Ошиқ рашки билан Зайдга қараб қўяди. Кейин хат
охирини ўқийди)

Мундоқ менга айтдилар фасона,
Сен Навфал ила бўлуб ягона,
Ул оила сори кўз солибсан,
Олмоққа қизини сўз солибсан.
Боғ ичра қўйиб қадамни бир кун,
Кўрмиш эдим ул санамни бир кун.
Ҳам хўбу ҳам элга меҳрибондир,
Сўз қисқаси яхшигина жондир.
Ёвар сенга ҳақ таборак ўлсин,
Бу яхши ишинг муборак ўлсин.
Бўлсанг агар онинг ила хуррам,
Гоҳ эсла бу зору хагани ҳам.
Инсофингга ҳам канора кетма,
Бизни доғи бир йўла унутма,

(хатни тамом қилмоққа ҳолати қолмайди. Зайдга қараб)

Дўстим, менга энди хизмат этгил,
Тез Лейли санам изича кетгил.
Жисминг эшикида хоксор эт,
Шукронага жонни ҳам нисор эт.
Жонинг бериш ўлса сенга озор,
Менда доғи жон билан кўнгил бор.
Не тил ила дей, дегил саломим,
Ҳам бундаю ундай айт паёмим.

З а й д

Ҳар сўз дединг унга еткурурман,
Ҳам на жавоб айтса келтирурман.

Ҳам ком толар ики дил ором,
Ўртада доғи менга етар ком.

М а ж н у н

Сен бу каби ёрлиқ қилурсан,
Ҳарна дер эсанг ўзинг билурсан.
Меҳр ила вафо шиоринг ўлсин,
Бор энди ки тонгри ёринг ўлсин.
(Зайдни кучди, Зайд кетди. Маҳди бир неча кишилар
билан киради. Музыка)

М а ҳ д и

Эй ўғил, ҳаваслардан ўзни сен мусаффо қил,
Ёринг ўлди бегона, ўзга бирни ошно қил.

Х о р

Тобакай ғаму кулфат сенга улфат ўлғуси,
Кел бу ҳолатинг дафъин изла, чора пайдо қил.

М а ҳ д и

Ташла ушбу савдони элга бўлмагил расво
Ваҳшиларни тарк айла ақл ила мувосо қил.

М а ж н у н

Ҳурматли ота, кечир гуноҳим,
Ким лутфинг эрур менинг паноҳим.

М а ҳ д и

Мендан тиласанг ризо, қабул эт,
Ҳарна буюрар худо қабул эт.

Мажнун

Албат сенга ҳарнаким ризодир,
Қилмоқлик они менга сазодир.
Ҳукм этки не навъ этай шиорим
Этмасга они не ихтиёрим.

Маҳди

Навфал ким эрур араб аро тоқ,
Йўқ, йўқ, не арабки тоқи офоқ.
Кўп тортди сенинг учун аламлар,
Бағрига ишингда тўлди ғамлар.
Ердамлари бўйнингга эрур қарз,
Миннатдор ўлиш сенга эрур фарз.
Энди бу эрур унинг ризоси,
Ҳам хаста отангни муддаоси:
Навфал қизин этсак сенга пайванд,
Қилсақ унга доғи сени фарзанд.
Мендан тиласанг ризо, ризо бер,
Бу қисса ризосини менга бер.

Мажнун

Ҳукминг бажаришга аҳд этибман,
Мен қулга на истасанг қилурсан.
(Маҳди Мажнуннинг бошини бағрига босиб, силайди)

Маҳди

Балли, қани тўй томон кетайлик,
Сўнг Навфал элига азм этайлик.

Музика

Мажнун

Оҳким меҳнат тунига мубтало қилди фироқ,
Рўзгоримни саводидин қаро қилди фироқ.

Жону кўнглум доимо йиғларлар ўз аҳволига,
Гўйё кўнглим уйин мотамсаро қилди фироқ.
Васлига гар етмаган бўлсам ўрун йўқ таънага
Ким юз ончаким керак эрди сазо қилди фироқ
(Кета бошладилар)

— ПАРДА —

IV ПАРДА

I КЎРИНИШ

Навфалнинг уйи ёнида чиройли гуллар билан безатилган боғ.
Ўтироғичлар кўйилган. Навфал қизининг ошиқи интизорда, хаво-
тирда ўтирибдир. Музыка

Й и г и т

Ўзгалар боғидадир наърас ниҳолим бу кеча,
Тонгга тегру ўзгадир ҳар лаҳза ҳолим бу кеча.
Ҳажр даштида юз ўттиг водию ҳар дам мени,
Ўзга саҳрога сурар ваҳким хаёлим бу кеча.
Барча бир-бирдан созутмоқ ваҳмидир неким ўтар,
Кўнгдаги юлдузлар ила қилу қолим бу кеча.
Ҳарна зулмиким етар деб айлаган эрдим хаёл
Барчани жонимга қилди чархи золим бу кеча.
Оҳ, бу на фалокат эрди тушдим?
Бир лаҳзада ўлгали ёвушдим.
Бир ҳургаки мен экан гирифтор,
Чиқмиш унга бошқалар харидор.
Яъни рақиб орзуга етгай,
Ёрим менга вафолиғ эткай.
Навфалга бориб қилайми изҳор;
Қиз менгаю, мен қизига хуштор?
Энг яхшиси шулки пойлагайман,
Бу ишни ҳақиқат айлагайман.

Мажнунни қабул этарса дилбар,
Ҳал айлағай ишни ушбу ханжар.
Мажнун ила қизни ўлдирурман,
Сўнгра ўзими ҳалок қилурман.
(Ташқаридан Навфал овозини эшитиб, йигит ўзини бир
дарахт панасига олади)

Навфал

Ё Қайс, юр энди ичкарига,
Кўнглингни қўй энди бу парига.
Бундай эди тангрининг ризоси.
Мен бирла отангнинг муддаоси.
Бергум сенга ўз қизимни бу чоқ,
Қиз унда юзинг кўрарга муштоқ.
Лайлога агарчи эрдинг ошиқ,
Бахт ўлмади сен билан мувофиқ.
Лайли талаби билан туну кун
Кирдинг, отинг ўлди элда мажнун.

Музика

Ишқаро сенсан дами бемеҳнату ғам бўлмаган,
Жонидан маҳрум ўлуб жонига марҳам бўлмаган.
Юз вафо айлаб жафодан ўзга нафъи кўрмаган,
Минг жафо кўриб, вафоси зарраи кам бўлмаган.
Олам аҳли аро расволигинг таън эттилар,
Кимдир у ошиқ бўлиб расвойи олам бўлмаган.

Мажнун

Бу зулмки ёзди менга тақдир,
Йўқдир уни қайтаришга тадбир.
Эркимга тўқилмиш ота-она,
Қийнашга мени тилар баҳона.
Бу бўлса ота-онам ризоси,
Жонимдир улар сўзин фидоси.

Навфал

(қарсақ урди, Жория келди)

Бор, тез чақириб юбор қизимни.
(Жория кетди)

Мажнун

(Илтижо)

Беҳуда қизортасиз юзимни,
Бир ерда турарга йўқ қарорим,
Йўқ заеқу ҳавасга ихтиёрим.

Навфал

Фарзандим ўлишга сен қилиб ор,
Бу хилда баҳона қилдинг изҳор.
Тангри биру тил бир, ўлса сўз бир,
Ваъдамни танолмағайман охир.
(Навфалнинг қизи Жамила келади, уялиб юзини
яширади)

Кел бунда, сўзимни тинглагил қиз,
Қил Қайсга салом, уялма ҳаргиз.
(Жамила яқинроқ келиб Қайсга таъзим қилади)

Навфал

Тингла қизим, тангрининг ризоси,
Ҳамда отанг орзу ҳавоси.
Этмак сени энди Қайсга пайванд,
Бўлса биза Қайс шарафли фарзанд.
Албатта сўзим рад айламассан,
Энди сени Қайсга топширурман.
Бир-бирига ўнг қўлингиз берингиз
(Мажнун билан Жамиланинг қўлларини бир-бирларига
тутқизади).

Балли, борингиз, қўша қарингиз.
(Навфал буларни уй тарафга ишорат қилиб, ўзи чиқиб
кетилади. Йигит ҳаяжонда. Мажнун ҳайратда. Жамила
Мажнунга илтижо қилади)

Ж а м и л а

Эй лутф ила эл аро ягона,
Ишқ ичра ягонаи замона.
Аҳволинг эрур қотимда равшан,
Эл борига ҳам эрур муайян.
Ким Лайли ишида нотавонсан,
Ишқида жаҳонга дostonсан.
Чун кишвари ишқинг шаҳисан
Ишқ аҳли ўтининг оғаҳисан.

М а ж н у н

Хўш, хўш очиқ айт, на мақсадинг бор?
Сиррингни яширма айла изҳор.

Ж а м и л а

Сир сақлар эсанг қилурман изҳор,
Иўқса менга берма ранжу озор.

М а ж н у н

Албатта, тузингни ҳақлағайман,
Сиррингни юракда сақлағайман.

Ж а м и л а

Иккимиз отосининг ризоси
Бўлди бу балоу ғам асоси.
Бордир менга доғи дардманди
Ишқимнинг ипига пойбанди.
Дардим ўти ичра тоби онинг,

Мен доғи бўлиб хароби онинг.
Лекин иккимиз ўти ниҳони.
На халқ мени билур, не они.
Фикр эт, ўзинг ул асир ногоҳ,
Сен-мен тўйимиздан ўлса огоҳ,
Бу кеча онинг не ҳоли бўлғай,
Умри кунининг заволи бўлғай.
Будир сирим, энди сен билурсан,
Балки биза марҳамат қилурсан.

М а ж н у н

Қўй, қўй, яна кўнглим этма вайрон,
Менман ўз ишимда зору ҳайрон.
Эл борча маломатимни қилди,
Тавна тоши бошимга ёғилди.

Музыка

М а ж н у н

Юз бало ҳижрон тоғар ҳар дам бу маҳзун жон учун,
Тонгри гўёким ёротмишдир мени ҳижрон учун.
Қомати ҳажрида кўнглум сўргучи носих тили,
Наштаридирким ёрар ўқ захмини пайкон учун.
Ҳажр аро ҳолимни ёздим, йиғлагучи эсда тут
Ким жуда лойиқ эурсан саз этар дoston учун.
Ишқу ғам базмида ҳам қаддим ила жон риштасин,
Тор этиб саз айлади кўнглим чекар афгон учун.

Музыка

Ж а м и л а

Не учун тарки муҳаббат қилди моҳим билмадим,
Бу ғазабким айлади моҳим, гуноҳим билмадим.
Ошиқ ўлдим ёрдин топқай дебон кўнглим висол,
Ҳажр бу ёнглиғ бўлурни киноҳоҳим билмадим.

Ишқ бўстониға кирганда ҳавойи қуш каби,
Сунбули зулфи бўлурни доми роҳим билмадим.

М а ж н у н

Мендан талабинг надур, қил изҳор?
Балким сени бир муҳим сиринг бор.
Бўлди иков энди шаръи маҳрам,
Бўлғум сенга дардинг ичра ҳамдам.
Йўқ мендан уялмагингда маъно,
Не мақсадинг, эй севимли раъно.

Ж а м и л а

Бойс бу каби надоматимга,
Бўйнингни қўйиб мэлوماتимга,
Ҳаркимгаки бу фасона етса,
Ул борчасини маломат этса,
Мендан сира бўлмай эл гумони,
Сен бўлсанг у таъналар нишони,
Қилмай мени халқ ичида расво,
Қилсанг бу дам азми дашту саҳро.
Бу навъ мурувват ўлса сендан,
Изҳори жамяят ўлса сендан,
Умид будирки қодирини пок,
Лайлини ки келди нодирини пок,
Ҳар таҳликадан амонда тутқай,
Васлини сенга муяссар этқай,

М а ж н у н

Эй меҳру вафоли ёри дилбанд,
Бўл ишқу муҳаббатингда хурсанд.
Ёрингга вафо шиоринг ўлсин,
Ким тангри ҳамиша ёринг ўлсин.
Кўнглингни қилиш учун риоя,

Қайғуга чўммиш эдим бағоя,
Бу лутфки сендан ўлди зоҳир,
Ўзрингни нечик қилай мен охир?
Менку кетар эрдим ушбу соат,
Бердинг сафаримга иститоат.
Миннат сенга йўқ, ўзимга қилдим,
Жон бирла ики кўзимга қилдим.
Мен сенга оға бўлай, сингил бўл!
Ҳайр энди сингил ризо бўл!

Ж а м и л а

Оқ йўл...!

(Мажнун Жамиланинг пешонасидан ўпади. Жўнайди.
Йигит яширинган еридан югуриб чиқиб ханжарни ташлаб
Мажнуннинг оёғига бош қўяди)

Й и г и т

Раҳмат сенга, офарин улуг зот,
Сен олижаноблиқ этдинг исбот.
Бу чоқ менга қилдинг олий эҳсон,
Рухсат бер, оёғингга солай жон.
(Мажнун йигитни кўтариб турғизади)

М а ж н у н

Тур, шону шарафларингни тўкма,
Инсон қошида тизингни чўкма.
Евар сенга ҳақ таборак ўлсин,
Сенга бу гўзал муборак ўлсин.
Синглим, қани, энди кел яқинроқ,
Ёрингни ўзингга қилма муштоқ.
Мен сизга бу чоқ вакил ўлурман,
Ҳам иккавингизни аҳд қилурман.
(Жамила яқин келади. Мажнун Жамила ва йигитнинг
қўлларини бир-бирларига тутқизади)

Мажнун

Давлатла қўша қаринг, бўлинг шод,
Хижрон қўлидан сиз энди озод.
Содиқ бўлинг меҳр ила вафода,
Мен хастани ёд этинг дуода.
Хайр, эй сингил, эй азиз биродар,
Мен ғамзададан ризо бўлинглар!

Йигит

Раҳмат сенга, лутфу меҳр пеша,
Хурсанду саломат ўл ҳамиша.
Этдинг биза марҳаматла эҳсон,
Бўлдинг бизи дардимизга дармон.

Музыка

Мажнун

Мену ғариблиғу ҳажру бенаволиғлар,
Диёру ёр фироқига мубталолиғлар.

Йигит

Шукрки васл ила бўлди бадал жудолиғлар,
Юз очди бизга висол ила рўшнолиғлар.

Жамила

Бу дамки толеимиз қилди раҳнамолиғлар,
Туганди дарду ғам олдида бедаволиғлар.
(Мажнун ташқарига югуриб кетади)

— ПАРДА —

У ПАРДА

I КҮРИНИШ

Ибн Саломнинг уйда тўй мажлиси. Лайли билан Ибн Салом бир тарафда хос ўтирибдилар. Зиёфат ва ичкиликлар қизгин давом этаётир.

Музика

Ибн Салом

Эй юзлари гул, эй сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул каби ҳажрингда ишим нолау фарёд.
Сайд ўлди кўнгил кўзларингга, ваҳ қутулурму,
Бир қушки онинг қасдида бўлса ики сайёд.
Ул мактаб ароким, ўқудинг ноз рамузин,
Гўёки вафо илмин унутмиш экан устод.
(Лайли бўйсунмайди. Ташқаридан бир тўда яллачилар
кирадилар)

Яллачилардан бири

Меҳмонлар берар эса ижозат,
Бир базм берардик...

Меҳмонлар

Майли рухсат.

Ўйинчилар

Бир неча гул барг қабо ялли-ялли,
Айлагали бизни адо ялли-ялли.
Тўзмак учун савти наво ялли-ялли,
Жам бўлинг моҳлиқо ялли-ялли,

Бўлди қизиқ базми саро ялли-ялли.
Сабза бўлиб боғ сари раҳнамун,
Бўйнида сунбули таноби жунун,
Сарв боши узра чекиб қумри ун,
Гул очилиб гулшан ўлиб лолагун,
Булбул анга нағмасаро ялли-ялли.
(Рақслар давом этиб турган вақтда Мажнун киради.
Ўйинчилар қотади. Музыка)

М а ж н у н

Ўзгаларга бўлди шомил лутфи эҳсонинг сенинг,
Мен экан ҳижрон чўлида зору ҳайронинг сенинг.
Бўлди дўст бегона, бегона қадрдонинг сенинг,
Эй вафосиз, шулми эрди аҳду паймонинг сенинг?
Бенаволиқда мени ишқинг билан ёр айладинг,
Дарди ҳижрон ичра қайғуга гирифтор айладинг,
Эндими йўқсуллим таъсир этиб ор айладинг,
Эй вафосиз, шулми эрди аҳду паймонинг сенинг.
Эй кўнгли, тили риёли Лайли,
Афсун чаманин ниҳоли Лайли,
Мақсад сенга эрдими хиёнат,
Лойиқми сенга бу хил жиноят?
Ақдинг нима эрди қарши кетдинг?
Аждар уёсида манзил этдинг.
Музыка

Л а й л и

Чарх доим мақсадимга қарши даврон айлади,
Мунча ҳақсизлиқ билан мажбур зиндон айлади.
Базми васли ёр ила шод ўлмак истарди кўнгил,
Бу фалак жони умидимни тўла қон айлади.

Мажнун

Бунга сендай бевафолардир сабаб хўб англадим,
Чунки юз ошиқни бир бедардга қурбон айлади.

Лайли

Душманам доим менга таън ила айларди ҳужум,
Энди дўстлар ҳам маломат тошин эҳсон айлади.
Ё Қайс, мен аҳдим узра собит,
Қўйма мени бунда, сен халос эт!

Ибн Салом

Ким қўйди буни, бу ерга ҳайданг

Лайли

Йўқ, йўқ.

Ибн Салом

Чиқоринг, бу жиннини

Лайли

Тегманг!

(Беклар Мажнунга осиладилар. У ерда меҳмон қиёфаси-
да ўтирган Зайд туриб келади)

Зайд

Майли, қўйинг унга берманг озор,
Бечорани мунча тутмангиз хор.
Ноҳақ бунга жабр этиб сўкарсиз,
Мажнун атаб обрўсин тўкарсиз.

Беклар

Чиқ, чиқ сенга энди Лайли ётдир,
Бундай қилишинг жуда уётдир.
Бор, бошқани афсун ила ёр эт!
Лайли сени истамас, чиқиб кет!

Музыка Лайли

Мен улки Қайсининг илм ила фазлин ошиқиман,
Манга ҳам ошиқу ўстод удир на Ибн Салом.
Сотилмоғойман отау она ризоси учун,
Саодатим, тилагим Қайс удир умиду маром.
Салом-салом, шу азиз Қайсгаким, хаёлидаман
Шуни, фақат шуни дерман будир кўнгилдаги ком.
(Меҳнун ҳайдаб чиқарилади. Лайли югуриб бораётганда
унинг йўлини тўсадилар)
Тўсманг мени Қайс ила кетарман,
Жонни йўлига нисор этарман.

Ибн Салом

Лайли, нега телбалик қилурсан?
Бироз уялиш керак шу элдан.

Лайли

Ҳақ сўзни демакка ким қилур ор,
Ҳақсизлиқ этувчилар бўлур хор.
Мол ила отамни айладкиг мот,
Лекин сотилурми Лайли?! Ҳайҳот!
(Меҳмонлар кетиш ҳаракатидалар)

Ибн Салом

Сен бирла кейинча сўзлашарман,

Л а й л и

Бўйсунмак умиди тутма мандан.
(Ибн Салом меҳмонларни узатиб чиқади. Омир,
Сафия кирадилар. Музыка)

О м и р

Бу на саркашлик эрур бу на разолат, ҳой қиз?
Ота-она сўзига қарши бу ҳолат, ҳой қиз!
Бизни халқ олдида шармандау расво қилдинг,
Ўлдирар энди мени ушбу хижолат, ҳой қиз!
Сен ота, мен сенинг ўғлингми сўзим тутмайсан,
Сени ким этди бу йўлларга далолат, ҳой қиз?

Л а й л и

Эл борча билур сенинг қизингман,
Аммо чўридек мени сотарсан.

О м и р

Ҳар ишки отанг кўрарса лойиқ
Тақдири худогадир мувофиқ.

Музыка

Л а й л и

Жоним ота, қўй бу хил ситамни,
Бас отма жафо сари қадамни.
Умрингда менга бир айла эҳсон,
Доим менга ортма дарду ғамни.
Ортирма юракдаги ярамни,
Зор айлама хайл ила ҳашамни.
Бечора қизингни додига ет,
Заҳр этма менга шу тотли дамни.
Сен элнинг улуғ амиридирсан,

Тарк айлама лутф ила карамни.
Раҳм айла кўриб кўзимда намни,
Дардим уза чекмагил рақамни.

О м и р

Таклифим агарда рад этарсан,
Бу уйда сени қамаб кетарман.
(Сафияга маъноли ишорат қилиб чиқиб кетади)

С а ф и я

Лайли, бироз элдан айлагил ор,
Бечора отангга берма озор.
Биз бир неча кун сенга ғанимат
Сен ҳам биза сақла қадру қиймат.
Бахтингни тилар отанг ҳамиша,
Ҳам роҳатинг излаш унга пеша
Қандай эса ол ота ризосин,
То қўлга кетир худо ризосин.

Л а й л и

Ўлдирмак экан отам ризоси,
Ҳосил бўлур энди муддаоси.
Бу дамки эрур хайрлашиш чоғ,
Бефойда сиррими ёширмағ.
Сиррим билиб айладинг мадоро,
Мен энди қилурман ошкоро.
Сенга бу замон қилиб васият,
Туфроқ сори айлағум азимат.
Тангри сенга сабр ёр қилсин,
Қавминг аро барқарор қилсин.
Чун мотамим ўлса ошкоро,
Эшиткуси аҳли кўҳ саҳро.
Албатта у — сарварим эшиткай,

Умрим кунидек бошимга етқай.
Тупроғини тупроғимга қотқой,
Рухини менинг сори узотқой.
Зинҳор ки айла эҳтиромин,
Ёнимда ясонг онинг мақомин.
Қўй кинани, лутфу меҳр фан қил.
Жон пардасидан унга кафан қил.
Чи,рма мени доғи ул кафанга,
Бир жинс кафан ики баданга.
Фарзанддек айла унга асбоб,
Фарзандинг ила қил они ҳамхоб.

С а ф и я

Қўй, жоними ўртади мақолинг,
Тутғуси отангни тезу болинг.
(Йиғлаб чиқади. Музыка)

Л а й л и

Ишқ аро ҳолимга бир ҳамдам тараҳҳум қилмади,
Ёр ҳолим билмади, гар билди кўзга илмади.
Не ажаб гар билмаса ҳолимни бу ғамдин ки ёр,
Улгали етдим ғами ишқида ҳолим билмади.
Қон ёшимнинг саргузаштин ким яширсин эндиким
Қолмади ер ким бу рангин можаро отилмади.

И б н С а л о м (киради)

Жоним, тугагандир энди нозинг,
Битгандир у ваҳший эҳтизоринг.
Мен ҳам сенга ошиқ додима ет,
Рози дилим англаб илтифот эт.

Л а й л и

Гарчанд эсамда шаръи хасминг,
Ондимни бузолмағай бу расминг.

Қайс улки сен ила менга устод,
Бордирман унинг хаёлила шод.

Ибн Салом

Фикрингни очиқча этдинг изҳор,
Ерга урилди номус билан ор.
Барча шарафимни ерга урдинг,
Бахтли яшашимга қарши турдинг.
Номус кетиши ўлим демақдир,
Сендан менга обрўйим керақдир.
Бор, Қайс ила бўл, сенга йўл ўлсин,
Ҳам Ибн Салом йўли бу бўлсин!

(Лайлига қараб югуради. Хизматчилар келиб тўсадилар.
Ибн Салом ханжарини ўзига уради. Йиқилади. Ҳамма
унга машғул, Лайли чиқиб кетади)

Музыка

Х о р

Сени май бас ошуфта ҳол айлади,
Бу водида мажнун мисол айлади,
Бошингни хум атрофида майфуруш,
Узум жисмидек поймол айлади.

— ПАРДА —

V ПАРДА

II КЎРИНИШ

Нажад тоғида қабристон. Шуқухли икки қабр бошқалардан ажралиб
биринчи назарда учрайди. Мажнун шу икки қабр ўртасида беҳуш
ётибдир. Куз фасли, дарахтлар баргини тўка бошлаган. Воқеа
эрталаб содир бўлади.

(Узоқ жимликдан кейин Мажнун бош кўтариб туради,
отасининг қабрига қараб илтижо қилади)

М а ж н у н

Эй дашт эли соҳиб эътибори,
Эй ҳиммати етти кўкка жори.
Қавми араб эрди зери дастинг,
Мендан етишибдир бу шикастинг.
Ҳам кўнглинг ўлиб ғамимда ношод,
Ҳам умринг ўлиб ишимда барбод.
Шамъ истадинг уй қилишга равшан,
Ондан куйиб уй мисоли хирман.
Бу ғамда нечик тирик бўлай вой,
Узрингни не тил билан қилай вой,
Афв эт ота, лутф айла гуноҳим,
Пок руҳингни айла узрхоҳим.

(Онасининг қабрига)

Эй жонима қаъбаи муқаддас,
Узрингни тилим адо қилолмас.
Қаъбамни қилиб хароб ҳар дам,
Солдим сенга изтироб ҳар дам,
Меҳримни кўнгилга айладинг ёр,
Қилдинг бешигимга қўлни тумор.
Бу навъ тилак билан ки ногоҳ,
Зулм айласа сенга чархи кин хоҳ.
Қул янглиғ ўғулликнингни қилсам,
Ўғул қаби қулликнингни қилсам,
Лекин туну кун жудолик этдим,
Билмаслиғу бевафолик этдим.
Бечора ман энди найлагайман,
Дардимга не чора айлагайман?!
Қаъбам она, сенга ёлворурман,
Афв айламагинг умид қилурман.

(Онасининг қабрига ташланади. Музыка)

Ҳижрон тунин жафосила жон бўлди беқарор,
Бўлди сирим бутун жаҳон аҳлига ошкор,



Хоразм вилоятидаги 101-ХИЙ КОММУНАЛ ДАВЛАТ КУРСУСДА ДИНАРА РАХИМОВА

ТЕАТРИ

ЯНИ СЕРСТАКЛЬ

101-ХИЙ КОММУНАЛ ДАВЛАТ КУРСУСДА
ДИНАРА РАХИМОВА

101-ХИЙ КОММУНАЛ ДАВЛАТ КУРСУСДА
ДИНАРА РАХИМОВА

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

Сценарий: Мухоммад Юсуф, режиссёр: Халима Шайхона

Ушбу фильмда кўрсатиб берилган режиссёр Халима Шайхона
101-ХИЙ КОММУНАЛ ДАВЛАТ КУРСУСДА ДИНАРА РАХИМОВА

101-ХИЙ КОММУНАЛ ДАВЛАТ КУРСУСДА ДИНАРА РАХИМОВА

Режиссёр: УЗССР ХАЛҚ АРТИСТИ ҚАДРИЯ ҚАДИРОВА

Балетмейстер: ДИНАРА РАХИМОВА

101-ХИЙ КОММУНАЛ ДАВЛАТ КУРСУСДА ДИНАРА РАХИМОВА

101-ХИЙ КОММУНАЛ ДАВЛАТ КУРСУСДА ДИНАРА РАХИМОВА

«Лайли ва Маҷнун» спектаклининг афишаси.

Эл этди таъналар билан озорим ихтиёр,
Мотам жафолар билан кўнглим ўлди тор-мор,
Йўқ бағрима қилувчи даволар билан мадор.
Битти фироқ жабрини тортмоққа тоқатим,
Ғам бирла маҳв ўлди қарорим ҳаловатим,
Охир эгилди ғам юки остида қоматим,
Ёр эшиги макониму васл эрди ҳожатим.
Аммо ёр ўзга базми билан масту бахтиёр.
(Ўзини ташлайди. Музыка)

Л а й л и

Қаро кўзим келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзим қаросига мардум каби ватан қилғил.
Ўзинг гулига кўнгил равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.
Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.
Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ мени,
Гулоб ила ювгил, баргидин кафан қилғил.
(Лайли паришон ҳолда киради. Ҳар тарафга қараб,
Мажнунни кўриб ёнига келади).

Эй хаста, танимда тотли бир руҳ,
Эй ғам, қўлида асиру мажруҳ,
Муштоқи жамол эдинг ҳамиша.
Муҳтожи висол эдинг ҳамиша,
Тўхтат бироз оҳ ила фиғонинг,
Мен Лайлиман орзуйи жонинг.

М а ж н у н

Сен Лайли эмассан, эй париваш,
Қўй, айлама кўнглими яна ғаш,
Лайли уки аҳдини синдирмас,
Ағёр ила айшу базм қурмас.

Сен Ибн Салом ила кўнгил бир,
Айлаб мени ҳайдадинг-ку охир.

Л а й л и

Иккимизи отасининг ризоси,
Қилди бизи қайғу мубталоси.
Навфалга сенинг отанг қилиб зўр,
Ибн Салом ила менга бир гўр.
Ёзмиш эса бизга бўйла тақдир,
Ҳеч ким бера олмас они тағйир.
Навфалдан халос ўлуб эсанг шод,
Мен Ибн Салом қўлидан озод.
Қайсим, қувон энди

М а ж н у н

Лайли сендан,
Қандай умид айлайин етимман.
Йўқ менга кўмак берувчи дилхоҳ

Л а й л и

Қайда ота-онанг?

М а ж н у н

Ўлдилар

Л а й л и

Оҳ!
Балки менга ҳазил этиб гапирдинг?

М а ж н у н

Ёлғон деганим кўрибми эрдинг?
Будир — бу ота-онам мазори,
Ҳукм этди ажал буларга жори.

Л а й л и

Минг дод, фалак, жафоларингдан,
Токайгача зулму жабр этарсан.
Тут, бос, чархинг ила эз вужудим,
Кўкларга кўтар керакса дудим.

М а ж н у н

Лайли!

Л а й л и

Эй тангри, қани адолатинг, оҳ!
Ишқ аҳлига шулми шафқатинг, оҳ!
Ёримнинг ота-онаси ўлмиш,
Гўё бу мусибат менга бўлмиш.

М а ж н у н

Лайли, қўй, эй Лайли, йиғлама бас,
Фарёдлар энди фойда бермас.

Л а й л и

Сомон каби соврилибман, эй воҳ!
Бугдой каби қоврилибман, эй воҳ!
(Йиқилади, ўлади. Мажнун ўзини йўқотиб хайрон
бўлади).

Лайли, нима хол бу? Лайли, Лайли,
Солмиш сенга ғорат ўлим хайли.

(Кўтариб икки қабр ўртасига элтиб қўяди)

Эй шамъ нечун юзни яширдинг,
Айрилиқ ўтин бағримга урдинг?
Ғам жомини сунганида олам,
Сибқорғон эдим сен ила мен ҳам.

Музика

Оҳким ҳайронман, ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндир, ул гулбарги хандондин жудо.
Бўлса юз, минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмоғил,
Ёрни мёндан жудо ёхуд мени ондин жудо.
Ҳажр ўлимдан аччиғ эрмиш, эмди эй даврон, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.
(Қабристон ташқарисидан овозлар эшитилади)

О в о з л а р

Қабристондадир

О в о з л а р

Бунда на қилсин?

О в о з

Майли бу ер ҳам кириб қаралсин.
(Илгарида Омир бўлган ҳолда халқ тўдаси кирадилар)

О м и р

Лайли, о Лайли қаердадирсан?

М а ж н у н

Ноз уйқудадир Лайли.

О м и р

(Қараб) — Оҳ ўлган.
(Халқ илгари юради. Мажнун тўхтайтиди. Омирга қараб)

М а ж н у н

Сенсан сабаби бу можаронинг,
Сен манбаъи дард ила балонинг.
Лайлоки, бу тоза қонли бир нур,

Лайлоки ҳақиқат боғида ҳур.
Зулму ғазабингла нур сўнди,
Ҳур узра ўлим ғубори қўнди.
Байтулҳарам узра келма, шарм эт,
Номаҳрам оёқни босма, чиқ, кет.
(Омир томонга юради. Бирдан қайрилиб Лайлига қарайди).

Лайли, мени ҳам ол эмди ҳамроҳ
Йўлимни йўқотибман, Лайли кел... оҳ!
(Лайлига ташланади. Ҳамма югуриб боради)

Б а ъ з и л а р

Қайс!

Б а ъ з и л а р

Эй, азиз Қайс!

Б а ъ з и л а р

Тур, бўлма маҳзун!

О м и р (қараб)

Ўлган.

Б а ъ з и л а р

А, ўлган?

Ҳ а м м а

Бечора Мажнун.
(Омир ишорат қилади. Кийимларни ечиб ерга ёзадилар.
Лайлини кўтариб олиб ётқизади. Кейин ишорат қилади,
Мажнунни ҳам ётқизадилар. Музыка)

Х о р

Бирлашди энди бу икки ғамнок,
Фитна, жафолардан бўлдилар пок.
Ким умрларида ишқи қотил,
Қилмади бир дам буларни хушдил.

О м и р

Бир тобут узра элтинг иковни,
Жонсиз келину ўлук куёвни.

Х о р

Ҳажр ила тўйиб ҳамиша жондан,
Армон билан кеттилар жаҳондан.

Парда тушәди
сўнг.

4 март 1946 йил.
Тошкент

Хуршид

ОЙБОНУ*

(ХОҲЛАР ЗУЛМИГА ҚАРШИ ТОШКЕНТ ХАЛҚИНИНГ ИСЭН
ВА ҚЎЗҒОЛОНИ ТАСВИРЛАНГАН)

5 ПАРДА 6 КЎРИНИШЛИ МУЗИКАЛИ ДРАМА

* Аслида Ойниса от қўйилган бўлса ҳам биров Ойбону деган, биров Ойвони деб бузиб айтган. Сарой доираларида ҳақорат тарзида «Айвона» деб аталган. Ёмон лақаб яхши исми йўқотиб юбориши воқеий бир ҳолатдир.

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Ойбону — Халқ учун ғамхўрлик қилиб юрган ўрта ёшли, пахлавон хотин.

Диёр — Белкаш.

Искандар — Деворзан.

Қурбон — Ойбонунинг ўғли.

Мастон — Ойбонунинг қизи.

Холдор — Ойбонунинг қўлида тарбияланган чиройли йигит, кўзи кўр.

Мингбоши — Қўрғон ҳашарига саройдан тайинланган.

Азизбек — Парвоначи, амали билан келиб хонлик эълон қилган, фахтлиқ лўли.

Солиҳ Судур — Ҳам хонни, ҳам халқни алдаб юрган мунофиқ мулла.

Нодирбек — Азизбекдан яширин халқ фойдасини кузатиб юрган бир муфти.

Дониёр — Ўғил-қизларни ўғирловчи сарой исковичи.

Ислом — Чиёнхонани бошқариб турувчи.

Ҳожи она, Ҳожар хола — Ойбонунинг ҳамдамларидан

Нозимбек — Лашкар бошлиғи.

Одил понсод — Йигит бошлиғи.

Ясовуллар, жаллодлар, йигитлар, аълам, муфтилар, удайчи қизлар, хотинлар, ўғил болалар, кишилар, оломон.

Воқеа: 1843 йилдан 1846 йилгача Тошкентда ўтади.

Мутобиқ 1262—1265 ҳижрий.

¹ Тарихи жаҳид Туркистон, Тарихи Хамса, Туркистон тарихи, Тарихи Туркистон ҳам Қўрғон ҳашарида лой ташиб қатнашган Мўминжон Сўфидан олинган жонли маълумотларга асосан ёзилди.

БИРИНЧИ ПАРДА

Тошкент Тахтапул мавзуида кўрғон девори тагида бир майдон. Кўрғоннинг катта бир раҳнаси ишланаётир. Камбағал халққа кўрғон ҳашари эълон қилинган. Кечаси шу ерда ётиб қолганлар ҳам бор. Эрталаб тонг қоронғуси. Ташқаридан келувчилар бор. Музыка бошланади, парда очилади.

Х о р

Тонг яқинлашмоқдадир, кошки эди тонг отмаса,
Зулму ваҳшат итларини уйқудан уйғотмаса.
Гарчи халқ олғай қуёшдан баҳра, лекин розимиз
Чиқмаса, ёлғон илонлар бошини қўзғотмаса.
Хону беклар бизни қийнаб, ишрати топгай камол,
Айши тўлмас ошимизга ҳар дам оғу қотмаса.
Ит тинар, қушлар тинар, лекин тиним йўқ бизга ҳеч,
Бўлмагай Баҳром каби зулм аҳли ерга ботмаса.

Д и ё р

Оҳ қачон маҳв ўлур шу ранжу малол,
Камбағалга тириклик ўлди маҳол,
На кеча уйқуда ҳаловат бор,
Кундузи на тиним, на роҳат бор?!

На учун биз ҳамиша хору забун,
Ҳолбуки биз эмас эдик тутқин.

И с к а н д а р

Тонма айбингга элни йўқсулисан,
Хонни гўёки зархарид қулисан.

Б и р к и ш и

Бизга қўрғон ҳашар қилиб эълон,
Қанча одамни қилдилар қурбон.
Қанча дўстлар босилди девор аро,
Ҳаддимиз йўқ демакка чуну чаро.

Б и р к и ш и

Косиб элга солиб чаён солиғи,
Солди деҳқонлар узра дон солиғи,
Энди ифтор пули тўлаймиз эмиш.

Б и р к и ш и

Оч бўриларга айламакчи емиш.

И с к а н д а р

Жон бошига йигирма танга кумиш,
Жон пули деб солиғ тушар эмиш.
Букун эрта бўлар экан эълон,
Шўри қурган косиб билан деҳқон.

Б и р к и ш и

Йўқсул эл энди кимга бош уради?

И с к а н д а р

Чорасиз кўр бўлиб тўлай беради.

Бир киши

Мардикор бор унга қарам ўн жон,
Ҳар кун ўн пул топишлик унга гумон.
Қайдан у — шунча пул топиб тўлайди,
Ушбу ташвишда шубҳасиз ўлади.

Искандар

Камбағаллар қирилса хонга не ғам,
У кўпакларни бўлмагай мўйи ҳам.
Қиз чўри ҳам ўғулни қул қил, сот,
Солиғингни тўла, кейин тинч ёт.
Хонни ҳукми эмиш отилган ўқ,
Лому мим дерга кимсада ҳад йўқ.
Солиғ ўрнига берганинг чўри қул,
Хонга ҳадя ҳисобида ўтар ул.
Боқимонда бўлуб солиғ турадир,
Орта боргай, сени худо урадир.

Диёр

Худоёрхонга ёзсак арз ила дод,
Айламасми экан у бир имдод?

Искандар

Эй Диёр, қўй шу ёш бола сўзини,
Худоёр аввал эпласин ўзини.
Мусулмонқулга бир ўюнчикдир,
Аввало у — ўлимга лойиқдир.
Худоёр эси паст, дили кир ит,
Бу Азиз бачча иккови бир ит.

Музыка

Хор

Жафогар хонлар истибдоди ортиқ бўлди тоқатдан,
Иборатдир тириклик бизга афсусу надоматдан.

Томирда қолмади қон ҳеч, сарой аждарлари сўрди,
Улар кўнгли очилғай камбағалга жабру кулфатдан.
Илонларга биз этдик марҳамат, ҳозир бўлиб аждар
Сочиб ўт, элни ўртаб, завқ олурлар қатлу ғоратдан.
Туганди сабру бўлди иззату номусимиз барбод,
Қачон келгай замон бизга қутулмоққа бу ҳолатдан?

Қ у р б о н

Дўстларим келди зулм сўнг нафаси,
Парча-парча бўлур жафо қафаси.
Жуда кўп биз эзилганлар,
Хондан ўч олғали тизилганлар.

Б и р к и ш и

Тўпланиб биз нима қила оламиз?
Ҳамма куч хон қўлида, биз ожиз.

Қ у р б о н

Нима ҳам бўлса ноумид шайтон,
Ноумид бўлса хор ўлур инсон.
Чумоли бирлашиб йиқар филни,
Ғайрат этгувчи қирқ ёрар қилни.
Бизга шаҳар аҳли бари ёрдамчи,
Хон биза қарши дарёдан томчи.
Тугатайлик на бўлса кўрғон ишин,
Сўнгра бир ёқлик этгумиз хон ишин.
Ёвдан ўз юртини ҳимоя қилиш
Барчага фарзу қарз зарурий бир иш.

И с к а н д а р

Тўғри, ҳақ сўзни сўзлади Қурбон.

Б и р к и ш и

Нега хон айлади ҳашар эълон?

Қурбон

Керак эрмасми унга иззату шон
Кўрдиким халққа ортар обрў шараф?
Суюқланиб бурди нахс юзин бу тараф,
Кўрсатиб ўзни юрту халқпарвар,
Мақр ила бизга эълон этди ҳашар.
Кучи етканча айласин тадбир,
Мақри бирла қўшиб кўмармиз ахир.

Бир киши

Қийналур оч-ялонғоч аҳлу аёл,
Туну кун бизга бунда ранжу малол.

Музика

Қурбон

Жаҳонда хону беклар жабр ила даврон сурар токай?
Қадаҳга тўлдириб эл қонини ишрат қураар токай?
Келиб мавсумда боғ ичра макон эткан қузғун,
Заҳарли ел эсар гулшан аро қузғун юрар токай?
Жафогарлар букун умри баҳорин ўтказар қувноқ,
Хазон чоғин фалак фасли баҳор узра бурар токай?
Умидсизланма меҳру шафқат оламга эрур ҳоқим,
Жафо бунёди дунё узра мустаҳкам турар токай?
(Мастон қумғонда чой, Холдор бир дастурхон нон
кўтариб кирадилар)

Холдор

Ассалом, ҳормангиз ота, акалар.

Бир нечалар

Балли, бор бўл, илоҳи кўрма зарар.

Холдор

Тинчмисизлар?

Искандар

Қаёқда тинчланамиз?

Туну кун дарду ғам билан ёнамиз.

Холдор

Энди оз қолди бўлғунгиз озов,
Ранжу кулфатлар ўлғуси барбод.

Искандар

Нима гап? Ёки сизга бўлди аён?
Энди, сўзларди бу каби Қурбон.

Холдор

Элнинг оғзига тушса бир сўз агар,
Шубҳасиз у бориб нишонга тегар.
Гар шамол бўлмаса дарахт боши ҳеч
Қимир этмас дейдилар эртаю кеч.

Диёр

Яхши, Айвонахон онамиз бор,
Йўқ эса бизга дор эди тайёр.

Мастон

Балки хон айшга бўлган овора,
Тинчигандирлар бева бечора.

Диёр

Бўлмагунча сарой эли бир гўр,
Бизга бўлмас ҳаловат ила ҳузур.

(Ташқаридан мубошир овози эшитилади)

Музыка

Искандар

Ҳой, эҳтиёт ўл, тилингни сақла,
Эл-юртнинг ғазаби жони келди.
Эл жонини қийноғон гуноҳсиз,
Ўт панжали бир забони келди.
Қонлар ила қамчисин суғорган
Қаҳр ила ғазабни қони келди.
Қон ташнаси аждаҳо табиат
Хон ўрдасининг илони келди.

Қурбон

Дўстим сира хавф қилма, келсин
Ваҳшийга ўлим замони келди.
(Қурбоннинг сўнгги сўзи устига мубошир кириб келади.
Мастон, Холдор бир тарафга чекинадилар).

Мубошир

Нима сўзларни дерсан, эй боғи,
Кимни айтар эдинг ўлим чоғи?

Қурбон

Кимни айтқанлигим ўзинг биласан,
Беҳаёлик билан савол қиласан.

Мубошир

Шошма, Айвона ўгли — сен қурбон,
Жойлагайман сенинг терингга сомон.
Бажарай хоннинг амрини аввал,
Сўнг сенинг масалангни қилғум ҳал.
(Лой келтирилди. Мастон, Холдор чиқиб кетадилар)

М у б о ш и р

Мардикорлар қани тушинг ишга,
Қараманг фитна, ҳийла, миш-мишга.
(Искандар бел билан лой кесади, Диёр девор уради,
ҳамма турли ишда. Қурбон ўтирибди)

М у б о ш и р

Сен-чи? Тез тур, бориб лойингни кетир,
Онанг айтканми ишламасдан ўтир.
Хоннинг амрин бажаргали қилиб ор,
Қиладир қамчи зарби сенга хумор.

Қ у р б о н

Бир оз овқатланай, кейин бораман,
Ҳар нима топшириқ бўлур кўраман.
Корчалон кўзларинг бўлибдир кўр,
Хону беклар учун эмас-ку бу зўр.
Юртни ёв зарбидан ҳимоя қилиш.
Ҳаммага диний вазифа бу иш.

М у б о ш и р

Юрт қачон исён ила сақланадир,
Сени боғилиғингни ким тонодир.

Қ у р б о н

Нега лозим шу ёввойилиқ итоб,
Бир жаҳолат, бу хил заҳарли хитоб?
Айтмасанг ҳам вазифани биламан,
Буйруғинг ўйлашиб адо қиламан.

М у б о ш и р

Бошни оғритди бу жавобу савол,
Мана сенга вазифа, ҳақ, таниш, ол!
(Қурбонни қамчи билан уради. Қурбон қамчини тортиб
олади)

Қурбон

Мени нечун урурсан, эй ифлос?
Ваҳший золим!
(Мубоширға ҳужум қилади. Бир-икки қамчи уради)

Мубошир

Тутинг буни!
(Ясовуллар Қурбонга ҳужум қилиб йиқитадилар)
Бос!
(Қурбон девор тагига келтирилди. Ҳамма ишдан тўхтайд-
ди. Ғовур-ғувур)

Бос!
(Бир-икки кишини қамчи билан уради. Ғавғо кучаяди)

Музика

Диёр

Ҳақсизлиғу зулмингдан бўлуб эл бари безор,
Қон йиғладилар энди, қўй, эй ваҳший дилозор.
Лаънат унга ким қамчи бериб сен каби девга
Амр айлади инсон танидан қурғали девор.

Мубошир

Сен мардикор одам санадинг бу чоқ ўзингни,
Бўлдингми вали неъматингга қарши гуноҳкор?
(Диёрға қамчи солади. Искандар, бошқалар иш
ташлайдилар)

Хор

Торт қонли қўлинг, йўқсул, мазлум фуқародан,
Эй ахраман, эй қон қўлида сузғучи мурдор!

Диёр

Нега урдинг, мени чўлоқми дединг,
Биз ўлиб сен тирик қоларми эдинг?
(Қўлидаги бел билан мубоширни урди. Мубошир
йиқилди)

Ясовуллар

Ҳой ҳароми, қўлингни сақла гадо!
(Диёрга ҳужум қиладилар. Искандар, бошқалар Диёрни
мудофаа қиладилар)

Бир нечалар

Кетинг итлар, бас энди шунча жафо!
(Ғавго кучайиб турган пайтда Ойбону билан бирга
Ҳожи она ва Ҳожар хола келадилар)

Ойбону

Нима гап?

Мубошир

Уғлинг бепадар Қурбон,
Ҳам Ҳожар ўғли бу Диёр ҳайвон,
Иккиси фитна қўзғади бу замон,
Хонга қарши кўтардилар исён.
Эркалаб қанча айласам эҳсон,
Бу ҳўкизларга ёқмадим.

Искандар

Елғон!

Қилди Қурбон билән Диёрға ғазаб
Уни деворға босмоқ бұлди.

Ойбону

Сабаб?

Искандар

Бир оз овқатланай деди Қурбон,
Деди: Бу мардикор эмас инсон,
Учраса йўлда ер ўт ила ҳашак
Камбағал халқ эмиш хўкиз ва эшак.
Савади қамчи бирла Қурбонни,
Шунчалик қийнамайди ҳайвонни.
Дўсти Қурбонга раҳм қилди Диёр,
Ўзи қаҳру ғазабга бұлди дучор.

Ойбону

Мингбоши! Тўғрими гувоҳ, исбот?

Мубошир

Бўлмагай мардикорда зарра уят,
Нони жанжал эрур, оши иғво,
Очидан ўлгай этмаса ғаваҗо.
Сени шогирдларинг шу фитначилар
Хоннинг эрмас, сен айтканингни қилар.

Ҳожи она

Мингбоши, бўлма мунча тарбиясиз
Бас, етар, халқни шунча қийнадингиз!

Мубошир

Фитна кўзгошда битта сен кам эдинг,
Зурриёт кўрмадинг, эсингни единг.
Сенда йўқ на ўғил, на қиз авлод,
Нима ҳожат сенга шу фитна фасод?!
Ҳожи она

Ҳожи она

Биз ўғил-қиз учун емаймиз ғам,
Кутамиз мазлум эл учун ёрдам.
Биз учундир шу халқ тобуткаш,
Қиз-ўғил айлар ўз димоғини хуш.
Халқу тарих унутмагай бизни,
Қаҳру лаънатла ёд этар сизни.

Ойбону

Тўғри.

Мубошир

Бўлди, қўшилма, сен мочағар,

Ҳожи она

Мингбоши, тилни сақла, энди етар,

Мубошир

Шаллақилиққа сен-да берма ривож,
Хон сўзин ишламасга борми илож?
Бунинг ўғлига қўл урулгани йўқ,
У — қочиб кетди, келтирилгани йўқ.

Ойбону

Ёлғиз ўғлим эмас менга мақсад,
Кўрсатишдир шу мазлум элга мадад.

Минг ўғил бўлса халқ учун кечамиз,
Зулм занжирини узиб ечамиз.

Мубошир

Исён этмак экан сенинг тилагинг,
Эҳтиёт бўл, синар белинг, билагинг.
Кўрсатай осига на бўлса сазо,
(Қамчи кўтариб ўрмоқчи бўлди. Ойбону уни кўтариб
ерга уради)

Қутқаринг!

(Ясовуллар Ойбонуга ҳужум қиладилар)

Ойбону

Азаматлар, беринг буларга жазо!
(Ишчилар ясовулларга ҳужум қиладилар. Ясовуллар
қочадилар, ишчилар қувлаб кетадилар)

— ПАРДА —

II ПАРДА

Урда. Сарой ичкараси. Азизбек хонларга хос бўлган лавозиматни
тайёр қилиб, бек, аълам, муфти, аъёнлари билан ўтирибдир. Ха-
ёлга чўмган. Қайғу, ғазаб кўриниб туради. Музика. Парда очилади.

Азизбек

Оҳки бўлди менга зиндони асорат Тошканд,
Ёввойилар уяси, кони шарорат Тошканд.
Ҳеч хаёл этмас эдим бу каби ўт ичра қолай,
Энди билдимки эмиш лойиқи ғорат Тошканд.
Йўқ сарой ҳурмати ҳеч кимсада, гўеки эмиш,
Хазнаи фитнау жаёндан иборат Тошканд.
Кундузи қайғуда, оқшомлари хавф остидаман,
Оҳки бўлди менга зиндони асорат Тошканд.
(Ташқаридан салом хори эшитилади. Музика)

Хор

Шоҳо, бақойи умри ту бода ҳазор сол,
Иқбол дар паноҳи ту бода ҳазор сол
Соли ҳазор моҳу маҳи сад ҳазор рӯз
Рӯзи ҳазор соату соат ҳазор сол.

Солиҳ судур

Аъло ҳазрат, бу дарду қайғу нечун,
Зоти Олига содир ўлди букун?
Нима хотирларига этди хутур,
Бандалардан нечик кўрилди қусур?

Азизбек

Сўзлашардик Қўқонда биз ўз аро,
Ким эрур Тошканд аҳли юзи қаро.
Муттаҳам бош кесар эр ила аёл,
Доим исёну фитна фикру хаёл.
Уламолар чакакка банда эмиш,
Киши билмас сирин, газанда эмиш.
Ясовул, тунқотор, амир ила бек,
Ҳар бири билгай ўзни юрт хонидек,
Этилар эрди ҳар на сўзки баён,
Рост эмиш барчаси, кўрилди аён.
Сиз экансиз менга намакхўрлар,
Иш қилар фикрингизла нонкўрлар.
Яна ҳеч нарса кўрмаган бўласиз,
Қайғу ташвишларим савол қиласиз.

Солиҳ судур

Зоти олига ҳиммат ила кўмак,
Бизга диний вазифа, олий тилак.

А з и з б е к

Фитнада эл билан режа қурасиз,
Ҳар нечик сир ўтар, билиб турасиз.
Кеча Айвона фитна масаласи,
Мингбошимиз билан муомаласи.
Сизга бир зарра айламайди асар,
Чунки ҳамфикрингиз у каллакесар.

Н о д и р б е к о х у н

Мингбоши, балки сочган элга ғазаб,
Ўзи бўлгандир ушбу ҳолга сабаб.

А з и з б е к

Сизки шундай десангиз эл на қилур,
Душманона босиб саройга келур.

Н о д и р б е к о х у н

Қатъий бир фикр эмас на сўзки дедим,
Балки шундаймикан деб айткан эдим.
Эл қаро ҳар на бўлса қобили арз,
Зоти олийга билдириш биза фарз.

С о л и ҳ с у д у р

Сўзингиз бирла бизга ортди гумон,
Дердилар бош сиз осийларга томон.
Биз ишонмас эдик очилди бу сир,
Тилингиздан илиндингиз-ку ахир.

Б и р н е ч а л а р

Тўғри, биз ҳам бу хил эшитган эдик.
Айткали муфтидан уяткан эдик.

Бир нечалар

Нега тухматни тўғри деб биласиз,
Ҳам охун домлага ҳужум қиласиз?
Судур ўз айбини яширмақ учун
Сарф қилмоқда барча ҳийла кучин.

Нодирбек охун

Хону халқ ўртасин бузиб юрасиз,
Кунда минг макру шайтанат қурасиз.
Қай тараф ғолиб ўлса сиз у тараф,
Ҳам мунофиқлик ўлди сизга шараф.

Солиҳ судур

Бари ноҳақ ҳужум, бу фитна фасод,
Бу Охун кўрдиким бозори касод.
Очилиб қолди макру ҳийлалари,
Қолмади оқланиш василалари.
Жонини қутқариш учун уринур.
Энди вақт ўтди, фойдасиз сурунур.

Абдирахим Аълам

Бас Судур, тушманг энди талвасага,
Йўл тополмайсиз энди васвасага.
Шаллақилиқ қилишга бошладингиз,
Қорангизни бировга ташладингиз.

Рауф маҳдум

Жаҳдингиз бирла Тошканд аҳли ёмон,
Юз тутибдир шаҳар хароба томон.
Сиз ҳамон тухмат ила макр изида,
Қолмағой бир ҳариф жаҳон юзида.
Бу Охун домла янглиғ зоти шариф,

Кўринур сиз учун ягона ҳариф.
Бу киши гўё сиррингиз биладир,
Буни хон олдида баён қиладир.
Кўрқдингиз, шубҳа бирла битди чидам,
Кўйдингиз шайтонат йўлига қадам.

Солиҳ судур

Лонусаллам бу сўзга ҳар на дедим,
Эл сўзига биноан айткан эдим.
(Удайчи киради. Музокара тўхтади)

А з и з б е к

Хўш?

У д а й ч и

Одил понсод келди кирмак учун,
Рухсатингизга мунтазир...

А з и з б е к

Кирсин!
(Удайчи чиқади. Одил Ойбону билан киради. Таъзим
қилади. Ойбону такаббуруна)

А з и з б е к

Ким бу?

О д и л п о н с о д

Хон истаганлари шу.

А з и з б е к

Ҳали
Оси Айвона шу десанг-чи?

О дил понсод

Балли

А з и з б е к

Хўш, эй Айвона, бу нечик ғалаён,
Ёки қилмоқчисан кучингни аён?
Нега бизга мудом зарар кутасан.
Юртни бир аждаҳо бўлиб ютасан?
Ё берилди тасарруфинга жаҳон
Хўш, нима мақсадинг бор, айла баён?

Музыка

О й б о н у

Вой демас ҳеч кимса бағри дард ила қон бўлмаса,
Одам эрмас келса қўлдан дардга дармон бўлмаса.
Бир масал бордирки: «Қўшнинг тинч, сен тинч»,—
дейдилар,
Бўлмагай то зулмидан золим пушаймон бўлмаса.
Зулм эли дунёни айларди қачонлар тор-мор,
Дамба-дам золимга қарши бундай исён бўлмаса.
Косибу деҳқон тэланди ҳам тириклик бўлди танг,
Ким берур эрди сенга бир донни деҳқон бўлмаса.

Музыка ўзгаради.

А з и з б е к

Хиёнат аҳлига мансаб эли бало кўринур,
Яна шу фитначилар халққа раҳнамо кўринур.
Кимки шарму ҳаёу диёнати йўқ унинг,
Фасоду фитна унга тоати худо кўринур.

Солиҳ судур

Кишики ақли кам одобу хулқу фикри бузук,
Унинг кўзига қачон шарм ила ҳаё кўринур.

Судурчилар

Бу паст халқ иши беҳуда қўзғолон доим,
Булар касофатидин тўғрилар хато кўринур.

Ойбону

Ўғрилар сурди бунда айшу ҳузур,
Эл ҳисобига кайфу базму сурур.
Қийналиб қаҳру жабр ила фуқаро
Босилурлар кесакча девор аро.
Косиб ўз молига бўлолмас эга,
Бўлди даллолга эҳтиёжи нега!
Сиз сўрайсиз закоту харжу хирож,
Тўламасдан қутулгали йўқ илож.
Кечирар деҳқон энг заҳарли ҳаёт,
Солиниб шоҳи ўлпон, ушр, закот,
Қила олмай солиғни ҳечким адо,
Шу сабаб бирла ортди юртда гадо.
Соҳиби мансаб ўлди қузғунлар
Олди исломчи номини бузғунлар.
Дод деган кўп, эшиткучи сира йўқ,
Додраслар таловчилик ила тўқ.
Амалинггиз натижасин кўрасиз,
Нимаким экдинггиз уни ўрасиз.

Азизбек

Бас, тилингни тий аҳмоқ!

Солиҳ судур

Озроқ уял!
Дин шариатга ҳам бир айла амал,
Сенга шаръи вазифа уйга кириш,
Бир савам пахта бирла чарх йигириш.

Ойбону

Кийдирарсиз бекорчи сўзга либос,
Қай ишингиз шариат амрига мос?
Боболар дер: «Балиқ чирур бошидан»,
Завқингиз ортар элнинг кўз ёшидан.
Қани инсоф, қани диёнатингиз?
Камбағалларга хос хиёнатингиз!
Ё косиблар кўмакчисиз биласиз,
Шаҳри бедарвоза гумон қиласиз.
У замон ўтди халқ кўмакчисиз эмас,
Мана мен бор кўмакчи...

Азизбек

Вайсама, бас!

Ойбону

Этсалар қўлларимни макр ила банд,
Сола билмас тилимга кимса каманд.

Азизбек

Эттирурман бу чоқ бошингни жудо.

Ойбону

Қиламан халққа бошу жонни фидо,
Ҳар на беҳуда буйруғинг эса қил,
Афвинг истаб ялинмадим, шуни бил!
Неча йил берди менга муҳлат ажал
Деди: «Қил золим аҳли корини ҳал!»
Ҳали золим тирик, менга йўқ ўлим,
Узатилган қасос олишга қўлим,
Халқу ўғлим, эрим учун оламан,
Бошингга ит азобини соламан.

Солиҳ судур

Бас!

Азизбек

Удайчи!

Бир киши

Удайчи!

Удайчи

Ҳозирман.

Азизбек

Қани жаллод, чиқиб қақир тездан.
(Удайчи таъзим қилиб чиқиб кетади)

Солиҳ судур

Узр эт Айвона, йўқ эса ўласан,
Сенга ҳозирланур гўр ила кафан.

Музыка

Ойбону

Уят, уят менга зулм аҳлидан ибо қилсам,
Яшаш умидила номусни хокипо қилсам.
Менга вазифа, ўқитмоққа ҳожатим йўқ ҳеч,
Будир тилак менга, золимни ерга жо қилсам.
Белимни боғладим эл хизматига мардона,
Нечик шараф менга эл дардига даво қилсам.
Шу хону бекни жаҳондан кўтармак осондир,
Ки халқ мен иладир тўпланур нидо қилсам.
Кишики душманига ёлворур у одам эмас,

Мен ул эмаски ситамгарга илтижо қилсам.
(Жаллод кириб таъзим қилади)

Жаллод

Олий фармонингизга кўз тутаман,
Кимга етмиш ажал бажо этаман.

Азизбек

Мана бу лойиқа азобу жазо.

Ойбону

Майли, мен халқ учун ўлишга ризо.

Азизбек

Шаръу дин буйруғин бажо қиламан.

Ойбону

Нега мен сенга илтижо қиламан?
Қўйдим ул чоқки мен бу йўлга қадам,
Ўйлаганман қийин азобин ҳам.
Гоҳ тубан, гоҳи устун олам иши,
Бунга алданмағой ақлли киши.
Бўлди уч йил сенинг қўлинг юқори,
Оёқ ости қилинди халқ бори.
Билур эрдинг ўзингни бир нара шер,
Халқ гўё мушук қўлингда асир.
Давр сурдинг эл узра бе каму кўст,
Давр мажнун гузашт навбати мост.

Солиҳ судур

Олий ҳазрат, ажабки сабр этасиз,
Бунинг ифвосига қулоқ тутасиз.
Бердингиз бунга сўзлагунча амон,

Биз эсак ўлдирардик алла замон.
Билмагай яхшилиқни бу ўғри.
Тугатинг тезда умрини.

Бир нечалар

Тўғри.

Азизбек

Бор, кетир, тез таёқ билан терини.

Бир киши

(кулиб) Ушбу йўлдан бориб топар эрини.

Азизбек

Хўш, Охун домла сизча ҳукм қалай?

Нодирбек охун

Мен ҳам ўз фикримни орага солай,

Кечириш қудрат аҳли мевасидир,

Сахий улдурки, афв шевасидир.

Сиз бу ерда буни жазолатасиз,

Бир хотиннинг гуноҳига ботасиз.

Буни зиндон этилса яхши бўлар

Тегмас эркак қўли у ерда ўлар.

Бир нечалар

Орий, шаръан Охунни фикри савоб,

Энди ҳожат эмас саволу жавоб.

Жаллод

Нима фармон қилурсиз?

Нодирбек охун

Масала ҳал.

Солиҳ судур

(истеҳзоли) Ҳлдириш бўлди ҳабс этишга бадал,
Хонимиз ҳукми бир ўйинчиқдир,
Бузилиш, ўзгаришга лойиқдир.

А з и з б е к

Йўқ, ўз амримда мустақил тураман,
Юртни ҳам ост-устига келтираман.
Майли бўлсин отам-онам менга бир,
Ҳукмим олдида бир чўри бир асир.
Терига жойла икки юз таёқ ур

Ж а л л о д

Буйруғингиз бош устига (Ойбонуни ушламоқчи бўлади)

О й б о н у

Нари тур! (қўлини бўшатади, Азизбекка қараб
югуради)

Сендан аввал қилай бу ўлкани пок,
Майли сўнг соғ қолай ва ёки ҳалок.

А з и з б е к

Қўймангиз ҳой, тутинг... Одил понсод!

О й б о н у

На қиларди Одил билан жаллод?
(Азизбек қочиб кетади. Солиҳ судур Ойбону ёнига
келади)

Солиҳ судур

Хонга ҳам ҳайбатингиз ўлди аён,
Каму кўстин этармиз унга баён.
Онам, эй халқни меҳрибон онаси,
Кетмагингиз талаб этар хонаси.

Ойбону

Бас, мунофиқлик этманг энди судур,
Бир — ҳалол луқма сизгагина қудур.
Хонни иғволар ила қистадингиз.
Мени тез ўлдиришни истадингиз.
Қолмағайсиз бу сўзла мендан омон.
(Судур Ойбонуни бир чекага олиб боради)

Солиҳ судур

Йўқ онам, айламанг бу хилда хитоб,
Ноўрин мен учун шу қаҳру итоб.
Йўл эди, сизга қарши ҳар на дедим,
Ҳукми бузмак истаб айтган эдим.
Сизни ҳукм айлади ўлимга ахир,
Уни ўзгартучи ким эрди? Фақир.
Сизга мен доимо кўмак қиламан,
Унутибсиз кўмакларим.

Ойбону

Биламан.

Солиҳ судур

Билсангиз яхши, энди тезда жўнанг,
Маслаҳат шундайдир, сўзимга унанг.
Ташқарида сиз ишланг, ўрдада биз,
Йиқамиз зулм уйини.

Ойбону

Хўб, кўрамиз.
(Ойбону кетади, Азизбек киради, тахтга ўтиради)

Азизбек

Мочахар ёввойи қани?

Солиҳ судур

Кетди.

Энди у — уйга бориб етди.

Азизбек

Нега бўш қўйдингиз уни?

Солиҳ судур

Негамиз?

Кучли девнинг йўлини нечик тутамиз,
Уйдан уйқу чоғи бостирингиз,
Келтиринг, сўзга тутмай остирингиз.

Азизбек

Чақирилсин, қани Одил понсод?
Барча ташвишга боис у бадзод.
Нега бўш боғлағон унинг қўлини,
Кўзлагандир қочиб кетиш йўлини?
Келтирилсин Одил ҳўкизни бу он,
Ўлдирилсин!

Солиҳ судур

Ошиқмасинлар хон!
Узди Айвона қўллари бандин,
Хазначи берган ипни бе пандин.

Азизбек

Билдим, айбдор хазиначи ўғри,
Ўлдирилсин!

Солиҳ судур

Бу ҳукм нотўғри,
Гуноҳ ипни ясовчида.

А з и з б е к

Кетиринг!

Аввал унга йигирма дарра уринг.

Сўнгра танбеҳ бериб у мурдорга,

Элга ибрат қилиб осинг дорга.

(Дониёр киради, ўзларига хос ишорат қилади. Азизбек
аъёнга рухсат беради)

А з и з б е к

Гапир!

Д о н и ё р

Айвонанинг қизи бор экан,

Бир ажаб нозанин гунча даҳан.

Оти Мастону кўзлари чала маст,

Берадир ҳусни ҳур парига шикаст.

Кўрсангиз қадди худди гулдаста,

Тўлин ой юзли қадди гулдаста.

Қора сочлари тоқимда, кўзи хумор,

Хуллас у ишқ хастасига тумор.

А з и з б е к

Жуда ҳам мақтадинг кетирчи кўрай,

Рост дедингми?

Д о н и ё р

Бош устига кетирай (кетади)

А з и з б е к

Мана энди учинчи зарба инар,

Балки Айвона энди бели синар.

— П А Р Д А —

III ПАРДА

Ойбонунинг уйи. Мاستон ўчоқ олдида қумғон осиб ўт ёқиб
ўтирибди. Холдор айвонда яроғлар оқлаётир.

Музика. Парда очилади.

Холдор

Бенавоман заҳри ғам ҳар лаҳза ком ўлмиш менга,
Тонг билан тунларни фарқ этмак ҳаром ўлмиш менга.

Боғу бўстон дерлар аммо, мен кўришдан бенашиб,
Англамайманким нечик ерлар мақом ўлмиш менга.

Меҳрибонимнинг юзин кўрмак тиларман доимо,
Бу каби олий тилак савдойи хом ўлмиш менга.

Мен ҳам истардимки сайри боғи гулзор айласам,
Найлайн бебахтлик занжири дом ўлмиш менга.

Бу каби ранжли умр сурмакми дунё лаззати?
Ҳеч керакмас бу ҳаёт акси ҳаром ўлмиш менга.

Мастон

Дўст, бали!

Холдор

Мастоной, шу ердамисан?

Мастон

Сизни ташлаб қаерга ҳам бораман?

Х о л д о р

Сени мен кўшниларга чиқди дедим.

М а с т о н

Сизга чой қайнатиб ўтирган эдим.

Х о л д о р

Мундоқроқ кел, нега қочиб турасан?

М а с т о н

Бундан ортиқ қаерда ўлтираман?
Тиззангизга чиқайми?..

Х о л д о р

Нетар?

М а с т о н

Уят, эл ҳам эшитса таъна этар.

Х о л д о р

Сени тиззамда доим эркаладим,
Меҳру шафқатла бош юзинг силадим.

М а с т о н

Ёш эдим бир мушукча эрди таним,
Бешику тизза эрди истаганим.
Ҳам у чоқда эдим ниҳол новда,
Эндичи, бир ландаҳур кўпол гавда.

Х о л д о р

Майли қандай кўринсанг ўз кўзингга,
Боқ менинг кўзларим билан ўзингга.

М а с т о н

Ҳамма нарса у дам расо кўринар,
Ёки ёлғизгина асо кўринар.

Х о л д о р

Нима ҳожат шу ҳазлу чин аралаш
Бу заиф бенавони масхаралаш.

М а с т о н

Хўш, мени сиз на деб гумон қиласиз?
Фикрингизча мени на деб биласиз?

Х о л д о р

Сенми? Дил дардига улўғ дармон.
Сенми? Сөвгига бергучи фармон,
Сенми? Ҳар нотавон заифга мадор,
Сенми? Вайрон кўнгилга сабру қарор.
Сен — ҳаёл шоҳи, ақл менга асир,
Сен — кўнгил тахтида севиқли амир.
Сенми?— Бу марҳаматли марҳамижон.
Сенми? Бир сир каби кўнгилда ниҳон,
Сенми? Ошиқнинг оташин сўзисан,
Қилсалар жон фидо у жон ўзисан (йиғлайди)

М а с т о н

Йиғлаяпсиз-а, вой қўйинг...

Х о л д о р

Нетайин!

Токай ўз дардимни ниҳон тутайин?
Ўйлама кўзи кўр қилур шунча ғам,
Севги урган юракка тиғи ситам.

Кўзларимга жаҳону боғи ниҳон,
Дардли кўнглимга севги доғи ниҳон.

Музыка

М а с т о н

Умид йўқ эрди бўлур бахт ваҳшиси ромим,
Кечарди ваҳму хаёл ила тийра оқшомим.
Мисоли зарра йўқолмишди сабру оромим,
Етишмас эрди нигоримга ғамли пайғомим,
Тилак майила тўла келди навбати жомим.

Кўринди менга қабули дуоларимдан асар,
Юритди ҳукмини раъйим каби қазоу қадар.
Мувофиқ ўлди менга ишқ аро гўзал дилбар,
Кўнгиллар ўлди мусаффо, тугалди ранжу қадар,
Муяссар ўлди фалакдан менга улуғ комим.

Х о л д о р

Завқу шавқ бўлмас эрди сенга писанд,
Нега бўлдинг ўзингда йўқ хурсанд?

М а с т о н

Чунки бўлди мувофиқ икки юрак,
Чунки бўлди муяссар олий тилак.
«Дил-бадил ойна» — улуғ масали,
Бизга кўрсатди ўз кучин амали.
Тилагимдир ҳамиша суҳбатингиз,
Туну кун эрмагим муҳаббатингиз.

Х о л д о р

Ростми, Мастон?

М а с т о н

Улай, аниқ бу сўзим.
Доимо сизга банд хаёлу кўзим.

Х о л д о р

Бекор айтибсиз Мастоной.

М а с т о н

На учун?

Х о л д о р

Чунки бир бенаво ғарибу забун,
Емак-ичмак заволи жонли кесак
Бедавонинг вужуди кимга керак?

М а с т о н

Шу яроғларни тозалаш ила сиз
Халқ учун энг улуғ кўмак қиласиз.
Мени ул куни чақмиш эрди чиён,
Сизгина шафқат айладингиз аён.
Ҳам сўриб олдингиз чиён заҳарин
Боғладим сизга чўрилиқ камарин.

Х о л д о р

Кўзим олди бўлакка берди худо,
Ихтиёримдан ишқинг этди жудо.
Қолди бу жон фақат амонат у ҳам,
Ол уни менга ҳарна даҳмаза кам.

Музика

Мен найлайн бермай ризо билсамки ёр ўлтурғуси,
Лойиқ кўриб жабру изо беихтиёр ўлтурғуси.

Йилларки мен ожиз фақир, ғам илгида эрдим асир,
Бир меҳрибоним ҳам ахир бегонавор ўлтурғуси.

Ҳолимни сўрмас ҳеч киши, бошимда дунё ташвиши,
Билдимки дўстим хоҳиши мен қулни зор ўлтурғуси.

Дўст ким кулар мендан бу чоқ, бегона урмасми пичоқ,
Ё икков айлаб иттифоқ қоним нисор ўлтурғуси.

Музыка

М а с т о н

Дил дардин айлар ошиқ дилдорига ҳикоя,
Ғар ортса ёр итоби кимга қилур шикоя.
Ғам тутқунига ҳечким қилмас экан риюя,
Ортмоқда ранжу кулфат жонимга бениҳоя,
Қийналмоқ эрди гўё ишқ ичра қасду ғоя.
Парвосиз ўлди ёрим тинмас фалак жафодан,
Дўстим оғизни очмас ҳеч меҳр ила вафодан.
Бегонадан зиёда дард тортдим ошинодан,
Бағрим жароҳатига топмай асар даводан,
Ҳар лаҳза ёрим айлар минг захрли киноя.
(Дониёр икки йигит билан киради. Мастон Холдор пин-
жиги суқулади, қўшни девордан бир бош кўришиб
туради)

Д о н и ё р

(йигитларга) Балли, Мардон беғу Олим дарға
Бердилар паст баҳо бу дилдорға.
(Шилқимлик билан Мастонга яқин келади, кулимсираб)
Марҳамат айла нозанин.

М а с т о н

Қайга?

Д о н и ё р

Бошламаймиз сени ёмон жойга,
Мана ҳозир бориб ўзинг кўрасан,
Бизга раҳмат ўқиб дуо қиласан.

М а с т о н

Йўқ...!

Д о н и ё р

Ўжарлик берар ўзингга зарар,
Уйда қолдинг етар бу кунга қадар.
Энди бўл, тийра кулбамизга чароғ,
Ҳамма айлар бу хилда жойни сўроғ.
Таклифимга итоатинг кутаман,
Йўқ десанг зўр билан олиб кетаман.

Х о л д о р

Ким булар, Мастон?

М а с т о н

Одам овчилари,
Танийман ажал совчилари.

Д о н и ё р

Олингиз!

М а с т о н

Ҳаддан ошмангиз жуда ҳам,
Тортадирсиз бекорга ранжу алам.

Д о н и ё р

Олингиз, ҳой нега қараб турасиз?
Нега ҳукмимга қарши юз бурасиз?
(Йигитлар Мастонга ҳужум қиладилар. Мастон сўз бер-
майди. Бир йигитни уриб йиқитади. Дониёрнинг ёрдами
билан Мастон тутилади).

М а с т о н

Ака, Холдор ака, кўмак этингиз!

Холдор

Акалар, сийлаи раҳм тутингиз,
Қўйингиз, Мاستонимга берманг азоб,
Қўймангиз менга доғу ҳоли хароб.

(Уйда тимискилаб юриб Дониёрга дуч келиб ушлайди)
Жон ака, раҳм этинг!

Дониёр

Йўқол, шум кўр!

Иш кўролмас на илтимосу на зўр.

(Холдорни қамчи билан уради. Холдор Дониёрни кучоқ-
лаб ерга уриб босади).

Дониёр

Қутқаринг ҳой менга кўмак берингиз.

Йигитлар

Ҳой Абужаҳл кўр.

(Холдорга ёпишадилар. Зўр бериб тортадилар)

Холдор

Нари турингиз.

Йигитларга ҳужум қилади. Дониёр ўрнидан туради.
Қамчи билан Холдорнинг бошига уради. Холдор боши
ёрилиб йиқилади. Мастонни олиб кетадилар. Девордан
қараб турган бош йўқолади. Ризвон хола киради. Хол-
дорни суяйди. Рўмол хўллаб Холдорнинг юзидаги қон-
ларни артади. Холдор ҳушига келади).

Холдор

Мастоной сенмисан бу?

Ризвон

Мен Ризвон.

Уни ўғрилар элти.

Х о л д о р

Оҳ Мастон!

Билдингизми хола, улар ким экан?

Р и з в о н

Билмадим, кимки бўлса золим экан.

Худди бир ўт каби тутар эдилар,

Юртни аждар бўлиб ютар эдилар,

Шукр қил, сабрсизлик этма бола.

Х о л д о р

Шукр этай? Кимга шукр? Кимга хола?

Шукр этайми шу ғамли ҳолимга,

Ёки жон қийнағувчи золимга?

Ё қилайми худога шукр баён?

Чунки қилди зўр илтифотин аён.

Қилди зулм аҳлининг кўзин равшан,

Аяди битта кўзни ҳам мендан.

Ёки Мастонни элтдилар шу учун,

Ўғриларга шукр қилайми бу кун?

Энди ҳолимга боқувчи киши йўқ,

Хоҳ ўлай, хоҳ қолай, биров иши йўқ.

На керак менга бу заҳарли ҳаёт?

Жона жон бўлди душман илгида мот.

Музика

Элтдилар жононни мен энди бу жонни найлайн,

Шунча ғам ичра ҳаётини жовидонни найлайн.

Мен жаҳону жонни истардим фақат Мастон учун,

Бўлмагач гулшанда ул гул, гулистонни найлайн?

Ҳасратим ҳаддан фузун йўқ энди бир ҳасраткашим

Бас амонат тил учида меҳрибонни найлайн?

Захрили ништар бўлур ширин насихатлар менга
Шундай ўлгач бу каби бори гаронни найлайн?

(Олим дарға киради. Воқеани кўриб ҳайрон бўлиб
қолади).

О л и м

Нима гап? Мастоной қани? Бу не ҳол?

Р и з в о н

Ўғрилар элтдилар.

О л и м

Бу тушми, ё хаёл?

Худди бу Мардон ит хиёнатидир,

У бутун элни бедиёнатидир.

Ўчакишган менга у ит боласи

Деву шайтон унинг улуғ холаси.

Анбиё, авлиё, худога қасам

Итман ул итни қатл айламасам.

Мени этдинг бу хилда саргардон,

Қайға қочдинг, эй муттаҳам Мардон!

(Бақириб турган пайтда Мардонбек киради, ҳайрон
бўлади)

М а р д о н

Нима гап дарға, мунча қичқирасиз?

Нега бундай ғазабланиб турасиз?

Нима бўлди, жаҳонга ўт сочасиз?

Қани Мастон?

О л и м

Уни олиб қочасиз,

Яна Мастоң қани деган бу савол
Кишига келтирар ғазаб ва малол.

Мардон

Дарға, бир нарса бўлдими сизга
Бир бало бўлдими кўзингизга?
Нега лозим бу хилда тухмат этиш,
Яхшимас шунчалик хатога кетиш.
Хўш, нега бундай ўғрилиқ қиламан?
Менга айёрлиқ этдингиз, биламан.
Мени ғофил қўйиб келиб эдингиз,
Мана таъзирингизни хўб эдингиз.
Сизни овора қилди бахти забун
Додланг ўз бахтсизлигингиз учун.

Олим

Яна ҳам бахтсизроқ сиз ўзингиз,
Сизга мос бахтсиз деган сўзингиз,
Сизни ҳам бўлди бахтингиз маълум.

Мардон

Иккимиз бахтсиз, иккимиз маҳрум (кетадилар)

Холдор

Хола, кимдир булар?

Ризвон

Икки жаллод:
Энди бўлди бир овга уч сайёд
Келди бир гул учун икки қарға,
Бири Мардон, бири Олим дарға.
Иккови ҳам саройнинг итларидан,
Иккови Мастонойга келган экан.
(Шу вақт Ойбону ғазабланган ҳолда кириб келади)

Ойбону

Нима гап?

Ризвон

Келдилар қиз ўғрилари,
Қолди Холдорда ўғрилар асари.

Холдор

Она, дод ўғрилар дастидан, онажон!
Элтди Мастонни.

Ойбону

А, қаёққа? Қачон?
Ким экан?

Холдор

Кўрмасам нечик биламан.

Ризвон

Сарой одамлари гумон қиламан.

Ойбону

Йўқ, йўқ, ортиқ туганди сабру мажол,
Мени маҳв айлагай шу ранжу малол.
Ҳар томонга одам югуртираман,
Ўғриларнинг уйига ўт ураман.

(Ғазаб билан ташқарига чиқиб шовқин солади)

Эй мусулмонлар, эй аламзадалар,
Зулму ҳақсизлиқ ила ғамзадалар,
Ҳой етимлар, ота-ака йиғилинг,
Она, сингилларим, кўмакка келинг.
— Нима бўлди?

— На қилди?

— Хўш, нима ҳол?

(Ҳожи она, Ҳожар хола, эркак, аёллар кирадилар)

Ҳ о ж и о н а

Яна, Ойбону, бу на ранжу малол?

Ҳ о ж а р х о л а

Яна кимдан етишди сенга алам.

(Искандар, Диёр ва бошқалар кирадилар)

И с к а н д а р

Нима бўлди хола?

Д и ё р

Яна нима ғам?

Музика

О й б о н у

Фалаклар ўртанадир дарди дил баён этсам,

Юракни парчалагай дардимни ниҳон этсам.

Мени қувиб юрадир ҳар нафасда ўзга ситам,

Тушар бошимга наким ваҳм этиб гумон этсам.

Қаерга юз тутушимни билолмайин қолдим,

Хато кетар тилагим ўрнини нишон этсам.

Етишди менга бу дам ҳеч кутилмаган бир ғам,

Равоми бу ғам учун тарки хонумон этсам.

Кўмак этинг шу қаро кунда мен аламзадага

Ажабланиш ери йўқ *ўз ёшимни қон этсам.

И с к а н д а р

Бир сабаб борми?

Р и з в о н

Элтдилар қизни.

Ҳ о ж и, Ҳ о ж а р

Ким? Қаерга?

Р и з в о н

Билувчи йўқ изини.

Ҳ о ж и о н а

Юбориш лозим ҳар томонга чопар,
Балки излаб бу ўғриларни топар.

Б и р н е ч а л а р

Тўғри.

Б и р н е ч а л а р

Энг яхши маслаҳат шу

Ҳ о ж и о н а

Диёр!

Сен югур тезда Себзор устига бор,
Сен, эй Искандар ўғлим, Кўкча томон.
Файзи, Шайхантаурга бор, сен Омон
Бешёғочга. (Тўрт киши ажралди)

Т ў р т к и ш и

Дуо қилинг, кетамиз.

Ҳ о ж и о н а

Борингиз, тангридан зафар кутамиз. (Улар кетдилар)
Қани ким ўрдадан кетирди хабар?

Р и з в о н

Мен борурман ижозат ўлса агар.

Х о л д о р

Рухсат айланг борай холам ила ман.

Р и з в о н

Майли, борсин, саройда важ қиламан.

Буни гўё табибга кўрсатаман,

Ҳеч кими йўқ етим деб арз этаман,

Қилмагай бизга токи кимса гумон.

Ҳ о ж и, Ҳ о ж а р

Борингиз, қайтингиз эсону омон.

(Ризвон хола Холдорни етаклаб чиқиб кетади)

Ҳ о ж и о н а

Сиз жамоат, боринг яроғланингиз,

Тонг отарда бу ерга тўпланингиз.

Эрталаб тўғри ўрдага юрамиз,

Зулм кони саройга ўт урамиз.

Тўрт даҳа халқи эртага келади,

Хонга қарши улуғ ғазот бўлади.

Топмагай энди зулм аҳли халос,

Оламиз барча зулму жабрларга қасос.

Б и р т ў д а

Қонга қон!

Б и р т ў д а

Жонга жон!

Б и р т ў д а

Интиқом!

Ҳ а м м а

Қасос!!!

— П А Р Д А —

IV ПАРДА

Сарой ҳарамхонаси. Бир қанча қизлар, ҳаммаси қайғуда. Улфат Раъноларнинг шикоятли хониши бошланади. Музыка

Ашула

Йиқил эй чор девор, қўйнингда зору нотавонлармиз,
Чекил, эй пардалар, соянгда ранги арғувонлармиз.

Парда очилади

Улфат ва Раъно

Ота, мушфиқ онадан айри бир ҳайвон каби тутқун
Тушиб ёру биродардан узоқда бағри қонлармиз.
Жудо, эрку севинчлардан, тирик тушган мазор ичра,
Кўмак ҳам мумкин ўлмас ғам деворида сомонлармиз.
Уйилгай эрди қон босқон кўзи зулму азоб аҳлин
Уларнинг жабрин ўйлаб бунда аҳволи туманлармиз.
Бизи ранжитма эй инсон қонин ичгувчи, йиртқичлар
Ки биз ҳам тинч ҳаёт, роҳат талаб қилгувчи
жонлармиз.

Сарвар

Қўйинг Улфатниса бу жабру ситам,
Тинкасини қуритди ҳамманинг ҳам.
Биз учун камбағаллик ўлди гуноҳ,
Кутган озоримизни хону сипоҳ.
Камбағаллар туман-туман ўладир,
Шу билан хонлар ишрати тўладир.

Дилором

Сўзингиз жуда тўғри Сарвар опа,
Ҳақлисиз ҳар нечик бўлишга хафа.
Фойдасиз бу замон надоматингиз,
Шу саройда бўлур қиёматингиз.

Улфат

Нега биз қиз бўлиб туғилдик экан,
Кошки бўлгай эдик заҳарли тикон.
Нима кўрсак жаҳоннинг офатидин
Бўлди Ризвон хола касофатидин.
Тикди ҳар ерда шайтанат туғини,
Қанчаларнинг қуритди ёстуғини.
Ўзини сўфийий замона қилиб,
Кезар элда намоз баҳона қилиб.
Ҳар бир уйга кириб қиз ахтарадир,
Хабарин ўрдага олиб борадир.
Юборурлар неча йигит у замон,
Этилур қизни қийнаб ўрда томон.

Сарвар

Менга эркак киши бориб эди-ку,

Улфат

Мулла Дониёр деган бир искавич у.
Айламиш тавба Ризвон ўз ишидан,
Элу юрт роҳат ўлди ташвишидан.
Ўрнига Дониёр отли бир кишини,
Қўйдилар элни қийнамоқ ишини.

Зайнаб

Мулла Дониёр букун йирик ови бор,

Раъно

Яна ким шўрлиқ ўлди бунга дучор?

У л ф а т

Танидингизми?

З а й н а б

Ҳа.

У л ф а т

Ким экан у қиз?

Р а њ н о

Ким экан?

С а р в а р

Ким-у?

З а й н а б

Ҳаммангиз биласиз.

(Шу вақт Ризвон хола Холдор билан киради)

Р и з в о н

Соғмисиз қизларим?

У л ф а т

Қаерда қизинг!

Р а њ н о

Йўқолиб эрди-ку, бу ердан изинг.

Р и з в о н

Нима дейсан, қизим?

У л ф а т, Р а њ н о

Қизим демагин,

Ор этармиз, бас, энди алжимагин,

Бизни сен айладинг балога дучор,
Сенда йўқ заррача ҳаё ила ор.

Р и з в о н

Рост қизим, мендан ўтди катта хато,
Бу замон тангри тавфиқ этди ато.
Искавичликка тавба айладим.

У л ф а т

Ёлғон!

Сени эл барчаси таниб қолғон,
Билдинг ўйнар бошингда тезда таёқ.
Шу учун ҳийла сори қўйдинг оёқ.

З а й н а б

Қўйингиз, берманг холамга сазо,
Ким ёмон — тангри бергай унга жазо,
Тўғридир балки тавба айлагани.

У л ф а т

Сичқон ўлгай мушукни пойлагани.

Р и з в о н

Бир қариндош қизимни кўрмак учун,
Бир йўлим тушди бу томонга букун.
Кирган эрдим, қани-кўринмас у қиз?

З а й н а б

Хола, ким у?

Р и з в о н

Муқаддасой-чи.

З а й н а б

Эссиз.

У қулинг дарди бирла бўлди вафот.

Р и з в о н

Афсус, у бўлди меҳнат илгида мот.

У л ф а т

Ҳийладир бу сўзинг ҳам

З а й н а б

Улфат опа!

Қўйинг этманг холамини мунча хафа.

У л ф а т

Бу йигитни нега кетирди, нега?

Р а ъ н о

Чунки ўз аҳдига бу бўлмас эга.

Р и з в о н

Қўшнимиз ўғли бир кўзи ожиз,
Қўрсатишга табиб томон борамиз.

У л ф а т

Бунда йўқдир табиб, жон олғувчи бор,
Қийнаб ўлдиргувчи даво тайёр.
(Холдор Ризвонга бўлаётган ҳужумдан қайғиради,
жавоб ўрнида музика)

Х о л д о р

Ранжитма кўнглимизни биз ўзга ғамга ёр.
Ҳардам азобу ғам берур бу чархи бемадор.

Гулга қўлимни урсам у албат бўлур тикон,
Дарёдан истасам сув агар, қўпғувси ғубор:

Бағрим жароҳати сира топмас давосини,
Ичсам агар асал у берур таъми заҳри мор.

Келтирди бизни бунда қазонинг ўйинлари,
Маълум эмас яна нечик сир айлар ошкор.

У л ф а т

Бенавога етибди ғоят алам,

Р а ъ н о

Замон офатидан чекар минг ғам.

У л ф а т

Ялмоғиз тинч қўймаган буни ҳам,
Васваса бирла ўтди кун-туни ҳам,
Йўқотайлик шу фитнани орадан,
Тинчисин халқ шу юзи қорадан.

С а р в а р

Ҳаҳ, қўйинг, яхшидир ошин егай у,
Гар ёмон бўлса ўз бошин егай у,
Ким дедингиз у қизни Зайнабхон?

Р а ъ н о

Ким у?

З а й н а б

Айвонанинг қизи Мاستон.

(Ризвон хола Холдорни сирли туртиб қўяди)

Қ и з л а р

А?

У л ф а т

Эссиз Мастроной

Х о л д о р

Нима Мастон.

У л ф а т

Ҳа, ҳа, Мастон, билурмисиз укажон.

Р и з в о н

Нега билмайди қўшнисин қизини,

Қ и з л а р

Ҳа, ҳа шундайми билмасак биз уни.

(Шу вақт Азизбек, Солиҳ судур, Нодирбек охун,
Карим қутти, бир неча киши кирадилар)

А з и з б е к

Ўтирибсизми, тўтилар соғ, омон,
(Қизлар нафрат билан қарайди, Зайнаб ва бир нечалар
хушомадли таъзим қилади).

З а й н а б

Соянгиз бошимизда ҳазрати хон,

А з и з б е к

Ҳа, Ризвон хола, сафо келасиз,
Бедараксиз?

Р и з в о н

Тирикчилик қиламиз,
Умру давлатларин дуосидаман.

Шукр неъматларин адосидаман,
Ёдингиз ҳамдамим ҳамиша.

А з и з б е к

Бу ким?

Р а ъ н о

Кўшним ўғли, табибга элтар эдим.

А з и з б е к

Хўш, нечик хаста бу?

Р и з в о н

Кўзи ожиз.

А з и з б е к (аъёнга)

Кўзи бермиш жамолига нуқсон,
Фойда бермайди бунга ҳеч дармон.

Р и з в о н

Рухсат айланг кетишга,

А з и з б е к

Йўқ, ўтиринг.

Кетасиз базм ила ўйинни кўринг,
Қани бошла, Карим, ҳунар кўрсат,
Энди айшу тарафгадир фурсат.

(Карим қутти истар-истамас рубоб чалади,
ашула қилади.)

Музика

А з и з б е к

Мулла Дониёр ови букун жуда соз,
Бу каби нозанин топилмоғи оз.

Мулла Дониёр қани уни кетиринг,
Тўтилар, сиз, ўйин қилиб ўтиринг.
(Дониёр чиқади. Карим рубоб чалади. Бошлаб Зайнаб
ўйнайди. Баъзи қизлар мажбурий ўртага тортилади.
Дониёр Мастошни келтиради. Қизлар афсусланиб қа-
райдилар. Солиҳ судур ва ҳамфикрлари завқланиб қа-
райдилар. Нодирбек охун қайғуга чўмади).

Бир киши

Хўш Судур домла?

Солиҳ судур

Хўб малоҳати бор.
Қадди гулдаста янглиғ кўзи хумор.

Азизбек

Мастоной энди қўй қазога бўйин,
Бизга кўрсат бироз ашула — ўйин.

Мастон

Йиғламоқ ҳам аза тутиш биламан,

Азизбек

Тут сўзим, мартабанг баланд қиламан,
Сени қирқ қизга бош қилиб қўяман.
Ким сўзинг тутмаса кўзин ўяман,
Сени кутмақдадир саодату бахт,
Келгил инсофга, бўлмагил дил сахт.

Мастон

Ҳеч очилмас бу ерда бахт эшиги,
Чунки бу ер жазо, бало бешиги.

Бунда қирқ қизга бош бўлармишман,
Ажалимдан бурун ўлармишман.
Бир улуғ хонадон менинг насабим,
Ору номусли пок эрур ҳасабим.
Менинг ўрним эмас бу нахс сарой.
Кимки бу ерга келса ҳолига вой.
Бир ўлиш бор, қутулгани йўқ илож.
Сақлай олмас бировни тахт ила тож.
Кетса номус тирик қолишда на суд,
Турса кўз олдида шу нахс вужуд?!
(Солиҳ судур, Азизбек ва аъёнлар ҳаяжонда. Нодирбек,
Улфат, ҳамфикрлари хурсанд.)

А з и з б е к

Ҳай ҳарамзода, бепадар, бу на иш,
Ўз вали неъматингга қарши туриш?

М а с т о н

Буми? Шарму ҳаёлилар нози,
Англаб ол беҳаё Азиз този.
Нозларимдан ҳали бу сир учқун
Гўрингга ноз ила қалайман ўтин.

А з и з б е к

Буни тез элтингиз чиёнхонага.

М а с т о н

Дегил элтсин мени илонхонага.

Музика

М а с т о н

Сенга рози дилни баён этай уни айлагил басар
эй сабо,

Бориб айт онамга саломими нима кўрдинг эт хабар
эй сабо.

Унга нақл айла бу ҳолатим, ҳама ранж бирла
малолатим,

Ҳам ўлум қошида ҳижолатим дегил унга мухтасар,
эй сабо.

Менга ол онамни ризосини хабар эт қизининг
азосини,

Менга зулм аҳли жазосини де онамга сар-басар,
эй сабо.

(Мастон олиб чиқилди. Қизлар қайғуда. Ризвон, Холдор кутади. Нодирбек қайғули хаёлда, Азизбек, судур ғолибона қараб қолади).

Парда

IV ПАРДА

V КҮРИНИШ

Қоронғи чиёнхона. Зах, ифлос бир уй, сарой бурчагида у ерда йигир-малаб бир хилда бўлган хумчалар оғзи боғлиқ туради, чиёнлар мубошири Ислом ғазабда, ўз хизматидан нафратда.

Парда очилади.

Ислом

Эй худо, на эди қулингда гуноҳ,
Ҳар нафас менга тортди қайғу сипоҳ.

Мен бу ерда тузоқсиз, ипсиз асир,
Бир вазифа дедим тутилдим ахир.

Бу на даҳшатли бир вазифа эрур,
Бутун инсонлигим ҳавога берур.

(Бир хумчанинг оғзини қарайди. Даҳшатланади.
Тез бекитади).

Кўрасиз, бу нечук хунук жонивор,
Қилмасин душманингни бунга дучор.
Хунари заҳр солмоқ элга зиён,
Фойдали бир зулук эмас бу чиён.
Бу Азизбек ақлдан ўлди жудо,
Ҳам чиён меҳрин унга солди худо.
Қадим айёмда подшоҳ бор экан,
Номи Заҳҳок, този дерлар экан,
У илонга ибодат айлар эмиш
Этиб эл миясин илонга емиш.
Қилди етмиш минг одам ўғлин хок,
Бўлди охир у халқ қўлида ҳалок.
Бу Азиз тозидир, чиёнлара қул,
Ҳам чиённи худо деб этди қабул.
Зулмидан халққа етди жабру изо,
Қанча одам чиёнга бўлди ғизо.
Элу халққа кўмакка қўл чўздим,
Ҳам чиёнларни найзасин уздим.
Қайси хумча эди унутдим эссиз,
Йўқ экан менда зарра фаҳму тамиз.
Бирга тангла буларга қанду набот,
Сира дўст ўлмагай ёвўз ҳашарот.
(Ғазабли ҳолда хумчаларга ишорат қилиб хониш қилади)

Музика

Хунук махлуқлар асло дўст ила улфатни билмайсан,
Баробар барчага жабринг валинеъматни билмайсан.
Заҳарлаш сенга одатдир, ширин суҳбатни билмайсан,
Жафодир шева сенга, марҳамат шафқатни билмайсан,
Сенга ҳам парваришми? Айлаган хизматни билмайсан.

Азизбекдан бўлак бир кимса сенга эътиқод этмас,
Заҳарли наштарингдан айтчи ким фарёду дод этмас,

Қани ким суратинг кўрган замон зулмингни ёд этмас,
Баногоҳ учратилса сенга қарши ким жиҳод этмас,
Разил махлуқлар инсонларга ҳам ҳурматни билмайсан.
(Мастон қўли орқасига боғланган ҳолда жаллод киради.
Кулиб)

Жаллод

Мулла Ислом мана семиз ғунажин
Оилангизга ем.

Ислом

(тескари қараб) Бошингни егин.

Жаллод

Қочмасин эҳтиёт қилинг.

Ислом

Биламан
Тортма ҳеч ташвиш эҳтиёт қиламан.

Жаллод

Хоннинг обрўсин айлади қаро ер,
Унга қарши гапирди.

Ислом

Хўб, боравер!
(Жаллод кетади. Ислом Мастонга яқин келади)

Ислом

Ким бўлурсан, отинг на бўлди сингил?
Файратинг бирла шавққа тўлди кўнгил.
Надир айтгил отингни шерн занон?

М а с т о н

Мастон, Ойбонунинг қизи.

И с л о м

Бўл омон!

Айтдим-а, ҳар тариқа ланду лаванд,
Қила олмас бу хилда ишни писанд,
На учун қилмадинг бу итни ҳалок,
Шарридан айлар эрдинг ўлкани пок.
Мени ҳам энди қўймағайлар омон,
Чунки боққан шу хону бекка замон.

Музика

М а с т о н

Биз улки халқ учун қиламиз хонумон фидо,
Бир ғайратимиз олдида минг бегу хон фидо.
Ёлғиз эмасмиз, эл биза доим кўмакчи бор,
Берсак ризо этар биз учун халқ жон фидо.
Зулм аҳлининг иши абадий топмагай ривож,
Айлар агарчи биз каби юз, минг, туман фидо.
Минг кетса минггу бир бу жаҳонга қўяр қадам,
Қандай шараф — халққа бўлур ҳар замон фидо.
Менга ҳали ўлим қўли етмак жуда узоқ,
То бўлмагунча хон ила минг-минг чиён фидо.

И с л о м

Бўлғувси сизга шаксиз у афън илон фидо.

М а с т о н

Қутулишнинг иложи йўқми амак,

И с л о м

Чорасизман сенга беришга кўмак,
Бу бино хон саройи бурчагида.
Ясовул дарвозанинг уст тагида,
Сен эшикдан чиққан ҳамон тутадир,
Сени ҳам, мени ҳам ҳалок этадир.
Сўнг, уйимга бориб бола-чақани,
Қирсалар қутқариб олувчи қани.

(Азизбек, судур, Нодирбек, бир неча аъёнлар
кирадилар)

А з и з б е к

Нима ҳолинг бор, энди шаллақи қиз?
Ёшгина жондан ажралурсан, эссиз.
Бир оғиз сўз сени халос этадир,
Ғар қабул этмасанг бошинг кетадир.

М а с т о н

Нега мен буйруғингга бўйсунайин,
Нега шарманда бўлгали унайин?

С о л и ҳ с у д у р

Олий ҳазрат, надир саволу жавоб?
Буни шаръан ҳалок этилса савоб.

М а с т о н

Ҳой, мунофиқ судур, надир бу сўзинг,
Элни исёнга бошлаган сен ўзинг.
Хонни зиндиқ лўли деган ким эди,
Халқдан поралар еган ким эди,
Энди сен яхши, биз ёмонми?

А з и з б е к

Судур!

Мастон

Ишинг эл ҳамда хонга кина кудур.

Судур

Тухмат, игво, у фитна васваса бу,
Ҳам ўлум хавфи бирла талваса бу.
Қарадиким бу чоқ ўлиб борадир,
Бу жаҳаннамга ҳамдам ахтарадир,
Бунинг тезроқ жазосини берингиз.

Нодирбек охун

Хўш, судур домла, мунча ҳовлиқасиз,
Аввало сиз оғир ўлимга сазо,
Сизга кетмас ўлимдан ўзга жазо.

Солиҳ судур

Фитначи, боғи икки бўлди мана,
Бу Охун халқни қўзғамоқчи яна.

Азизбек

Тортишарсиз холос икки уламо.
Бўласиз худди менга дўстнамо.
Сиз-сиз умр ила давлатимга завол,
Басар айлай мен аввало буни...
(Жаллодга Мастонни кўрсатиб) Сол! (Жаллод Мастонга
осилади. Мастон унга сўз бермайди)

Мастон

Золимлар энди қонимни тўкмакчи бўлдилар,
Жонимни зулм тифила сўкмакчи бўлдилар.
Чанг солдиларки иффатим ўлсин бутун хароб,
Номусим эл орасида букмакчи бўлдилар.

Хон бирла динни ҳомийлари бирлашиб бу чоқ,
Бир бегуноҳни қонига чўкмакчи бўлдилар.

А з и з б е к

Йиқитинг ерга, берманг унга мажол.
(Мастонни кийимлари ечилиб йиқитилади. Қўл-оёғи қо-
зиққа боғланади).

Кетир Ислом!

(Ислом хумчалар тепасига бориб хаёл суриб туради)

Ҳароми бўл!

(Ислом бир хумчани келтиради. Мастонга афсусланиб
туради).

Қани сол!

(Хумча ағдарилди. Чиёнлар ирғишади. Мастон бир ингра-
ниб жим. Чиён чақиш аломати йўқ).

С о л и ҳ с у д у р

Нега, сеҳр этдими бу фоҳиша қиз.

Н о д и р б е к о х у н

Эҳ судур, хайф сизга, жиннимисиз?

Бир оз ўйлаб гапирсангизчи ахир,

Жодугар бўлса бўлмас эрди асир.

Банд этиб сеҳр бирла ёв кўзини,

Ҳар нечик қутқарар эди ўзини.

С о л и ҳ с у д у р

Жодугар бўлмаса чақарди чиён.

Н о д и р б е к о х у н

Бегуноҳ, поклиги кўринди аён,

Яъни инсон эмас, фаришта бу қиз,

Бунни тезлик билан бўшаттирингиз.

Кимсаниким ҳимоя қилса худо,
Эта олмас биров мўйини жудо.

И с л о м (четга)

Ҳайрият меҳнатим бериб самара,
Тадбирим қизга рост келишни қара.
Найзасин узганим чиёнлар экан,
Беамир кирмагай бировга тикон.

А з и з б е к

Нима қилмоқ керак?

Н о д и р б е к о х у н

Қаманг қизни,
Бу тирик бўлса қутқарар сизни,
Келса Айвона, кўрса қизни ҳаёт
Элтадир, сизга бор умиди нажот.

С о л и ҳ с у д у р

Ўлдиринг, маслаҳат шу, берманг омон,

А з и з б е к

Йўқ, ҳой элтинг қаманг буни шу замон.
(Мастон олиб чиқилади. Ташқарида ғовур.
киради)

Нозимбек

Н о з и м б е к

Хоним, Айвона бирла кўп оломон,
Ғазаб ила келурлар ўрда томон.

А з и з б е к

Қўймангиз ўрдага уларни, уринг,
Ўлдиринг, қандай ўлса қарши туринг.

Мен ўзим ҳам шу он етиб бораман,
Тинчланинг, мен уларни қайтараман.
(Азизбек, Нодирбек ва бошқалар чиқиб кетадилар. Бу
ерда судурнинг мулозими Шодмонбекдан бошқа ҳеч-
ким қолмайди).

Солиҳ судур

Мулла Шодмон, қани бу ерга келинг.

Ш о д м о н

Хўш?

Солиҳ судур

Кировчи томонга отни елинг.
Йўлда ҳеч ерда тўхтамай чопасиз,
Нормамаат додхоҳ ундадир, топасиз.
Мендан айтинг ундан дуоу салом,
Сўнгра сўзланг букунги ҳолни тамом.
Айтингиз: Тошканд аҳли кўзғоладир,
Хонни тез кунда ер уза соладир.
Келса додхоҳ, шу пайтда иш келур ўнг,
Фурсат ўлмас бу хилда бундан сўнг.
Борингиз!

Ш о д м о н

Хайр, дуода ёд этингиз.

Солиҳ судур

Балли, тинч, соғ-омон бориб етингиз.
(Шодмон чиқиб кетади. Судур кулиб туриб мағрурона)
Ҳар замон янги ҳийлалар тузаман,
Тезда Айвона режасин бузаман.
Макру ҳийла деган мана шу бўлур,
Хон ўлимдан нечук қилиб қутилур?

Ут ёқинг ҳамда сув сепиб кўчиринг,
Келса додхоҳ бу бачча топмас омон,
Менчи? Мен шубҳасиз бу ўлкада хон.
(Ғолибона, мағрурона кулади)

П а р д а

IV ПАРДА

VI КУРИНИШ

Урда дарвозаси олдидаги майдон. Улуғ бир воқеа борлиги сезилиб туради. Урда атрофида қоровуллар юриб турибди. Парда очилгач, Нозимбек ҳовлиққанча ўрдага киради, кейинидан Оқил понсод киради. Бироздан сўнг иккови қайтиб чиқиб кетади. Одил дарвоза олдида йигитларни саф қилади. Узоқдан эшитилиб турган овоз яқинлашмоқда. Саройдан аълам муфтийлар чиқиб йигитларнинг орқасида дарвозага орқа ўгириб туради. Азизбек сарой томида кўрилади.

Музыка

Х о р

Кетинг ваҳшийлар, шунча кулфат этар,
Ёруғлиқ қачон келса зулмат кетар.
Гуруҳики сизга маломат этар,
Дилафкорлардир, дилафкорлар.

Букун айшингиз навбатидир тамом,
Тириклик бўлур энди сизга ҳаром.
Улим соқисидан этар сизга жом,
Сазоворларсиз, сазоворлар.

Бўлиб зулмингизда бир ўлка хароб,
Шаҳар ҳам бўлибдир мисоли сароб.

Кабоб ўдди эл бағри қони шароб,
Жафокорларсиз, жафокорлар.

Адолат уйин этдингиз тор-мор,
Ҳама бахтсиз бўлди, сиз бахтиёр.
Қурилгай букун тахт ўрнида дор,
Нигунсор ўлур сиз амалдорлар.

(Ойбону бошлиқ Ҳожи она Ҳожар хола, Ризвон,
Холдор, оломон кирадилар)

О д и л

Ҳой жамоат ғулув қилиб нетасиз,
Тарқалинг тез, бекор ўлиб кетасиз.

О й б о н у

Сен била бизни йўқ сира ишимиз,
Сени хонинг биз излаган кишимиз.

Ҳ о ж и о н а

Сен Азизбекни гар тутиб берасан,
Биздан энг олий илтифот кўрасан.

Ҳ о ж а р х о л а

Сени бу юртга мингбоши қиламиз,
Балки ҳоким қабул қила биламиз,
Эсмагай хонга энди боди мурод,
Бошладик букун унга қарши жиҳод.

О й б о н у

Қўй, кирайлик, хон олдига ўзимиз,
Унга айтайлик арз ила сўзимиз.

О д и л

Сиз билан сўзлашишга хон қилур ор,
Йўқолинг, бўлмангиз ғазабга дучор.

О й б о н у

Минг, туман жонни айласангда фидо,
Қўшмагай бир кун умр унга худо.

Ҳ о ж а р

У учун вақтсиз ўлганинг қолади,
Бошинга ит азобини солади.

О д и л

Сизни мен ўлдиришга кўрдим увол,
Марҳамат қилмоқ эрди менга хаёл.
Билдим инсофга келмагингиз узоқ,
Қираман сизни.

О й б о н у

Ҳаддан ошма бузоқ!
Бу йигитлар ака-ука боламиз,
Топишиб сизга қарши от соламиз.

О д и л

Энди авлод эмас булар хон учун,
Ўлдирурлар ота-онани букун.

О й б о н у

Йўқ, кўтармайди бизга қарши таёқ,
Ота-она юзига қўймас оёқ.
Ҳой йигитлар, нега хаёл сурасиз,
Бу томонга ўтинг, нечун турасиз?

Кўрасиз халқ сизга кўз тутадир,
Ёвни йиқмоқ учун кўмак кутади.
Сизни дийдорингизга ташна булар,
Қайғу кулфатга тун-кун ошна булар.
Шу эвазми онанинг шафқатига,
Шулми ҳурмат ота муҳаббатига.
Опа, сингил, бутун ака-укалар,
Сўз кутиб оғзингизга кўз туталар.
Ўзимизга кераксиз, э болалар,
Бизга орқа тираксиз, э болалар.
Майли золимга ён босинг, нетамиз?
Чора йўқ сиз билан ғазот этамиз.

I гуруҳ

Она, қаҳр айламанг.

II гуруҳ

Она, шу замон,
Ўтамыз жону дил билан у томон.

О дил

Кўрнамаклар на фитна, бу, нима ҳол?
Қорнингиз тўйди-да, бузилди хаёл.
Шоҳу хонлар худони соясидир,
Раҳмати ҳақ уларни доясидир.
Оси бўлманг, тутинг сўзимга қулоқ,
Қилмагай тангри сизни кўру чўлоқ.

I гуруҳ

Қани дўстлар, юринг.

II гуруҳ

Юринг, кетамиз!
Эл, ота-онага кўмак этамиз!

(Йигитларнинг тўртдан уч ҳиссаси оломонга ўтиб кўшилади, Одил тўсмоқчи бўлади, қайтаролмайди. Йигитлар ота-она, қариндошлар билан кўришмоқдалар)

О д и л

Қайтингиз, хоннинг амрин айланг адо

Й и г и т л а р

Айласин қаҳру лаънат унга худо.

О д и л (қолганларга)

Осилар, боғилар нечун турасиз,

Ёки исён учун фикр қурасиз?

Жонингиз борми боғиларни уринг!

(Одил ёнидагилар ҳужумга ҳозирланади. Бу томонга ўтган йигитлар қаршилайди)

Й и г и т л а р

Сиз ота-оналар, томоша кўринг,

Биз этармиз буларга баҳсу жавоб,

Топасиз зулм элин қиришла савоб.

О й б о н у ва бир қанчалар

Бу Азизбекда ҳамманинг ўчи бор.

Х а л қ

Этдимиз хонни ўлдиришга қарор.

А з и з б е к

Понсод, Айвона чорасини кўринг,

Бошчи у — сўнгра бошқаларни қиринг.

О й б о н у

Азаматлар, у том бошидаги ит,

Айлаган халқни роҳатин тит-пит.

У ҳаёт сиз ҳамон қолурсиз асир,
Уни томдан қулатсангизчи, ахир!
(Йигитлар илгари юрадилар. Одилнинг йигитлари милтиқ
отадилар, бир неча одам яраланади. Жумладан, Ҳожар-
га ўқ тегади. Диёр уни сўяйди)

Д о н и ё р

Оҳ, она!

Ҳ о ж а р

Хайр ўғлим. Ризои худо (ўлади)

Д и ё р

Айладинг эл-юртга жонни фидо.
(Онасининг жасадини бир чеккага қўйиб, кампирларга
тайинлайди)

Она, ҳозир бориб ўчинг оламан,
Зулм итин бошига жазо соламан.
(Бориб Одилга ўқ узади. Кўксига тегиб Одил йиқилади.
Йигитлар ҳар тарафга қочадилар. Том бошидан Азизбек
ғойиб бўлади)

Н о д и р б е к о х у н

Синглим Ойбону, ғайрат айладингиз,
Ҳам ёвузларни ерга жойладингиз.
Балли, сизга муборак ушбу зафар,
Айтаман сизга бу севинчли хабар.
Хон қочиб кетган ўрдадан бу замон,
Чора кўргайсиз қолмағай у омон.

О й б о н у

Қочдими? Ҳой Диёр, Сафар югуринг,
Лаънати хонни тез тутиб кетиринг.
(Тўрт киши кетадилар. Нодирбек охун илгари келади)

Нодирбек охун

Айлангиз ўрда ичра ранжа қадам,
Қутқаринг Мастонойни ранжда у ҳам.

Ҳожи она

Ҳа, юринг, Мастонойни қутқарамиз.

Нодирбек охун

Вақт ғанимат, қани юринг борамиз.
(Ойбону, Ҳожи она, Нодирбек охун, Искандар ва бир
неча кишилар кетадилар. Солиҳ судур дарвоза олдидаги
суфага чиқиб оломонга таъзим қилади).

Солиҳ судур

Ассалом, эй жамоат, аҳли зафар,
Тарихингиз безатгай ушбу сафар,
Қутлуғ ўлсин бу фатху нусратингиз.

Оломон

Бизга сиз раҳнамолиқ айладингиз,
Авалло сизни қутласак бўлур.

Солиҳ судур

О, балли!

Мени қутлашга вақт эрта ҳали,
Нима қилдим ишимни миннат этай,
Қасдим, ўлгунча халққа хизмат этай.
Халқни тинчитмак эрди менга ҳавас,
Кетмади сизга ранжу меҳнат абас.
Ҳам Азизбек йўқолди кетди, ахир,
Шумлиги ўз бошига етди ахир.
Билди ён босганимни халққа томон,

Қараши менга қарши бўлди ёмон.
Менга ҳар лаҳза бермак ўлди жазо,
Фитначи, осий деб берарди сазо.
Шунда ҳам айладим курашда давом,
Мана эл нафъича ҳал ўлди маром,
Шошдим, айниқса, Мастоной ишида,
Уни озод этишнинг ташвишида.
Мастонойга етишмаб эркан ажал,
Айладим қатлини қамоққа бадал,
Мастоной бўлса раҳмат айтар эди.

(Шу вақт Мастоғни олиб чиқадилар. Сўнги сўзни эшитган Мастоғ судурнинг гарданига бир мушт уради. Судурнинг салласи учиб кетади, муккасича йиқилади).

М а с т о н

Бори ёлғон, бу ҳарна сўзки деди,
Халққа бу энг ашадди душман экан.
Бошқа бир мақсад ила юрган экан,
У кишиким ҳалоким истар эди,
Шу Судур эрди хонни қистар эди,
Бу Охун домла кирди жонга ора,
Қолди афсусланиб бу юзи қора.

О л о м о н

Лаънат иғвочи ҳийлагарга, ўлим!
Ўлим алдоқчи, тулкиларга ўлим!

С о л и ҳ с у д у р

(шошилиб)

Эй... эй... йўқ... мен... кўриб турипти худо,
Мастоной тўғрилиқдан ўлма жудо.
Мен бир ножўя сўзни сўзламадим,
Сизга ҳеч бир зарарни кўзламадим.

Ислом

Бўлди гумроҳ Судур, сир ўлди аён,
Мастоной қилди шумлиғингни баён.
Мен чиёнхонада қараб тураман,
Кун ора ҳар куни сени кўраман.
Хонни қон дарёсига отғувчи сен,
Унга фатво, йўруқни сотғувчи сен.
Дўстларим айлаган қўлимда ҳалок,
Сени фатвонг эмасми? Айт нопок!

Солиҳ судур

Сен... менинг... хўш... ахир... на учун?

Нодирбек охун

Бас Судур гўлдирашга йўқдир ўрин,
Амалим бор деб элни алдадингиз.
Бу амални ҳамишалик деддингиз,
Энди иш ўтди валдираб нетасиз,
Сизда тил бормиким жавоб этасиз.

Солиҳ судур

Лонусаллим.

Нодирбек охун

Тонишлиқ осон эмас,
Бу иков ҳарна айтди ёлғон эмас.
Мана мен сен билан юриб тун-кун,
Биламан: нек ила бадингни бутун.
(халққа)

Бундан бир зарра яхшилиқ иши йўқ,
Бундан озурда бўлмаган киши йўқ.
(судурга)

Бу мунофиқлик ўлди сенга бало,

Бирни кўрдинг қора, бировни ола.
Хон йиқилса, бўлардинг ўрнига хон,
Матлабинг эрди доим иззату шон.
Шу тилакда юрар эдинг-да фақат,
Ҳарнаким ният этдинг ўлди ғалат.

Солиҳ судур

Тавба қилдим.

Нодирбек охун

Ҳа энди тавбами ёд?
То бу дам коринг ўлди фитна фасод.

Ойбону

(оломонга) Буни биз билмадик, мунофиқ экан,
Эл кўзига эмиш заҳарли тикон.

Ҳожи она

Билмадик-да, тил остида тилини,
Ким кўрибдир бунинг бузуқ дилини.

Ойбону

Мана ҳозир тилу дилин биламиз.
(Судурнинг ёқасидан ушлаб ўртага ташлайди, тепкилаб уради) Олингиз, ҳурматин бажо қиламиз. (Оломон судурни судраб, уриб ўлдириб, бир чеккага ташлаб келадилар. Шу вақт Дониёр ёнида икки йигит, бир қизни чодирга ўраб олиб келади. Тўполонни кўриб тўхтади. Қизнинг онаси орқадан додлаб келади).

Она

Мусулмонлар кўмак, кўмак этингиз,
Мана бу Дониёр ўғрини тутингиз.

Ойбону

Үүхта ит!

(Оломон Дониёрни ўраб олади. Она етиб келади).

Она

Дод қизим!

Ойбону

Хола, гапиринг,
Нима жабр ўтди?

Она

Ўғрилари кўринг?

Ҳожи она

Нима қилди?

Она

Қизимни элтди... кўмак!

Ойбону

Ҳа, ҳа! Бир ўғри умри битди демак,
Айлағаймиз бу чоқ қизингни холос.
(Дониёрга) Ўйламайсанми бор ҳар ишга қасос?
Бўшатиб бер онам қизини...!
(чодирни очиб) — Мана! (қизни топширади)

Ойбону (онага)

Олингиз.

Она

Бунга қаттиқ жазо талаб этаман,
Кўзим ила кўриб кейин кетаман.

Ойбону

Ечайин ҳозироқ бу масалани,
Тугатай бу билан муомалани.
(Дониёрга)

Қани юр, халққа қил саволу жавоб,
(Дониёрни турткилаб дарвоза олдидаги супага чиқаради.
Халққа)

Ҳой жамоат будир душманингиз
Тикилинг зеҳнингиз солиб танингиз!
Қанча қизларнинг иффатин талаган
Кўп оналар гўрига ғишт қалаган.
Кўп йигитларга қўйди ҳасрату доғ,
Оталардан учурди наслу чароғ.
Искович Дониёр ушбу.

О л о м о н

Лаънат унга.

О й б о н у

Айтингиз кимда даъво бўлса бунга.

О л о м о н

Улим!

О л о м о н

Уч!

О л о м о н

Интиқом

О й б о н у

Балли, биламиз.

О л о м о н

Ҳаммамиз ҳам қасос талаб қиламиз.

О й б о н у

Ўзим аввал қизим ўчин оламан,
(Дониёрни супадан тортиб йиқитади, тепкилаб уради)
Олингиз!
(Оломон ёпирилиб, Дониёрни савалай бошлайдилар)

О л о м о н

Мен нега қараб қоламан.
(Дониёрни судраб, ўлдирадилар. Азизбек қўли орқасига
боғланиб келтирилади)

А з и з б е к

Салом, эй юрту элнинг ҳомийлари!

О в о з л а р

Йўқотилсин сарой ҳаромилари!

А з и з б е к

Хўш, жамоат на эрди менда гуноҳ?

И с л о м

Эътиқод айладинг чиёни худо,
Кўп мусулмонни қилдинг унга фидо.

М а с т о н

Хотин-қизнинг тўқундинг иффатига,
Оғулар сочдинг элнинг сиҳатига.

О й б о н у

Нима расм эрди у ҳўкиз териси,
Минг киши урдирилган энг бириси.

Ҳ о ж и о н а

Ходага тортиб ўлдириш на эди,
Раҳмсизликка бир намуна эди.

И с к а н д а р

Кўйди халқ устига девор ишини,
Кесак ўрнида босди кўп кишини.

Бир киши

Бунинг айби санаш билан тугамас,
Халққа бир зарра нафи теккан эмас.

А з и з б е к

Хўш, қачон биттангизга тегди қўлим?

О в о з л а р

Ўлим, алдоқчи ҳийлагарга, ўлим!

О й б о н у

Бунга қандай жазо талаб этасиз?

О в о з

Ўтга ташлаш керак.

О й б о н у

Ўтинга эссиз.

И с к а н д а р

Бунга ҳам девор остига босамиз,

О в о з

Дор тикиб, бош тубан қилиб осамиз.

О в о з

Йўқ, тириклай кўмиш бу итга сазо.

И с л о м

Бостирилсин чиёнга.

О в о з л а р

Яхши жазо.

Ойбону

Қўллаймиз бунинг жазо йўруғин,
Сочди бу зулму ваҳшилиқ уруғин,
Тиф ила ўлдирилса тез ўлади,
Қонидан тоза ер ҳаром бўлади.

Овозлар

Нима дейсиз қилурмусиз озод

»

Қаршимиз!

»

Ўлдирилсин бу жаллод.

Бировлар

Сиз аёлсиз-да, кўнглингиз жуда бўш,
Ёвга шафқат керак эмас сира.

Ойбону

Хўш?

Нега лозим бу хил маломат этиш,
Керак эрди жавобингизни кутиш.
Қўймағайман тирик бу золимни,
Тугатай бу билан саволимни.
Сўнгра бунга жазо йўлин кўрамиз,
Лекин озод этилмас, ўлдирамиз.

Овоз

Озини кўрсак ортадир ташвиш.

Овозлар

Йўқотинг тез.

Овозлар

Жуда кечикди бу иш.

Ойбону

Калтак ила танин қилиб шал-шал,
Сўнг келур ўлдириш, ўч олғали гал.

Ҳожи она

Қизим Ойбону, шошма бу ишга,
Ўз бошинг қўйма ранжу ташвишга.
Буни ўлдирмоғинг жуда осон,
Аммо, зеҳни койиб Худоёрхон,
Эҳтимол Тошканд узра от соладир.
Бева, бечора қийналиб қоладир.

Ойбону

Худоёр ташвишин қилиб бу замон
Берилурми бу муттаҳамга омон.
Ташласа биз томон ғазаб ила кўз
Кўрсатай унга кундузи юлдуз.
Бизни бир карра синади Худоёр,
Биз томон айламас юриш такрор.

Ҳожи она

Ҳоҳ ёмон, хоҳи яхшидир Худоёр,
Нима ҳам бўлса, бизга хон оти бор.
Кўпчилик у томонда сен ёлғиз,
На қилардинг яроғу аслаҳасиз.
Хон хусумат билан чекар лашкар,
Хўш, ниманг бор уни қилишга басар.
Яна Тошкандга эсгай оғули ел,
Яна отлар оёғида қолур эл.
Шу учун сенга маслаҳат бераман,
Хонга билдирмоғинг зарур кўраман.

Ойбону

Қўрқсангиз сиз бу ишга бош қўшманг,

Ўлдирилгай бу, ўртага тушманг.

(Азизбекка) Хоним афв айлагил гина ери йўқ,

Сени жойлаш учун ҳўкиз тери йўқ.

(Азизбекни йиқитиб уради ва тепкилайди)

Эй жамоат, хон обрўсин сақланг,

Парвариш ҳаққи бор, тузин оқланг.

(Оломон Азизбекни уриб турган чоқда, бир йигит терга тушиб киради)

Йигит

Сабр этинг, тўхтангиз бироз...

Ойбону

На хабар? (Ҳамма аҳамият билан қарайди)

Йигит

Аввало сизга хон салом дедилар,

Етди Хўқандга барча ҳангома

Худоёрхон юбордилар нома.

(Ойбонуга бир хат беради. Ойбону товушсиз ўқимокда)

Ҳожи она

Овозингни чиқар.

Овозлар

Нечик хат экан?

Ойбону

Бизни қутлаш билан ривоят экан.

Бир нечалар

Эштайлик, ўқинг,

На дерлар хон?

Ойбону

Эштинг, Тошканд аҳлига фармон,
Бони идорайи мамолики Фарғона ва Туркистон ҳоқон ибн Ҳоқон
Саид Муҳаммад Худобер Баҳодирхон сўзимиз. Аммо баъд бизнинг
парвардаи неъмат ва шукр гузори эҳсонимиз Азизбекни инъом ва
эъзозга лойиқ топиб, мамлакатимизнинг хуррам ва ободларидан
Тошканд фирдевс монандга парвоначи амали билан маъмур этдик.
Нонкўр Азизбек оз фурсатда ғуборот кибру ғурур ва инод мияси-
га ўрлаб ўз валий неъматини зиллуллоҳга қарши инқиёддан бош тор-
тиди. Кўчаи иртидодага кириб, исён ва бағоват оловини ёқди. Бир қан-
ча афъол замима, бидъат хилоф шариа ундан нашъат этди. Биноан
алайҳ барвафқи ояти карима ва аҳодиси набадия мазкур жони, тоғи
Азизбекни зиндиқ деб фатво берилади. Унинг қатли мубоҳ, ўлдир-
гувчилар ғозидирлар. Осий ва муртад Азизбекнинг ҳорижи таҳаммул
ва хилофи шариа хиёнатига қарши ҳамиятли диёнатпарвар Тошканд
аҳолисининг саъйи ғайратлари жиҳоди муқаддас деб ҳисобланади.
Балтақдир у кўфрони неъмат қияувчи Азизбек, сиз ғайратли Тош-
кенд ҳалқининг қабзаи ғолибонангизда музма — хил бўлса, жадъ
қилиб, яъни қулоқ бурнини кесиб, саззойи қилиб, доруссалтананага
асирона роҳий қилиниши аҳам ва алрамдир.

Воллоҳу муваффиқува илайҳи яржиъул умур.
1846 мелоди. Сумбула. Хўқанд.

Ҳожи она

Жуда ҳам вақтида етишди чопар,
Сал кечикса етарди хавфу хатар.

Ойбону

Билмагай хон бунинг ёвуз ишини,
Шу учун ёқламоқчи бу кишини.
Буни лекин шу ерда ўлдираман
Сўнгра бошга нима келур, кўраман.

Ҳожи она

Қизим Ойбону, сен хато қиласан,
Хонга қарши туришни сал биласан.

Юрту элга бўлиб келиб малҳам,
Ёрдамингни берармисан барҳам.
Худоёр қаҳр ила кўшин тортар,
Яна халқ узра дарду ғам ортар.
Сендан эл ранжишиб чиқиб кетади,
Ўйла-чи, сенга ким кўмак этади.
Сени хон қаҳри бирла тутдиради,
Уруғ-аймоқларинг била қиради.

Ойбону

Мен бунинг зулмини унутмайман,
Ўч олурман бўлакни кутмайман.
Бизга ҳийла қилиб Худоёр ҳам,
Бу жафогарга кўрсатур ёрдам.

Чопар

Опа, афсусланишга йўқ ҳожат,
Хонимиз ҳам ғазабдалар ғоят.
Тинчланинг, бунга ҳеч берилмас амон,
Ўлдирилгай, ҳеч этмай унга гумон.

Ойбону

Майли, қарши туришга йўқ чора,
Қутулиб кетди бу юзи қора.
Хонимизни қилиб бу чоқ ҳурмат,
Берамиз турли ранг ила зийнат.
Қўл-оёққа оғир кишан урингиз,
Юзларига қора куя сурингиз,
Бурун ила қулоқларин кесингиз,
Бўйнига икки хум чиён осингиз,
Тезде тайёр қилинг, олиб борингиз.
(Азизбекни олиб кетадилар. Ойбону чопарга қараб)
Мана, дўстим, чопар нима дедингиз,

Ч о п а р

Жуда тўғри, жуда ақлли бу иш.
Чунки олдинги фикр эди янглиш.
Бу итоат учун бўлур хон шод,
Ҳам фалокатдан эл бўлур озод.
(Азизбек безатилиб келтирилади. Супа лабида турғизи-
лади. Музыка)

Х о р

Шунча зийнатлар ила ҳазрати хон қайға сафар,
Кўрди лойиқ сенга бу нақшни устоди зафар.

Қани ул қаҳру ғазаб, кибру ҳаво, хайлу ҳашам,
Қилмаган сенга бу зулм оқибатин кимса хабар.

Зулмнинг кундаларин майдалаган халқ мудом,
Мазлум оҳи каби тез ўлмади тиғу табар.

Будур олам иши бор яхши-ёмон ишга қасос,
Ким ситамгар фуқаро илгидадир зеру забар.

П а р д а
с ў н г

1942 йил 18 августдаги нусхадан кўчирилди. 9 март, 1955 йил.

Хуршид

СИЁВУШ

5 ПАРДАЛИ ОПЕРА ЛИБРЕТТОСИ

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Судоба — Кайковуснинг севикли хотини. Яман шоҳининг қизи.

Кайковус — Эрон подшоҳи. Қаёнийларнинг иккинчиси.

Сиёвуш — Кайковуснинг ўғли, Судобанинг ўғай ўғли.

Қиёнуш — Румлик савдогар. Сўнгги вақтда Судобанинг жосуси.

Суруқа Қайдофа — Судобанинг Ямандан бирга келган жориялари

Афросиёб — Турон мамлакатлари подшоҳи.

Герсеваз — Афросиёбнинг укаси.

Фарангис — Афросиёбнинг қизи.

Пирон — Афросиёбнинг вазири.

Рустам, Зол, вазирлар, элчилар, паҳлавонлар, халқ вакиллари, жориялар, созандалар, ўйинчилар.

БИРИНЧИ ПАРДА

Эрон шоҳи Кайковуснинг ўрдасида ҳарам доираси. Судобанинг уйи. Судоба қайғули ҳаёлда ўтирибди. Музыка. Парда очилади.

Судоба

Э кўнгил, э сирлар кони,
Борми ўч олмоқ имкони.
Ота-она, уруғ аймақ ваҳши қўлларда қирилди оҳ,
оҳ, оҳ, оҳ, оҳ интиқом.
Иффат, номуслар букилди,
Бошлар кетди жон сўкилди.
Қиз-жувонлар фоҳишадек кўча-куйларда сурилди оҳ!
оҳ, оҳ, оҳ, оҳ интиқом!
Кўкка етди элнинг доди,
Мазлум ўксузлар фарёди.
Ору номус, иффат бари тупроққа қорилди оҳ,
оҳ, оҳ, оҳ, оҳ интиқом.

(сўз)

Отам э зул азхор шоҳи Яман,
Таасуф этар сенга бу анжуман.
Сиёвушла Ковус сенга тортди тиг,

Қизингни асирона элтди дариг.
Менга энди айш ила роҳат ҳаром,
Булардан агар олмасам интиқом.
(Суроқа кириб таъзим қилади)
Суроқа на бўлди ишинг?

С у р о қ а

Иш бажо,
У одамки эрди сиза муддао
Келтирдим.

С у д о б а

Балли, тезда келтир буён
Бу ишда саботин қилай имтиҳон.
(Суроқа чиқиб чодирга ўралган бир хотинни олиб киради
Бошидан чодирини олади. Бир йигит экан)

С у д о б а

Қаерлик бўлурсан, ҳам исминг нима?

С у р о қ а

Азизим, далил сўзла, ёлғон дема.

Қ и ё н у ш

Қиёнуш отим, румлик бир савдогар.

С у д о б а

На журъатла кирдинг бу ерга? Магар
Тушунмасмисан бу ҳарам хонадир,
Ҳам эр жинси бу ерга бегонадир.

Музыка

Қ и ё н у ш

Париваш риштаи ишқи қилиб ақлу хирадни банд,
Кўнгилда шавқу жон, ҳайратда, тан бир пора ўт
монанд.

Ўлим ё васл деб келтирди бу манзилга қатъият
Бу жон қийналса мен ўлдим, бу жон роҳатда мен
хурсанд.

С у д о б а

Сўзингда содиқ ўлсанг пора кўнглинга бўлай пайванд.

С у р о қ а

Бажаргай бу йигит ҳукминг оғир тоғ юкласанг гарчанд.

С у д о б а

Сенга юкласам бир вазифа бу он

(сўз)

Қўлингдан келурми?

Қ и ё н у ш

Қилингиз аён.
Нечик бир вазифа экан?

С у д о б а

Интиқом.
Бажарсанг шу ишни вазифанг тамом.

Қ и ё н у ш

Нечик кўрдир у бўлмаган Сизга ром

С у д о б а

Сиёвушла Ковус...

Эру ўғлингиз?!
Қиёнуш

Судоба

Отам қатл қилди икки раҳмсиз.
(Қиёнуш хаёлга чўмиб сукут этади)

Судоба

Демак сенга бу иш кўринди гарон?
Ўзинг чиқмагайсан бу ердан омон.
(Қиёнушга ер тагидан қарайди. Қиёнуш қатъий)

Қиёнуш

Маликам, бу ишни қилурман басар,

Судоба

Агар алдасанг тезда бошинг кетар.

Қиёнуш

Агарда хиёнатла макр айласам,
Шу дилбар жамолига бўлсин қасам.

Қайдофа

(киради) Сиёвуш келур.

Хўп. (Қиёнушга) Сен у уйга кир, чиқиб тезда раққоса-
ларни чақир. (Суроқа Қиёнушни олиб кетди, Қайдофа
ҳам кетди).

Судоба

Агар тутса афсуну макрим ўрин,
Бугун ростлагайман у гўрин.
(Чолғувчи, ўйинчилар, Сиёвуш киради. Гуллар сочади-
лар).

Музыка

Х о р

Хуш келдингиз, э севгили шаҳзодаи даврон,
Э соҳиби эҳсон.
Фаҳр этгусидир сиз ила бу маснади каён,
Сиз қудрати Яздон.
Сабр ила паланг ғайрату зарбингиза таслим,
қилмоқ ила таъзим.
Ялларни атар қуватингиз ожизу ҳайрон,
ҳар лаҳзаю ҳар он.
Сиз ақлу карам конисиз э шоҳи валоят,
ҳам кон саҳоват.
Қулларга ҳам инъомингиз ўлмакда фарован,
жонлар сиза қурбон.

С у д о б а

Кел, э, боиси иззатим, шавкатим,

(сўз)

Кўзим нури ҳам мояи давлатим.
(Кўлидан ушлаб элтиб, ним тахтга ўтқизади. Қадаҳлар
айланади, базм бошланади. Тугайди).

С у д о б а

Сиёвуш на бўлди сенга то будам,
Мени ёд этиб қўймадинг бир қадам.

С и ё в у ш

Бу ер чунки шаҳга ҳарам хонадир,
Отамдан бўлак бунда бегонадир.
(Судоба имлайди, Сиёвушдан бошқа ҳамма чиқади)

Судоба

Сиёвуш, сўзимга ажабланмагил,
Сенга тушган ишқим, ғазабланмагил,

Сиёвуш

Бу ишқингни қилгил эринга аён,
Ўғил бирла ишқ ўйнамоқлик ёмон.
(Ғазаб билан туриб кетар экан, Судоба йўлини тўсади)

Судоба

На ерга борурсан мени зор этиб?
Ҳалок этма, ишқингда афгор этиб.

Сиёвуш

Йўқол, кет йўлимдан.
(Туртиб ташлаб чиқиб кетади. Судоба фарёд чекади)

Судоба

Кўмак, ҳой кўмак!
(Суроқа, Қайдофа югиришиб келади)

Қайдофа

На бўлди? Ўрин тутмади иш демак.
(Судобани кўтармакчи бўладилар. Судоба кўнмайди)

Судоба

Қўйингиз, мени шоҳга айланг хабар,
Ҳужум айлади менга у оқ падар.
(Суроқа, Қайдофа чиқадилар. Судоба ўзини ҳушсизга солиб ётади. Кайковус, Сиёвуш, Рустам, Зол кирадилар)

Кайковус

На ҳолат бу? Судоба, тур кўзни оч!
(Судоба жим. Кайковус ишорати билан икки жория Судобани кўтариб тахтга олиб борар экан, Судоба макр билан талваса қилади).

Судоба

Йўқол оқпадар, менга тегма, қоч!

Кайковус

Ким у оқпадар?

Судоба

Бу зоти ҳарам
Менинг ифратим булғади, вассалом.

Сиёвуш

Шаҳо, қилма Судобага эътимод,
Бузуқдир унга маслақу эътиқод.
Бу иблиснинг айғоқчиси, ҳийлагар,
Эрур фоҳиша, шармдан йўқ, асар.

Судоба

Кўрарсиз мени фоҳиша дер бу он,
Агар топса ёлғиз кўярми омон.
Бу икки канизлар эрурлар гувоҳ.
Булар сўзласин кимда бўлса гуноҳ.

Суруқа — Қайдофа

Сиёвуш йигитлик ғурури билан
Қовушмоқ талаб қилди Судобадан.

Сиёвуш

Бутун фитна, иғво буларнинг сўзи.

К а й к о в у с

Сени фош этар бир хитобинг ўзи.
Онангни бузуқ, фоҳиша деб бу он,
Бузуқ мақсадингни қилибсан аён.

С и ё в у ш

Ҳақиқат қил, оинла қилгил амал.

К а й к о в у с

На ҳожат ҳақиқатга иш бўлса ҳал.

З о л

Улуғ ўт ёқиб ўткарилсин булар,
Жиноятчи ким бўлса нобуд бўлар.
(Судоба ҳаяжонланиб, канизакларига имлайди. Рустам
уни диққат билан кузатиб турган эди).

Р у с т а м

Жуда тўғри бир маслаҳат берди Зол,
Аниқланғуси ким бузуқ, ким ҳалол.

С у д о б а

Шаҳо эҳтиёт ўлки Рустамла Зол,
Эрур умр ила давлатингга завол.
Сиёвуш эрур энг улуғ жодугар,
Қилур жоду, ўт эмас унга асар.

Р у с т а м

Бас, э Қабҳа, ортиқча қилдинг талош,
Бузуқ фикр ила ниятинг бўлди фош.
Ҳақорат қилурсан бу чоқ бизга ҳам,
Саналди сенга ноҳақ ойини жам.

Сиёвушни ҳеч ким қилолмас ҳалок,
Кўмак унга биз бирла Яздони пок.

Музика

Судоба

Надир айбимки душман бир эди ортмоқда тобора,
Нетай ҳеч бир кишидан етмади бу дардима чора.
Отамдан айрилиб кўнглимда доим ҳасрату армон.

Кайковус

Сира қайғурма, кўнглинг бузма, менман дардингга
дармон.

Зол

Жиноят бирла тухматга эрурсан бандаи фармон.

Рустам

Шаҳо ақлингга кел, бўлма жаҳолат бирла андармон.

Судоба

Яна этмақдалар бағрим ҳақорат тигила пора.

Кайковус

Кўзингдан ўргулай, бир кимсасиздек қилма наззора.

Зол

Эгар бирла юган урмиш сенга минмиш бу айёра.

Рустам

Берурлар давлатинг барбод бу уч иблис маккора.

Сиёвуш

Ота, сўнгра пушаймон ўлмагил кўз оч бу ғафлатдан,
Жафо доғила тарихинг юзини этмағил қора.

Кайковус

Отангни алдамоқ, истаб бекорга бўлма овора.

Зол

Сенга лаънат дегай эл моҳу меҳру барча сайёра.

Рустам

Сенга кибру жунун бағри азалдан бўлди қаҳвора.

Судоба, Канизлар

Отасига насиҳат айламакчи тифли шир хора.

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Сеистонда Аҳриман дарёси бўйида чодир қурилган. Сиёвуш, Зол, Рустам ва бошқалар — Афросиёб элчиси Бормонни қабул этмоқдалар. Ҳадялар ўтқарилмоқда. Булар орасида бир аҳо Сиёвушга тақдим этилади.

Бормон

Сенга хос эрур бу улўғ армуғон,
Юборди сенга шоҳи турониён.
(Абони топширади. Сиёвуш очиб қараб, унда бир сурат кўриб шошилади. Шунга овора бўлиб тикилиб қолади, бошқалар элчи сўзини тингламоқдалар).

Бормон

Салом айтдилар шоҳи Афросиёб,

Ҳамма

Омонлик билан бўлсин у комёб.

Бормон

Деди: «Басдир энди шу жангу жадал
Эрон, Турон аҳлига бўлди увол.
Ясаб сулҳ битсин бутун можаро,
Уруш битсин Эрону Турон аро».

Зол

Шоҳи Тур эрур аҳду паймон шикан
Эрон аҳлига у заҳарли тикан.

Бошқалар

Жуда тўғри...

Бормон

Турон шоҳи ушбу гал
Бу битимнинг давомига айлар жадал.

Рустам

Сиёвуш, қани, айла бир фикр аён.

Сиёвуш

На дерман?

Рустам

Нега ўзгарибсан бу он?
Қани, бер, кўрайлик надир ул ҳарир,
Ўзига сени бундай этди асир?

Сиёвуш

Сиёвушга хос бу тамошо фақат.
Ажойиб гўзаллик, ажаб холу хат.
(Ҳамма ажабланади. Рустам Бормонга қарайди).

Б о р м о н

Бу ноз осмонин гўзал юлдузи
Фарангис эрур Афросиёбнинг қизи.

Музыка

С и ё в у ш

Олиб кўнглимни бир дилбар бошимга солди минг
савдо,
Хаёлим боғида бу дам қилур жон булбули ғавғо.
Менга ишқи берар фармон бўйин тобларга йўқ
дармон,
Кетар кўнглимда минг армон, висолин қилмасам
пайдо.
Хаёлим дамбадам фосид бузарми ишни деб қосид
Дегил дилбарга, э қосид, бўлибман ишқ аро расво.

З о л (сўз)

Сиёвуш, бу чоқ ишқдан тур канор,
Жавобингга элчи чекар интизор.

С и ё в у ш

У ишқим эрур восита, бу малак,
Зарур ўлди сўзсиз қабул айламак.
Ўзим бу улуш сулҳни қилдим қабул.

З о л

Отанг рухсатисиз?

С и ё в у ш

Нима дерди ул.
Бу сулҳ эл билан юрт учун яхшидир,
Бунга ким ризо бермаса ваҳшидир.
Кетур, соқи, бошла бу чоқ айшу нўш,

Муғанни тараб созин этдир хуруш.
(Қадақлар айланади. Чолғувчилар келиб базм бошлайди-
лар, бир йигит кириб таъзим қилади. Сиёвуш ишорат
қилади, базм тўхтади).

Сиёвуш

Нечик топшириқ бор?

Йигит

Муҳим бир хабар
Отангиз қўшун бирла келмақдалар,
Эрур Турон узра сафар нияти.
Бу гал ўзгача фикр вазияти.

Рустам

Зўраймоқда Ковусдаги ваҳшийлик,
Сира кутмади халқ учун яхшилик.
Туриб четда буйруқ берар подшоҳ,
Биз ижро қилиб орттируرمىз гуноҳ.

Сиёвуш

Сўзим сўз, мен аҳдимда собит қадам,
Бузилмас, бошимга қилич келса ҳам,

Бормон

Балли, э Сиёвуш, Яли номдор,
Сенга доим ўлсин кўмак нуру нор.
Кутиб Турон, Эронга ободлиқ
Бутун халққа бахш этдинг озодлиқ.
(Хазиначи тож, камар, қилич, сипар ва бошқа ҳадялар
келтиради. Бормоннинг белига қилич боғланади.
Бошига тож қўйилади, елкасига або солинади).

С и ё в у ш
Муборак бу хилъат
Х а м м а
Муборак
Б о р м о н
Балли.

С и ё в у ш
Сенга бу мукофотимиз оз ҳали,
Дегил шаҳи Туронга беҳад салом,
Бу гал мендин элтурсан унга паём,
Унга фарзанд ўлмоқ менга муддао.

Б о р м о н

Бутун хизматингни қилурман адо.
(Ҳамма хайрлашади, чиқадилар, жориялар у ерларни
йиғиштириб турар экан, Қиёнуш қиёфаси ўзгарган ҳол-
да киради).

Б и р ж о р и я

С и ё в у ш, жуда пурдон олий жаноб.

Я н а б и р и

Каён шаҳларин тахту тожига боб,
Ҳайиқмас ўлимдан, дадил бир йигит,

Қ и ё н у ш

Фақат ўз бошимча, иши ур йиқит,
Юриб пойтахтда ҳамиша саёқ
Онага тажовуз қилиб бўлди оқ.

Ж о р и я

Қаердан сенга англашилди бу сир?

Қиёнуш

Буни ўз кўзим бирла кўрдим ахир.
Вужуди хотин-қизга кони зарар.
Ҳалок ўлгали лойиқ ул оқ падар.
Келинг, сизга бергунча у бир зарар
Кўмак берсангиз мен қилурман басар.
(Жориялар ҳайрон бўлиб қоладилар. Шу вақт Рустам,
Зол, Кайковус, Сиёвуш, бир нечта кишилар кирадилар.
Жориялар кетади. Қиёнуш бир чеккага чиқади)

Кайковус

Сиёвуш эди ёш, ақлсиз, ўжар
Унга эргашиб сиз жаҳон дийдалар.
Нечун бўлдингиз бу тубанликда паст?
Магар қилди жоду у оташпараст.

Сиёвуш

Мен этдим бу сулҳ амрини ихтиёр,
Буларда рад этмакка йўқ иқтидор.
На ҳожат шу беҳуда қонлар тўкиш,
Бузиб юртни, бошлар кесиб жон сўкиш.

Кайковус

Унутдингми Афросиёб қадрини,
Қачон билди у яхшилик қадрини?
Ҳали ҳам эса сулҳни вайрон этинг,
Қўшун жам этиб, Турон узра кетинг.

Рустам

Шаҳо, сўнган ўтни яна ёқмағил,
Бас энди жафо таблини қоқмағил.
Элу юрт учун адлни пеша қил,
Сенга ҳам ўлим бордир, андеша қил.

К а й к о в у с

Насихат қилурсан менга бу замон,
Бу қўрқоқлиғингдан эрур бир нишон.
Сенга эҳтиёжим йўқ, эт тарки саф,
Қилурман ўзим душманим бартараф.

З о л

Шаҳо, айлама бунча ваҳшат шиор,
Ғазаб олдида бўлма беихтиёр.
Кўмакчиларинга қилурсан итоб
На ҳожат бу хилда заҳарли хитоб?
Сиёвуш кутиб юрту эл нафини,
Вужудга келтирди бало дафини.

К а й к о в у с

Сиёвушни ўғлим деб этмам гумон,
Йўқол, кет кўзим олдидан шу замон.

С и ё в у ш

Кетарман ота, бўлсангиз шунга шод,
Мўҳаббат элу юртга бўлгай зиёд,
Ватан бирла халқим учун ҳар замон
Қаерда бўлсам хизмат эткум аён.

Музика

Ато, бас энди қанча мамлакатни айладинг вайрон,
Адолат шевасин буздинг, эл ўлди зулм ила ҳайрон.
Сени Яздони пок элга бало айлаб юборган йўқ,
Бутун халққа отадек шафқат эт деб айлади фармон.

К а й к о в у с

Отанга бўлмагил оси маломат айлаб э, нодон.

Зол, Рустам

Сиёвуш тўғри дер, одамга ваҳшилик эмас лойиқ,
Қилур душманлик икки шох, арода халқ ўлур қурбон.

Кайковус

Кетинг сиз ҳам, демак бирликда барпо қилдингиз
исён.

Сиёвуш

Жаҳолат дардига ҳаргиз насихат бўлмагай дармон.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

Турон мамлакатига Афросиёб ўртасида Сиёвуш билан Фарангис
сафар кийимида ўтирибдирлар

Музика

Сиёвуш

Букун юз очмиш экан бизга толеи бедор,
Муяссар ўлди қулайликла давлати дийдор.

Фарангис

Висол боғини яшнатди бизга нур ила нор.

Сиёвуш

Ҳаётимизга бўлиб завқ бахш меҳр ила моҳ.

Фарангис

Бир ишқ хосияти бизга бундай иззату жоҳ.

С и ё в у ш

Хазон кўнгил бу замон яшнаб ўлди фасли баҳор,

Ф а р а н г и с

Саодат ила яшар соямизда халқу диёр.

С и ё в у ш

Чекилди кулфату мотам бу мамлакатлардан,
Адоват ўрнида бирлик, муҳаббат олди қарор.

С и ё в у ш

Висол эшиклари осон очилди бизга бу чоқ,

Ф а р а н г и с

Бу бахт ойинасин босмади ғубори фироқ.

С и ё в у ш

Магарки уйқуда ғафлатда қолдирар ағёр,

Ф а р а н г и с

Фалак ҳам этди магар зулмила жафосидан ор.

С и ё в у ш

(сўз)

Қилиб марҳамат бизга Яздони пок,
Даволанди бу чоқ икки дарднок.
Тугалди орамизда бегоналик,
Муқаррар бўлиб бизга ҳамхоналик.
Халос ўлди айниқса халқу ватан,
Ҳалокат, фалокат бутун фитнадан.

Ф а р а н г и с

Юриб раъйимизча қазоу қадар,
Тилакнинг ниҳоли берибдир самар.
(Вазирлар, амирлар, Герсеваз, Афросиёб кирадилар)

А ф р о с и ё б

Менга қилди илҳом улуғ нору нур,
Бажо келтирилди бир амри зарур.
Сиёвуш, Фарангис икки нав-ниҳол
Бу кун бўлдилар комёби висол.

П и р о н

Қилиб душманингга улуғ илтифот,
Эл этдинг уни шоҳи олисифот.

А ф р о с и ё б

Ҳукм сурди бу дамгача халқ аро,
Эрон бирла Турон деган можаро.
Буқунги маросимла битгай нифоқ,
Ики мамлакат бўлғуси иттифоқ.

(Герсевазда норизолик сезилиб туради. Музыка)

Г е р с е в а з

Сен эртанинг андишасини қилмай адашдинг,
Ёв бағрига гулдай қизингни отқоли шошдинг.
Шаҳо, кўзинг оч, ўйла, кейин бўлма пушаймон
Сеҳр этди у сенгаки бу хилда бўшашдинг.

А ф р о с и ё б

Хўш Герсеваз ўзни йўқотиб мунча тутошдинг?
Мен юрт ила эл тинчлигини кўзладим аммо,
Сен фитна, фасод тўлқунидай ҳарёна тошдинг.

Герсезаз

Гўёки ҳалокат чуқури узра ёнашдинг,

Герсезаз (сўз)

Шараф топти дунёда туру пашанг,
Эрон аҳлига қаздилар гўри танг.
Ялиндинг Эронга бўлиб хоксор,
Сира йўқ эмиш сенда номусу ор.

Афросиёб

Эрур мардлар ҳусни сўзда сабот,
Мунофиққа ҳеч ерда йўқдир нажот.
Ҳар иш аввали бошланибдир гўзал,
Бўлар охири ҳам бу йўл бирла ҳал.
Кетур, соқи, жомингни қил дафъи ғам,
Сиёвуш учун ростлангиз базми жам.
(Соқилар қадаҳ сўнадилар. Чолғучи, ўйинчилар кириб
Сиёвуш ва Афросиёбга енгил таъзимдан кейин ўйин
бошланади).

Хор

Сабо ол хабар ёр маъвосидан,
Хабар айла ошиқ таманносидан,
Дегилким жамоли тамошосидан
Умидворлармиз, умидворлар.
Париваш оёғин ўпиб айт салом,
Ҳам ошиқлар арзини еткур тамом,
Шароби висоли учун ташна ком,
Дил афгорлармиз дил афгорлар.
Гул ила безанмиш гулистон бу чоқ,
Кўнгилда тўла оташи иштиёқ,
Келиб базм аро бизга тутсин аёқ,

Харидорлармиз харидорлар.
(Бир хизматчи йигит кириб таъзим қилади).

Й и г и т

Сафар лозимоти этилди басар.

А ф р о с и ё б

Жуда яхши, букун қилурлар сафар,
Букун, биз Сиёвушни этдик қабул,
Фарангисни ақд айлаб этдим ўғул,
Сиёвуш, насиҳатга туткил қулоқ,
Хўтан шаҳрининг шоҳи бўлдинг бу чоқ.
Мудом адл ила марҳамат пеша қил,
Элу юртга тинчликни андиша қил!
Ёмонларни қил яхши сўз бирла ром,
Хушомадчидан уз алоқанг тамом.
Киши тоқатидан улуғ марҳамат,
Жиҳолатга солмас сени оқибат.

С и ё в у ш

Насиҳат дурин ҳарна этдинг нисор,
Тизиб жон ипига қилурман тумор.

А ф р о с и ё б

Бир иш бўлса менга юборғил хабар,
Чикайлик, туринг, ҳамдамингиз зафар.
(Чиқадилар, жориялар у ерларни йиғиштириб кетадилар,
Герсеваз, Қиёнуш кириб келадилар)

Қ и ё н у ш

Сиёвушла Ковус ики бад гуҳар
Сизи маҳв этишга кенгаш туздилар.
Аразлаб келибдир деб этманг гумон,
Ато ўғлини ҳайдамас ҳеч қачон.

Музика

Герсеваз

Очилгай сирри хоиннинг иши тоқай барор ўлмас,
Фалак доим уларнинг раъйи узра барқарор ўлмас.

Қиёнуш

Ёмон ҳеч яхши бўлмас, зоти ёв ҳечкимга ёр ўлмас.

Герсеваз

Инонма ҳар кишига, айлагай оламга шарманда.

Қиёнуш

Ёмондан қоч, ёмондан, токи жонинг борица танда,

Герсеваз

Сени расво қилур, аммо ўзига бир губор ўлмас.

Қиёнуш

Ўзига эҳтиёт ўлган фалокатга дучор ўлмас.

Герсеваз

Бўлур бе машварат иш охири бундай пушаймонлиғ,
Ўжарлар қанчаким хўрланса асло ҳушёр ўлмас.

Қиёнуш

Кишиким йўқдир идроки насиҳат ҳеч бакор ўлмас.
(Афросиёб вазирлар билан киради. Герсеваз бир хат беради. Афросиёб хатни ўқиб ғазабланиб бақиради)

Музика

Афросиёб

Бад асл учун жафо чекмак абасдир,
Эрур кўнгил қаро ҳеч мунаввар ўлмас,

Сенга охир бориб дунё қафасдир,
Сўнгра тинчлик оти ҳам муяссар ўлмас.
Оқ падарга ҳеч ким шафқат қилурми?
Эҳсон қадрин бундай душман билурми?
Кўз ёғин едирсанг фарзанд ўлурми?
Газанда ҳеч қачон биродар ўлмас.

Пирон (сўз)

Нечундир шаҳим мунча жўшу хуруш?

Афросиёб

Аразлаб келибман деб эрди у кун.
Келибмиш у Туронни бузмоқ учун
Қўшун йўллагайман бориб ушласин,
Тарафдорларин қириб ташласин.

Пирон

Шаҳо, сабр қил, бу қадар кетма тез,
Аниқланмаган ишга қилма стез.
Сиёвушга лутф айладинг бе адад,
Чидолмай бунга айлаганлар ҳасад.

Герсезаз

Етар, Пирон, энди бу бемаъни сўз,
У душманни оқлаш тилайсан ҳануз.
Сен айтганча мен бўлдим ул фитнагар,
Демакким кўзинга етибдир зарар.
Агар кўрарсанг эронликларнинг хатин
Демасдинг менга фитнагар тухматин.

Афросиёб

Иков бошладингиз хусусий жиҳод,
Ҳали сизгами юрт этар эътимод?

Керак эрди сизлар бўлиб ҳамжиҳат
Бу иш бобида берсангиз маслаҳат.

Пирон

Юбормоқ керак ул томон бир киши,
Назорат этилсин Сиёвуш иши.
Хабар қилсаким вазиятдир ёмон,
Хўтан узра юрсак бўлур ул замон.

Бошқалар

Жуда тўғри.

Афросиёб

Ким бунга моҳир киши?

Герсеваз

Эрур бу вазифа Қиёнуш иши.
Маҳоратла қилгай бу мушкилни ҳал.

Афросиёб

Бу ишни тугатмакка сен қил жадал.

Музика — кваттет

Бу ўлкада яна ёв айлади вужуди исбот,
Фусуну ҳийла билан ақлимизни айлади мот.
На бўлди барчамизи алдади ёвуз душман
Кўз ўнгимизни бу чоқ босди қайғули зулмот.

Герсеваз

Бу фитна дафъи учун бизга лозим азму сабот.

Қиёнуш

Ўлимдан ўзга у душманга йўқ умиди нажот.

А ф р о с и ё б

Бориб кузат уни то, бўл хаёлидан огоҳ,

Герсезаз

Ўзингни кўрсат унга бир ишончли давлатхоҳ.

А ф р о с и ё б

Ва лекин этма ҳалок, бизни шаънимизга уёт

Герсезаз

Қолур бу ишила сендан жаҳонда шонли бир от.

Қ и ё н у ш

Бу хизматинг бажарурман бошим турорса ҳаёт.

Б о ш қ а л а р

Сенинг буйруғинг, ишингда кўрсатур ҳамми сабот.

П а р д а

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Хўтанда, атрофи кенг бир саҳро. Сиевуш чодир. Фарангис қувноқ
бир ҳолда ўтиради. Музыка.

Ф а р а н г и с

Қайғулар мендан узоқ бўл, энди мен бегонаман,
Васл гулзорида шодон бахт ила ҳамхонаман.
Ул замонким ғам ҳужуми бирла бошим ҳам эди,
Энди мен озоди ғам, мурғи баланд ошёнаман.
Хавфи ҳижрон, рашки ағъёр энди йўқ бир зарра ҳам
Эрта-кеч ёрим шамоли шамъига парвонаман.
Термулиб дилбар юзига айтишурман рози дил,
Тотли сўз, бевосита ҳар лаҳза тинглаб қонаман.

Марҳамат қилди отам, раҳм айлади золим фалак
Йўқ жудолиғ ёр ила ишратда гул-гул ёнаман.
(Сиёвуш қайғули ҳолда кириб келади)

Ф а р а н г и с
(сўз)

Сиёвуш, сенга кимдан ўтди алам,
Қаердан илашди сенга бунча ғам?

С и ё в у ш

Келиб бунда Тинус деган бир йигит,
Хабар берди пойтахт эмиш ур-йиқит.
Отанг менга қарши бўлиб бадгумон,
Жўнабдир кўшунлар билан бу томон.

Ф а р а н г и с

Бу сўзларга кўнглим инонмайди ҳеч,
Отам мақтар эрди сени эрта-кеч.

С и ё в у ш

Йигит бундадир келтирурман бу он,
Инонмас эсанг қил ўзинг имтиҳон.
(Ташқарига ишорат қилади. Қиёнуш кириб таъзим қи-
лади).

Қ и ё н у ш

Маликам, кўп ой, кўп йил бўлсин омон,
Бўлиб раёю пайравлиғингда замон.

Ф а р а н г и с

Утир... хўш, Сиёвушга айтган сўзинг
Ҳақиқатми? Унда эдингми ўзинг?

Қиёнуш

Асоссиз хабар бўлса айтармидим,
Аниқ кўз билан кўрганимни дедим.
Дедилар Сиёвуш ўз аҳдин танур,
Туну кун ғазоватга ҳозирланур.
Эшитгач буни шоҳи туронпаноҳ,
Ғазабла буюрди йиғилсин сипоҳ.
Бу кин эртага эҳтимол келсалар,
Югурдим сиза айлайн деб хабар.

(Фарангис хат ёзади. Музыка — ария)

Сиёвуш

Оҳ қайда шодлиғ чоғларим, ғамла букун дилпораман
Ҳар кимга эрдим чорасиз, энди ўзим бечораман.
Аввал кўриб дилдорлиғ, охир бу дил озорлиғ,
Бахтим ҳам этмас ёрлиғ, бир бахти йўқ овораман.
Ҳар ерни қилдим ихтиёр, менга фалокат интизор,
Дўст этди душманлик шиор, кимга бориб ёлбораман.
Тушса арога жанг агар халқу ватан тинчсизланар,
Мен ҳам тез ўлмасман басар бир қанча сафни ёраман.

(Фарангис хатни ёзиб тугатди)

Фарангис

Кел э Тинус, ўлса сенга бемалол,
Бу хатни олиб пойтахтга йўл ол!
Отамга бериб хатни айтгил салом
Ҳам айтгил тилинг бирла бундай паём:
Сиёвуш итоатдадир барқарор,
Қилур хизматингиз билан ифтихор.
Сенга қарши бузган эмас ниятин,
У сақлайди фарзандлик вазиятин.
Пушаймон қилиб юрмасин сўнгидан,

Бор энди ишинг бошлагай ўнгидан.
(Қиёнуш таъзим қилиб чиқади. Сиёвуш бош кўтарди)

Сиёвуш

На эрди бу жон қийноғич шум хабар
Қилур ақлу хушингни зеру забар?
Яна Турон, Эрон деган можаро,
Ривожланғуси икки давлат аро.

Фарангис

Азизим, сра чекма ранжу кадар,
Отамга ёзиб айлагайман хабар.
Яна уқтириб айтса Тинус бу чоқ,
Умид шулки қолмас орада чаток.
(Қиёнуш шошилган ҳолда киради)

Қиёнуш

Келиб қолдилар шоҳи Афросиёб,
Бошидан оёққа ғазабли итоб.

Сиёвуш

Демак чиқмиш авжига фитна фасод,
Муҳаббатла дўстлик бозори касод.
Яна қон тўкиш, жон сўкиш, бош олиш,
Яна гавдалардан пой андоз солиш.
Керак энди бу ҳақда тадбир этиш,
Биза тўғри келди бу ердан кетиш.
(Афросиёб илгари, Герсеваз ва бошқа паҳлавонлар ке-
йинда кирадилар. Сиёвуш, Фарангис таъзим қилади)

Афросиёб

Мунофиқлик этма хиёнатчи шум.

Сиёвуш

Надир менга, шоҳим, бу ноҳақ ҳужум?

А ф р о с и ё б

Қизимни бериб сенга, ўғлим дедим,
Бузуқ ниятинг билмадим панд едим.
Сенга марҳамат айладим беҳисоб,
Бунга қарши исъёнла бердинг жавоб.

С и ё в у ш

Эрур менга тухмат бу исъёнчи ном,
Инонма унга, шоҳи олий мақом.

Г е р с е в а з

Агар мард сен айбингни бўйнингга ол,
Кел, афв иста, шоҳ ҳам кечар эҳтимол.

С и ё в у ш

Бу тухматни тасдиқлаб афв истайин,
Демак ноҳақ ўлмак учун қистайин.

Г е р с е в а з

Оғир тушса айбингни иқрор этиш,
Сени қутқаролмайди инкор этиш.
Бўлиб ўз хатинг бир узилмас каманд
Қилурдир қўл ила аёғингни банд.

С и ё в у ш

Нечик хат? Эрурман бутун беҳабар
Қани кўрсатинг тўғри бўлса агар.

Ф а р а н г и с

Сиёвушда йўқ айб, мендан у хат,
Дединг қўзғолончи бутунлай ғалат.

Музика

Ф а р а н г и с

Бир ўйла ота, марҳамат эт бўлма ситамгар.

А ф р о с и ё б

А?! Бўлма ситамгар?!

Ф а р а н г и с

Жабр айлама, зулм айлама, этма мени музтар.

А ф р о с и ё б

Этма мени музтар?!

Гўё ўз отангни санадинг золиму жобир.

Г е р с е в а з

Буларнинг йўли бир

Эр бирла хотин айланиш исёнга муқаррар.

А ф р о с и ё б

Эҳ оқпадарлар.

Ф а р а н г и с

Нотўғри гумон, таъна, ҳақорат бари ноҳақ

С и ё в у ш

Бу тухмати мутлақ

Сиз этдингиз иғволар ила фитнага бовар

Бунда чекиб аскар.

А ф р о с и ё б

(сўз)

Саволу жавоб ўлди ҳаддан узоқ,

Тутинг, боғлангиз қўлларини бу чоқ!

(Герсеваз бошлиқ паҳлавонлар Сиёвушни урадилар).

Сиёвуш

Мен айлар эдим қон тўкишдан ҳазар
Шараф, иззатимга ҳужум этдилар.
Мен этмасман обрўйимни хоксор
Қани келсин ўлмакка кимдир хумор!
(Ёнидан қилич суғуради. Паҳлавонлар бир қадам кейин
ташланадилар. Қиёнуш шу вақт орқадан бориб қилич
солади, Сиёвуш йиқилади)

А ф р о с и ё б

Тутинг.

Ф а р а н г и с

Оҳ Сиёвуш.

А ф р о с и ё б

Буни тез тутинг.

Бу бераҳм золимни тез банд этинг.

(Фарангис Сиёвуш устида. Қиёнуш боғланади)

А ф р о с и ё б

Нега айладинг қон тўкишга шитоб?

Қ и ё н у ш

Менга қилди Судоба шундай хитоб.

Ёзиб менга ҳар лаҳза хат узра хат,

Сиёвушни ўлдир дер эрди фақат.

А ф р о с и ё б

Буни текширинг, ким экан раҳбар?!

(Қиёнуш тинтилди, бир даста хат чиқади. Афросиёбга
берадилар. Афросиёб биринчи хатни ўқийди).

(1 х а т)

«Сиёвушни тез айлагайсан басар».

(II х а т)

«Тугаткил Сиёвуш ишин қил жадал».
«Келиб бунда Ковус ишин айла ҳал».

(III х а т)

«Қиёнуш — сўзингда сира йўқ сабот;
Сиёвуш ҳали ҳам юрибдир ҳаёт».
«Қўлингда қилич бор, бошин тезда ол
Келиб айла Ковуснинг умрин завол».

А ф р о с и ё б

Ишонган эдим бунга жосус экан.
Сабаб фитналарга шу манҳус экан.
Сиёвуш — мени афв қилғил бу кун,
Бу жосус этиб менга макру фусун.
Менинг буйруғимсиз сенга урди тиғ,
Ёмон от фақат менга бўлди дариг.

С и ё в у ш

Билурман, шаҳим, айт, этилсин сукут
(Афросиёб ишорат қилади, ҳамма жимлик)
Васият қулурман қулоғингда тут,
Қизингни, бу жосусни ол шул замон
Эронга, отам олдига бўл равон.
Ҳам иғвочилар ким эрур айла фош,
Эмиш барча ғавғога Судоба бош.
Фарангисда бордир уч ой ҳомила,
Набиранг, у ўксузни бошин сила!
Фарангис умидим, гули тозаси,
Етишқач менга ҳуснинг овозаси
Югурдим келиб, сенга етган замон.
Ажал тиғи етди менга ногаҳон.
Ризо бўл севикли нигор, алвидо (ўлади).

Ф а р а н г и с

Сиёвуш улуғ шахриёр...

Ҳ а м м а

Алвидо.

Музика

Ф а р а н г и с

Дариғо кетди дилбарим менга бир дилнавоз ўлмас.
Мени ўлдиргуси бу ғам ва лекин чорасоз ўлмас.
Жафоғар ҳийлагар жосус уриб жон қасдида шамшир
Каён шоҳин ҳалок этди ўз умри ҳеч дароз ўлмас.
Уйил, э кўзларим, тезроқ сенга теҳ қолмади ҳожат,
Гули айшим ҳазон ўлди яна бир қайта ёз ўлмас.

Х о р

Жаҳон кори будир ҳеч ким ҳамиша сарфароз ўлмас.

П а р д а

Б Е Ш И Н Ч И П А Р Д А

Эрон. Кайковус ўрдаси. Судоба жориялари Сууроқа ва Қайдофа билан ўтирган бўлади. Музика

С у д о б а

Билмадим, кимга қилай изҳори роз,
Ҳеч киши этмас бу ғамдан бениёз.
Доду фарёдимга ҳеч ким етмади,
Мақсадимга кимса хизмат этмади.
Въдалар кўрдим, вафосин кўрмадим,
Ғамли кўнглим муддаосин кўрмадим,
Кетди беҳуда ҳамиша хоҳишим,

Келмади ҳаргиз вужудга хоҳишим.
Йўқ менинг дардим билучи бир табиб,
Мен эрурман бунда бир тутқин ғариб.
(Кайковус кўлида хат, ғазабли ҳолда киради)

Судоба
(сўз)

Шаҳим, не учун бўлдингиз дарғазаб?

Кайковус

Бу ҳолатга ноқобил ўғлим сабаб.

Судоба

Нечик хат қўлингизда, кимдан экан?

Кайковус

Менга нотаниш от Қиёнуш деган.

Судоба

На ёзган?

Кайковус

(ўқийди)

Сиёвушла Афросиёб,
Эрон узра юрмакка айлар шитоб.
Бу ерда йиғилган қўшун беадад,
Талаб қилди ҳоқони чиндан мадад.
Букун-эрта юргайлар Эрон сари.
Сиёвуш бўлур фитнанинг раҳбари».

Судоба

Яна сизга Судоба шўрлик ёмон,
Ҳамон ён босарсиз Сиёвуш томон.

Ушал кун уни этмадингиз басар,
Букун кўйди ташвишга ул фитнагар.

К а й к о в у с

Орага тушиб Рустаму, Зол, Зар
Кўлимдан Сиёвушни қутқардилар.

С у д о б а

Ҳали ҳам бу фурсат ғанимат, туринг,
Кўшун жам этиб Турон узра юринг.

К а й к о в у с

Балли, раъингга мек чикиб шул замон,
Жўнайман кўшун бирла Турон томон.
(Чикиб кетади. Судоба хурсанд вазиятда)

С у д о б а

Қиёнуш эмиш ҳийлада бе бадал,
Қилур икки уч кунда бу ишни ҳал.
Кейин у тирик қолмоғи биз учун
Жуда ҳавfli, бизга келар қора кун.
(Ташқарида ғовур-ғувур, Кайковус, Рустам, Зол, булар
кейинидан мотам кийимида Қиёнушнинг қўли — орқасига
боғлиқ ҳолда Афросиёб, Фарангис ҳамда Герсевазнинг
қўлида Сиёвушнинг тож ва кийими, сўнгра халқ тўлқини
Кайковус Қиёнушни илгари тортади)

К а й к о в у с

Танийсанми Судоба, ким бу йигит?

С у д о б а

Гумон айладинг ўйнашим бу йигит
Ўйим ҳам бозоримла қабрим ҳарам,

Қўйибманмиким ташқарига қадам.
Йигитлар билан ошнолик қилай,
Улар ичра ишрат саролик қилай.
Сен эткач бу хил тарки номусу ор.
Ато касбин ўғлинг тутибдир шиор.

Ф а р а н г и с

Етар, энди Судоба, қилма талош,
Бу чоқ сирринг ўлди бутун халққа фош,
Сенга содиқ айғоқчидир бу йигит.

С у д о б а

Мени қопмоғон сен эдинг далла ит.
(Фарангисга ҳужум қилади. Афросиёб ўртага тушади)

А ф р о с и ё б

Етар шаллоқилиққа берма ривож,
Ўзин оқлаб олмоққа йўқ бир илож.
Сенга бу йигит нотанишдир фақат,
Бу Судоба ким бўлди, кимдан бу хат?
(Хатларни Судобага ташлайди. Судоба қараб бўшашади.
Яна талваса, хатларни ғижимлаб ташлайди. Музыка)

С у д о б а

Оҳ надир бу зулму жафо жону тан ёнди
Тухмату ҳужум ила оҳ бағрим ўртанди.

Айласам ғиғон ила дод тингламас ҳеч ким
Дўстларим ҳам этмади ёд, балки ёв сонди.

Энди шоҳ ила фуқаро бирлашиб менга қарши,
Бўлдилар бошимга бало дўстлиғим тонди.

Яздон, энди менга паноҳ йўқ, бўлак ғамхўр
Йўқ жаҳон элида вафо ҳийладир онди.

К а й к о в у с
(сўз)

Сени кимки фош этди золимдир у.
Ўзинг шайтон айғоқчиси фитнажў,
Сенга бу йигит ҳам, бу хат ҳам таниш
Сени оқлай олмайди энди тониш.

С у д о б а

Менга қарши тўхмат бутун сўзларинг,
Бу хил сирли хат ёзғучи ўзларинг.
Менга на қариндош, на дўст бу йигит,
Қаердан келиб чиқди энди бу ит?

Қ и ё н у ш

Етар, хоним, ортиқча қилма жадал,
Гуноҳингга ҳеч нарса бўлмас бадал,
Сиёвушни, Ковусни ўлдир дединг,
Қилични ўзинг менга берган эдинг,
Бунга қарши кўп ваъдалар айладинг,
Канизингни бермакчи бўлган эдинг.
(Судоба ерга тикилганча қолади. Халқ вакиллари шовқин
солади)

В а к и л л а р

Тилаймиз бу айғоқчиларга жазо,

К а й к о в у с

Ўлимдан бўлакка эмаслар сазо.

В а к и л л а р

Сирин энди билдик бу шармандани,
Беринг халқ қўлига бу даррандани

Жамоат йиғилган бу ерга бу кун,
Қасос олмоқ истар Сиёвуш учун.

К а й к о в у с

Мен олгайман ўғлим учун интиқом,
Буларга жаҳаннамда бўлгай мақом.
Булар боғланиб от думига бу чоқ
Шаҳар кездирилсин уриб юз таёқ.
(Судоба, Суроқа, Қайдофа, Қиёнуш олиб чиқилади)

К а й к о в у с

Яна бу жиноятга ким қўшди бош?
Жазоларман, албатта, этмакла фош.

А ф р о с и ё б

Шаҳо, бу замон бўлди ҳақ ошкор,
Жиноятчи, иғвочилар бўлди хор.
Қизим бўйида бор уч ойлик гумон,
Шуни ҳурмат эт, бизга бергил омон.

К а й к о в у с

Дуруст, сенга ҳозирча бердим омон,
Ишинг текшириб айлагунча аён.
Агар бу жиноятда бўлсанг шерик,
Сенинг устингга тортадирман черик,
Уруғ — аймоғингни қирурман тамом,
Гуноҳсиз эсанг, йўқ сўзим вассалом.
(Сиёвушнинг тож ва кийимлари тахтга қўйилади, Фарангис тахтга яқин бориб туради. Музыка)

Ф а р а н г и с

Чамандан учди булбул бу тиканни энди ёд этмас,
Шаҳим ором олибдир, эътибори арзу дод этмас.
Фироқу мотам ўртар жону жисми нотавонимни,

К а й к о в у с

Қазо сайёди олди нури чашмим меҳрибонимни.

Ф а р а н г и с

Ўлимдан ўзга энди бу ҳазин кўнглимни шод этмас,

К а й к о в у с

Фалак ҳеч кимни мендай ноумеду номурод этмас.

Ф а р а н г и с

Ер остига ниҳон ўлди букун хуршиди анворим,

К а й к о в у с

Бу фарзанд доғини менга қўйиб кетди жаҳондорим.

Ф а р а н г и с

Яна у зарра парварлик-ла дафъи гирдибод этмас,
Агар чарх этса ҳар кимга жафо бундан зиёд этмас.

Х о р

Ўлим жосусга, озорингдан ўзга ихтиёр эмас.
Парда тушади.

С ў н г

Ёзилган
4 октябрь 1945 йил

Кўчирилган
17 ноябрь 1945 йил

ШЕЪРЛАР

Муҳаббат гулшанида дил қилиб нашъу намо пайдо,
Қилур жон бўлбули ҳар лаҳза юз минг хил наво пайдо.

Муҳаббат қўймайин қилгон бир ишда фойда ҳам
Нифоқ аҳлига қарши эл ишончи бўлди но пайдо. камдир,

Кўнгул кўзгусига сайқал берувчи ҳам муҳаббатдир,
Чу — занг босқон темирға ишлагач қилди жило пайдо.

Муҳаббатнинг изидин ҳар киши мақсадга йўл топғой,
Чекинмас бир қадам йўл узра бўлса аждаҳо пайдо.

Ул одам ким муҳаббатсиз қарабдур касбига ҳарғиз,
Унум бермас иши ҳар доим акс мўддао пайдо.

Муҳаббат ишқ эмасдур фарқини қилмишдур оқиллар,
Муҳаббат роҳату ишқ айлағай ранжу бало пайдо.

Муҳаббат ҳам садоқат бир-бирига боғли мустаҳкам,
Бусиз иш сўнгида бўлғай нифоқ ила рие пайдо.

Оталар ўттилар айлаб ватан, элга муҳаббат фош,
Садоқат-ла ватанга қилдилар файзу сафо пайдо.

Муҳаббат ҳам садоқат доимо Хуршид каби тобон,
Қаронғу дилга бу икки гуҳар айлар зиё пайдо.

* * *

*

Эй кўнгүл бўлмиш сен ишқи дәрбадарга мубтало,
Бўлдинг ўз раъинг била бир дардисарга мубтало.

Марҳаматли ёр излардинг не бўлди сенгаким,
Дилрабо деб бўлдинг охир бир ўжарга мубтало.

Ишқнинг фарзандлари гар васл бирла ҳажр иков,
Ҳар бири ишқ аҳлин айлар бир хатарга мубтало.

Васл агар бўлса насиб ошиқни шодлиқ ўлтурур,
Ҳажр ўти тушса қилур сўзи жигарга мубтало.

Юз жафони бир вафо бирла унутдирғой сенга,
Бир вафони оз деб ўлма шўру шарга мубтало.

Ишқ бир майдирки ичкан кимса айлар тарки ҳавас,
Бу ширин май айлар умрингни заҳарга мубтало.

Рашк этарсан этса ағёрингга гар ёр илтифот,
Балки ағёр ўлғуси сендин батарга мубтало.

Қуш бўлуб ағёр бахти васл боғиға учар,
Сен эурсан толеъи беболу парга мубтало

Вомиқу Фарҳоду Мажнун ҳолидур ибратнамо,
Бўлдилар ранжу ғаму дарду қадарга мубтало.

Дилбарингга марҳаматсиз деб маломат қилмаким,
Қилсанг учкундин ҳазар бўлгунг шарарга мубтало.

Сенга ҳар дам ишқ таркин айла деб қилди хитоб,
Бул ажаб Хуршид ўзи бўлди қамарга мубтало.

* *
*

Кел гулшан аро ноз ила дилбари зебо,
Эгнингга солиб ҳур каби хилъати дебо.

Ёдингда кечарман бутун оқшомлари бедор,
Дардингла туганди менга сабр ила шикибо.

Мен нолау афғонда, вале санда тағофил,
Ушшоққа керак йўқми муросау мадоро.

Майл айлагали сен менга таън айлар эмиш эл,
Йўқ-йўқ бу фақат тухмату бир фитнау ғавго.

Жавр айлар эсанг дер эдим «ўргатди рақиблар»,
Ижодинг эмиш ҳар нечаким зулм эса пайдо.

Юз каъба бино айлама, бир дилни қувонтир,
Соғларни ҳалок айлама, қил хастага парво.

Сен парданишинсен, мен даҳр сори югурмак,
Кўнглумда фиғон, тилда наво айларам ижро.

Ҳаргиз демадингким сенинг ишқинг кераги йўқ,
Ул чоқки мени айладинг ўз ҳуснингга шайдо.

Қўйинг менга манзурдур, лутфингдин узоқмен,
Ҳолим на кечар бўлса макон дашт ила саҳро.

Ҳеч қилма таажжуб, нега Хуршид жаҳон гард,
Ой ҳажри этибдур уни саргаштаи дунё.

* * *

*

Эй ҳур талъат, очма юзинг анжуман аро,
Ошиқни отма оташи рашку маҳан аро.

Гулдек юзингни кўргали чекмишман интизор,
Не бўлди, қўймадинг қадам, эй гул, чаман аро.

Гулшанда мен тиканни кўруб қилма эътироз,
Но аҳлдин саломат ўлур гул тикан аро.

Жоним сенинг нисоринг учун гарчи арзимас,
Раҳм айла жавр бирла хароб этма тан аро.

Инсофу марҳамат билан айла бир илтифот,
Шод эт қулингни лаҳза бу даҳр кўҳан аро.

Лутфинг умиди бирла дилу жон ҳамиша шод,
Қийноқда қўйма доимий байтул хазан аро.

Ғаммоз ётға қулинг мени бечора айлагон,
Бу икки нуқта қўйди мени шаку зан аро.

Бу ишқ можароси на ерга топар қарор,
Ё васл, ё ўлум ёширинган туман аро.

Васл орзусини қилурману хавф ичрадур кўнгул,
Бағримга таъна нишин урар ҳар суҳан аро.

Хуршидга дерсан: ишқ ўти куйдурса тут ниҳон,
Қандай оловни ул ёширар пираҳан аро.

* *
*

Дило, бўлсун бу чоқ манзил сенга девон истиғно,
Тамали тахтдин афзалроқ эрур вайрон истиғно.

Таманинг ҳосили хўрлиқ бўлур айру зари зое,
Туман ботмон бу хил дондин зиёд бир дон истиғно.

Тама ҳеч қилма, меҳнат қил, ёлинғой сенга бойлар ҳам,
Қўлингда ихтиёр ўлғой бўлуб султон истиғно.

Биров гар сунса заррин жом асал бирла тўло ичма,
Яғоч косанг тутуб беминнат ўл меҳмон истиғно.

Насиҳат тингласанг эй дил тама хор айлағой доим,
Қаноатла топар иззатким эрса кон истиғно.

Жаҳондз миннати мардум эрур тоғдин оғир бир юк,
Вале то бор жаҳон, зарра камаймас шон истиғно.

Жаҳон ҳоқони ҳам бўлса хушомадла тама қилма,
Тама бирла шоҳ ўлма, бўл бу дам дарбон истиғно.

Дамишдур кекса ўтмишлар жаҳонда тўймағой суқлар,
Қаноатнинг табибидин керак дармон истиғно.

Тамадин топқонинг бир ой, ўзинг топсанг умрликдур.
Ҳалол меҳнатла рўзи топ, тутуб домон истиғно.

Кўзинг оч, бўлмағил ғофил, тамадин қоч, тамадин қоч,
Суқ акси қус бўлур албат, қусарсан қон истиғно.

Фалак узра кезар Хуршид, тамага бўлмағой мойил,
Мақом ўлмиш бу боисдин анга кайвон истиғно.



Кўклам чоғи бул боғ аро, сарву суман оро,
Шоядки топар шавқ ила байтул хазан оро.

Ортиқчалиқ этмайди чаманга гули раъно,
Берган эса ҳам савсан ила настаран оро.

Мажнунлиқ эрур гулга сени этголи монанд,
Лайли каби бўл, кел бу замон жону тан оро,

Ғам тоғини мендин кўтар, эт кўнглими бўстон,
Берган каби тоғ водисига кўҳкан оро.

Қул қатлини истар эсанг аввал мени ўлдир,
Топқой жигарим қони билан пирҳан оро.

Сен бўлмас экан, ноз ила боғ ичра хиромон,
Гулшанга нечик берғуси зоғу заған оро.

Ишқ айби учун ҳақли жазо бор эса ҳукм эт,
То қонли таним бўлғуси дору расан оро.

Фош этти гўзал сунъийни рассом табиат,
Берди бу жаҳон дайрида сендек ватан оро.

Мен хастага кундин-кун ошар дард ила кулфат,
Сен нозингга ҳар дамда берурсан туман оро.

Мен дард фироқ ила чекиб нолау мотам,
Тенгдошларингга сен туну кун анжуман оро.

* * *

*

Қоматингдек сарви мавзун кўрмадим бўстон аро,
Учрамайдур гул юзингдек тоза гул ризвон аро.

Қошларинг андоғ камондурким отиб мужгон ўқин,
Бир жароҳат қилмайин ўрнашди қону жон аро.

Тишларингдек тоза дурни кўрмагондур бир садзф,
Лабларингдек лаъли шаккаррез йўқтур кон аро.

Кўзларинг мардумни алдаб суратин олди мудом,
Ишқ эли аксин ёширдинг пардаи мужгон аро.

Зулф анбарсоларингким ғайрати мушки Хўтан,
Банд этуб ошиқ дилин ташлайди тан зиндон аро.

Лабларингким нутқ ила ошиққа бахш айлар ҳаёт,
Балки йўқ бу хосиятлар чашмаи ҳайвон аро.

Сенга бермасман пари номин, қилиб жинга мисол,
Бир малақдурсан кезарсан олами инсон аро.

Қаср олийдур батаҳқиқ ҳурларнинг манзили,
Текмагай сенга ёмон кўз, кезмагил майдон аро.

Базми васлингда топиб ножинслар доим қарор,
Ғам матоин юклагон саргаштаман карвон аро.

Ваъдаи лутфу карам қилдинг вафосин кўрмадим,
Ёки борму зулму жабринг аҳд ила паймон аро.

Не учун Хуршиднинг акси кўзларингга тушмади,
Чунки сарҒардон эрур у дашти бепоён аро.

Эс бу дам, мен хастага лутф айла эълон, эй сабо,
Ишқ элига кўргуз эҳсонлар чиқор ном, эй, сабо.

Дард ишқу сўз ҳажр ортмоқда андоқким менга,
Қолмади кўнгулда сабру, танда ором, эй сабо.

Неча жон қилсам фидо ул ортдирар бегоналиғ,
Бўлди ағёримға ёр, ўлмай менга ром, эй сабо.

Ранжиса ҳам майли, қаттиқ эс, бўлуб мене анга,
Қўймоқ ўлса қора кўнгиллар сори ком, эй сабо.

Чунки кўб муддат эрур ҳажрин қилиб ҳамдам менга,
Интизор айлаб юбормас, нега пайғом, эй сабо.

Каъбаи қўйи тавофидин эконман баҳрасиз,
Азм қил атр исларидин боғлаб эҳром, эй сабо.

Қанча қосидким юбордим барча бўлдилар рақиб,
Бўлди ул зулфи масалсал барчаға дом, эй сабо.

Марҳаматким айламас, зулми била маҳв айласун,
Гар эсам ишқи учун мажбур аъдом, эй сабо.

Қолди сидқ ила вафо, бор менда бир вайрон кўнгул,
Айлагайман они ул дилбарга инъом, эй сабо.

Шарбати дийдор ила тенгқурларин саршор этар,
Дурди майдин менга етмас лоақал жом, эй сабо.

Йўқ эмиш Хуршид ул ойга учрашув айёми ҳеч,
Чунки ойнинг сайри доим бўлди оқшом, эй сабо.



Сен ул нозанда дилбарким сенга аҳли жаҳон шайдо,
Гўдак ҳам эр-аёл, ҳаттоки пир ила жувон шайдо.

Фақиру ағниёга лутф ила меҳринг баробардур,
Рақобат йўқ ҳамма гўё бўлуб бир жисму жон шайдо.

Гадо-ю шоҳу ҳуқёру жунун аҳли тутурлар дўст,
Гўзаллар, нозанинлар ҳам эрурлар бегумон шайдо.

Отолар ҳам боболар хизматингга ундаб ўтмишлар,
Бунингчун сенга эл ҳар дам фидоу ҳарзамон шайдо,

Онолар ранжиса авлодизин қувғой уни албат,
Ажаб шафқатлисан лутфингга ҳар қандай ямон шайдо.

Сенинг мадҳинг қилурға сўз тополмай лол ўлуб қолдим,
Негаким сенга бўлғон мендаги таъби равон шайдо.

Вафо бирла тавофу нақл боши ҳарзамон тилда,
Кўнгулда нақш эрур исмингу мадҳингга замон шайдо.

Яша шонли ватан, эй муҳтарам, эй меҳрибон модар,
Ўзингсан дилбарим ҳам сенга мендек нотавон шайдо.

Ватан меҳрин кўнгулга доимо нақш этмишам Хуршид,
Кетар тандин агар руҳим, қолур номим ҳамон шайдо.



Ишқингла кўнгул ўлди музайян чаман осо.
Ўрнашди бу гулшанда хаёлинг суман осо.



Хуршид хотирасига бағишланган виставкадан.

Васлинг тилаги бирла ҳаёт истади жоним,
Ҳажринг ила дунё менга байтул хазон осо.

Ғаммозлар этар севгини тарк айла деб иғво,
Бағримга қадалмоқда насихат тикан осо.

Мажнун каби саргашта бало даштида ҳар он,
Ғам тоғини маскан тутубам кўҳкан осо.

Ёдинг ила кўнглум эди хўб хурраму обод,
Ҳижронинг уни парчалади пирҳан осо.

Бир сўрки сен бўлмасанг ўлғай менга мотам,
Мотамда юзинг кўрсам ўлур анжуман осо.

Тенгдошлар ила базму тараб айладинг ижод,
Ғайрат тутуни тутди кўз ўнғум туман осо.

Жаҳд айладим ишқингдин узоқлошқоли лекин,
Зулфинг дилу жонимни тутубдур кишан осо.

Сенсиз менга гулшан кўринур бешаи ваҳшат,
Қумри кўринур кўзга ёқимсиз заған осо.

Хуршид юзинг тийра қилуб шоми ғам эй воҳ,
Ҳижрон булутин чўлғоди унга кафан осо.

* *
*

Эй ёр дилкаш, кўнглум эрур ғаш, бир айла дилхуш будир
таманно,
Бағринг эмиш тош, лутф этмадинг фош, зулм ўлди
подош қилдим тавалло.

Фарёд оҳим, ҳоли табоҳим, эй додхоҳим, сенга етишмас,
Билдинггу эй гул, қилдинг тағофил, сенда йўруқ шул,
ким эрса шайдо.

Хоҳи вафо қил, хоҳи жафо қил, нозу адо қил, бор
ихтиёринг,
Бор зору йўқ зўр, мен ишққа маъмур, куймакка мажбур,
қайғуга ошно.

Ағёр бадхоҳ, сен бирла ҳамроҳ, мен сори ногоҳ, бўлса
хироминг,
Эл-юртга одат, қилғой қиёмат, тана маломат, қизгин
тамошо.

Хижрон азоби, дилбар итоби, аччиғ хитоби, ёндурди
жоним,
Лутфу тараҳҳум, нозик табассум, ширин такаллум,
монанд анқо.

Тунларда бедор, эрдим умидвор, шоядки дийдор,
ўлғой муяссар,
Бахт ўлмади ром, фикрим бўлуб хом, йўқ менда ором,
на сенда парво.

Недур гуноҳим, бўлмай паноҳим, бахту сиёҳум
ёритмоғойсан,
Ё урди йўлдан ағёр душман, зулм айладинг фан, юз
шўру ғавғо.

Майли ҳалок эт, армонингга ет, мендан бўлиб чет,
қийноқда қўйма,
Мендан қутул сен, мен тинчигайман, қонимни бир тан
қилмайди даъво.

Лекин табиат, айлаб ҳақиқат, зулмингчун албат қайтар
мукофот,
Ул чоқ на ағёр, на сенга ғамхор, на бир мададкор
бўлмайди асло.

Ҳар қанча таҳдид этсангда Хуршид, узмайди уммид
лутф-вафодин,
Кўюнгда маскан, унга муайян, этмас бу ерда у азм
сахро.

* *
*

Сен ул ганжики сендин бенаволар қилди зар пайдо,
Ғаҳи дарёдадир, ғаҳ санг хородин гуҳар пайдо.

Зару зори билан ҳамдам бўлолмайду сенга ҳечким,
Сенга ким зўр этар сарф этди сахрода самар пайдо.

Оталарнинг сўзи: «ким тишламай ер, оғримай ўлгай»,
Сенга ким ёр эмас, ҳар ерда онга дардисар пайдо.

Бўлиб сен восита инсонға етгай ризқ беминнат,
Қилур сен орқали ҳатто ёғочлар баргу бар пайдо.

Бутун инсонға тан соғлик хуруши кимиё сенсан,
Сенга ёр ўлмагон танда бўлур иллат, зарар пайдо.

Удур энг бахтиёр одам сенга доим бўлур ҳамдам,
Эрур бахтсиз отинг тинглаб қилур титроқ қадар пайдо.

Сенинг ҳамдамлигингсиз аҳли дунё зар қилур ҳосил,
Аларға ҳар нафасда неча хил хавфу хатар пайдо.

Қочиб сендин гадолиқ қилғон иш ёқмас текинхўрлар,
Бу ёлқовларга кундин-кун бўлур ҳоли дигар пайдо.

Отинг меҳнат ва лекин айш роҳат бўлмағай сенсиз,
Кўмак сендин бўлуб айлар дарахтлар барг тар пайдо.

Агар меҳнатга мадҳия ёзишни эпласам Хуршид,
Ёзиб дostonлар айлардим бу ҳақда кўб асар пайдо.

* * *

*

Ишқингдин эй париваш кўнглумда дард пайдо,
Дардин шикоят этмас кимки ҳақиқи шайдо.

Қайғу аламла жоним қийноқдадур ҳамиша,
Ҳозирча бу насибанг қайғирма бунга асло.

Ағёр фитна жўдин етмакда ҳардам озор,
Сабр ўлса сенга пеша ҳечдур бу фитна иғво.

Сабримни косасига оғу тўлуб тошибдур,
Бир васл ила бу оғу бўлғусидур бол осо.

Кўрмак бўлурму мумкин ағёрсиз жамолинг,
Гўё қилиб бахиллик қилдинг бу хил сўз иншо.

Лутфингга ёр ағёр, жавр ўлса мен учун хос,
Сенга бир имтиҳондур ошубу шўр ғавғо.

«Давринг келипти сур бек» амсолиш қилурсан,
Тўғри бу сўзлар аммо кўнглум сенга муаммо.

Дилга дил ойна бўлса кўнглинг менга аёндур,
Лофи билимни урма, кўрсатма ўзни доно.

Йўқса нега ҳамиша мендин этиш танафур,
Ағёрни чалғитишдур бу ҳийлали тамошо.

Бу мақри ҳийла гўё мен бенавоға махсус,
Гар бўлмаса бу найранг ағёринг ўлғай аъдо.

Гўё мени унутдинг, ҳеч ёд айламассан,
Қўйғил бу сўзни ҳечким Хуршидни қилмас ахфо.

* *
*

Эй вафолиқ билан лоф урғучи даврон аро,
Сен каби аҳдин бузувчи борму ҳеч инсон аро.

Юз кўнгулни бир нафасда ноз ила қилдинг асир,
Бир кўнгулни шод этиш йўқ гўшаи виждон аро.

Дил экан фикру хаёлинг маскани этдинг хароб,
Фикру ёдинг сақламоқ мумкинми бу вайрон аро.

Бул ҳавасларнинг хушомад сўзларин айлаб қабул,
Қадр-қиммат қилмадинг оқил билан нодон аро.

Нася ҳурур жаннат истаб зоҳид амр айлар хабо,
Сен эурсан нақд ҳурим бу кўҳан бўстон аро.

Доимо боқдинг рақибим ҳолиға, аммо менга
Ёшиурсан кўзларингни пардаи мужгон аро.

Бахтсиз ошиқлар эмиш гўё ғариб ўз шаҳрида
Кимса ҳолин сўрмас эрмиш кулбаи эҳзон аро.

Майли, Хуршид ишқиға қилмайди бовар ул нигор,
Ишқ ҳукм этғуси охир рост ила ялғон аро.

* * *

*

Ошиқ ул соф дилки жонон ҳукмини айлар бажо,
Бир имойи ёр ила қилғуси юз минг жон фидо.

Жонини жононидин ишқ аҳли ҳеч тутмас дариғ,
Ёр учун қурбон бўлуб ошиқ топар нашъу намо.

Ишқдан эътиҳабар, қайтармағил ишқ аҳлини,
Қайда кўрдинг бир баданким юрди жонидин жудо.

Ёр васлингни йўлин ҳеч тутма монёъ бўлмаким,
Бир хатодур бу амал ишқ аҳли ҳақиға жафо.

Арзимас жонин фидо қилмоққа ошиқ мунтазир,
Бу тирикликдин эрур жонон ризоси муддао.

Севгига дармон эса жон бермак ила бўлғуси,
Бу учун жон этмасун беҳуда кетдим деб наво.

Ишқ эли шавқ ўтида парвонадек куймак керак.
Кўкда чексун гуллари ишқ ичра куйдим деб садо.

Дардсизлар билмағойлар севги ганжин қадрини,
Бермағайлар севгига беҳуда юрганча баҳо.

Дарду сўзу шавқ эрур Хуршид ила ҳамдам мудом,
Сирига бедардлар ҳаргиз бўлолмас ошино.

* * *

*

Эй кўнгул айлама бас, ғалфат ила умр ҳибо.
Эмас инсон шарафи мол, зару заррин ибо.

Илму урфон ила инсон ва баҳойим аро фарқ,
Ақлу ҳисдур башар авлодиға мезону баҳо.

Илм эрур тийра кўнгулларни ёрутғувчи қуёш,
Илм ила кетти кадар, зангию дил топди сафо.

Илмдур ваҳшийни ром айлағувчи муъжизи пок,
Жаҳл ила дўстлар ўлуб душману шоҳ ўлди гадо.

Илм бир бойлиқ эрурким, унга йўқ нуқсу завол,
Бир хазина эрур у сарф ила бўлмайти адо.

Илм эрур дуржи садаф, дурри онинг фазли адаб,
Жаҳл эрур бир марази мавт унгадир илм даво.

Илм ила учди қанотсиз фалак узра инсон,
Илм ила тингланадур Шарқдин эсса Ғарбда садо.

Илм эли номи қолур хотирада ҳеч ўчмас,
Илмсизларни бўлур жони, тани, исми фано.

Илм бир нур, муламмаъ, абадий шони унинг,
Илм этуб фош ҳақиқат тузалур саҳву хато.

Ёшлиқ айёмини Хуршид этуруб этмиш экан,
Илмнинг қадри ўтуб, қайғурадур субҳу масо.

* *
*

Инсон дема номардниким ундан кўпак авло,
Инсонки эрур илмсиз, ундан эшак авло.

Ахлоқу адаб, илмсиз учмакла ҳавога,
Обрў эмас ундай кишидин шаппарак авло.

Номардга биров марҳамат айлаб берур авқот,
Исроф ўладур яхшиси анго суяк авло.

Номарду илмсиз учун энг яхши зиёфат,
Лаззатли таомдин самон ила кепак авло.

Ҳар кимса каби илм эса зоҳиддур у ё шайх,
Нондин садақа бўлсин у бир сак кесак авло.

Жоҳил сўзи таррак кабидур бемаза лекин,
Озроққина илми ила сапча хамак авло.

Жаннат берадур зоҳид агар миннати бордур,
Миннатли гўзал боғи жинондан катак авло.

Ақлинг бор экан пиру эшонларга инонма,
Илм орқасида дўппинг эса чамбарак авло.

Номарду илмсизлар ўлурлар жуда безбет,
Бир ўйла ўзингим бақа ёхуд самак авло.

Зоҳид сўзича халққа бу дунёда вафо йўқ,
Лекин тамаъ айлаб ўзни тутса этак авло.

Номарду билимсиз ҳақида сўзлама Хуршид,
Бу тойифанинг бўғзиға урсанг калак¹ авло.

* *
*

Ҳуснинг гулидин шавқлар ўлди менга пайдо,
Кўнглум аро бўлди асар ишқ ҳувойдо.

¹ Калак — наштар.

Зарра каби бир ерда турарса на қарорим,
Бир телба каби ақл ила ҳис ғорату яғмо.

Ҳижрон алами ўзлугум эттирди фаромўш,
Эҳсон юзидин айламадинг лутфу мадоро.

Раҳм айламағоч сен сўрамас ҳолими бир дўст,
Сен зулм этуб озору жафо еткирар аъдо.

Ишқингда жалойи ватан этдинг менга таклиф,
Мендин сира ҳам келмас амалга бу таманно.

Дилбарга макон шаҳраро, дилдорда кезар дашт,
Инсофу мурувватга мувофиқ эмас асло.

Кимдин қочиб ошиқ тутадур дашт уза манзил,
Гўёки берур ваҳшийлар ошиқға тасалло.

Ҳар кимки шаҳардин қувулур икки сабаб бор,
Ё фитначи ү, ё эса бир жиннийи расво.

Мен хаста на фитна, на жунун бирла ишим бор,
Аҳволим эрур ҳажр ила бу хилда муаммо.

Кўйингдаги итлар бири деб бил мени, йўқла,
Соф кўнгул ила айладим ишқинг уза даъво.

Хуршид талаби васл ила саргашта бўлубдур,
Бўлмасму унга неъматидийдор муҳайё.

* *
*

Дило, ранжитмағил ўзни, гўзаллардин вафо истаб,
Солурлар дардга аммо топмағон ҳеч ким даво истаб.

Қилурлар кўз имоси бирла йиртқиқларни ҳам мафтун,
Асир ўлдинг, ўтар умринг бу мухликдин рихо истаб.

Гўзаллар фитнасиндин бир-бирига икки кўз ағёр,
Бўлур мажрум иков ҳам, келмиш эрди тўтиё истаб.

Табиат ҳам гўзаллар хоҳишини айлағай ижро,
Заҳарли ўт берур келсанг агар оби ҳаво истаб.

Биров мажнунлиқ унвонин олиб саҳрода саргардон,
Биров тоғда муқайяддур ризойи дилрабо истаб.

Солиб Билқис каби овозаси олам аро шўриш,
Сулаймонларни саргардон этар мулки сабо истаб.

Кизиқмаслар гўзаллар ҳусниға боқмоққа кўзсизлар,
Басират аҳли суқлонғой тамошойи лиқо истаб.

Мени бечорани бир нозанин ҳусни этибдир банд,
На лозим эрди мен маҳзунға бундай можаро истаб.

Ул ойнинг ҳусни ганжиға етолмай бенаво Хуршид,
Нигаҳбондур рақиби аждаҳо борсам наво истаб.

* *
*

Ишқ дарди бедаводур қурма бозор, эй табиб,
Ишқ элиға раҳм қил, кўп берма озор, эй табиб.

Қилса ҳар ошиқ сенинг бефойда дармонинг қабул,
Бўлғуси ёр олдида оси гунаҳкор, эй табиб.

Келса қўлдин дилраболар кўнглиға айлаб илож,
Қил мулойим, лекин этма соғни бемор эй табиб...

Кет туруб болиним устидин ки сен бедардсан,
Маслаку мақсадда эрмассан менга ёр, эй табиб.

Дард эрур дилда, оғзиға айламак бўлдинг даво,
Бу сенинг нодонлигингни айлар изҳор, эй табиб.

Сен агар Луқмону Афлотун билан сафдош эсанг,
Урмағил лофи билимдонлиқни зинҳор, эй табиб.

Топмағондурлар улар бу севги дарди чорасин,
Ўжуръат этдинг, сенда йўқдур заррача ор, эй табиб.

Ҳажр бемориға еткургонми зарра манфаат
Сен дегон чилёсин ила кинна тумор, эй табиб.

Сен ўлим жосусисан, Хуршид инонмайдур сенго,
Қўй мени, дунё мен ила бўлмағой тор, эй табиб.

* *
*

Оҳ ким бе ғам эдим, менга эди жонон табиб,
Ёр араз этди, сабаб бўлди магар нодон табиб.

Ул замонким хаста ҳолим сўргали келди нигор,
Кўрди болиним уза айлар менга дармон табиб.

Учди ранг, қон қочдию, юзда ғазаб бўлди аён,
Мен хижолатға чўмуб, бўлғон эди нимжон табиб.

Узрхоҳлиқ кўрсатиб дилбарга ёлвордим у дам,
Деди: «Жим бўл, сенга мендин фойдали эшон табиб.

Лоф ошиқлиқ урарсан ҳийлау ёлғон эмиш,
Бўлғусидур сенга ғамхор эмди бу нодон табиб.

Қайғулардим ҳолингга, сенга ишончим зўр эди,
Бу замон даъволарингни айлади ёлғон табиб.

Сен мени ёд айлама, мен ҳам унутгайман сени,
Чунки топмассан бу ёнглиғ қадру қимматдан табиб».

Қаҳр ила гўё отилғон ўқ каби кетди чиқиб,
Қайғуга чўмдим, на қилмоққа эди ҳайрон табиб.

Давлати дийдор ила мағрур, майсиз маст эдим,
Берди менга бу замон нўш дорўй ҳижрон табиб.

Базм васл ёрдин мумкин эмас тутмак умид,
Чунки келтурди менга афсус ила армон табиб.

Дилрабо олдида Хуршиддек эди обрў баланд,
Айлади обрў шарафни ер била яксон табиб.

* * *

*

Нигоро сенга ҳолим дерман этгойми мадоро деб,
Тараҳҳум айла, мендин юз ўгурма, телба расво деб.

Жамолинг бир кўруб зулфинг камандиға бўлубман банд,
Не бўлди йўқласанг мен қулни «кел, ошифта шайдо» деб.

Ажабланма, нечун кўюнгадурмен зору саргардон,
Гадолардек ки киргай ҳар эшикка молу дунё деб.

Бу иш андоғ улуғ кучдурки Қайс исмин қилиб Мажнун,
Биёбонларға ташлаб чекдирар фарёд Лайло деб.

Биров Фарҳод исмин Кўҳнаға айлади табдил,
Ётарди тоғ уза Ширин ризосичун бу савдо деб.

Қилибдур раҳнамунлиқ менга ишқу шавқ дийдоринг,
Келибман шояд эткой дилбарим ҳолимға парво деб.

Жафо қил, хоҳи лутф эт, хоҳи ўлдур ихтиёрингдур,
Жафойингни билурман ўзгалар лутфидин аъло деб.

Ғақат дийдор ила бўлмоқ мушарраф орзуйимдур,
Гумон этма мени бир тентираб юрган ҳаюло деб.

Умидим борки дилбар хони васлидин қилур мамнун,
Вале зоҳид фасона сўзламоқда зухд тақво деб.

Мен эркон ғофил аммо ишқ пири айлади огоҳ,
Гўзалларда мурувват, марҳамат бир тухми анқо деб.

Табиат харна ёзмиш Хуршид гардани таслим,
Унутмасман букун ранжини нася айш фардо деб.

* * *

*

Дилрабо, шахлиқ аён эт, кўнглими таъмир этиб,
Лекин ағёримни шод этма мени таҳқир этиб.

Жонки гулзори жамолинг тоиридур раҳм қил,
Уч чибинни қийнама, побастаи занжир этиб.

Халқаи зулфингга банд ўлмиш экан ақл ила хуш;
Айладинг барбод уни минг макр ила тазвир этиб.

Лутфу эҳсон айлағил мен зору маҳзунға аён,
Тийра кулбамни жамолинг шамъидин танвир этиб.

Мен каби йўқдур қадимий ошиқинг ушшоқ аро,
Қил риоя кўҳна ишқимни букун тақдир этиб.

Ҳаддин ортиқ қийнади мен хастани дарди фироқ,
Мумкин эрмасдур тамом этмак они тақрир этиб.

Телбалардек сўзлашурман ўз-ўзим бирла гаҳи,
Кўкка фарёдиди чиқар ҳижрон ғами таъсир этиб.

Ҳар аламким етса сендин рози ва хурсанд эдим,
Ўртади жонни рақибим, ҳар замон тақдир этиб.

Фитнажўлар сенга гўё бўлди давлатхоҳ дўст,
Мен қулингни бесабот унвонила таъбир этиб.

Ҳарнаким ғаммозу ифвогар гуруҳи этдилар,
Рост билиб иғволарин, тутдинг уларни пир этиб.

Дарду ғамлар менга, Хуршид, эмди ҳамдамдир бу чоқ,
Эҳтиёжим йўқ уни даф этгали тадбир этиб.

* *
*

Одам авлодиғадур шахзор илму адаб,
Жавҳар ҳушу хирад, танга мадор илму адаб.

Илмсиз шахлар бўлур нуқсон ила тез хокпо,
Орттирар қашшоқға иззу эътибор илму адаб.

Бир дарахтдур илм, унинг одоб ўлубдур меваси,
Борчаға бордур хазон, доим баҳор илму адаб.

Илму одоб аҳли ҳеч бир бўлмағай хору забун,
Доимо ўз аҳлин айлар бахтиёр илму адаб.

Илмсизлик айлар икки дўстни бир-бирдин жудо,
Лекин айлаб ваҳшиларни рому ёр илму адаб.

Душманинг гар пашшадур, пили домон билғил вале
Пашшани айлар далири номдор илму адаб.

Ёшлик айёмини шўхлиқ бирла ўткарган киши,
Кексайиб, қадри ўтиб айлар хумор илму адаб.

Илм бир дуржи садаф, одоб анга дурдонадур,
Бўлғай инсон номин олмоққа шиор илму адаб.

Илми бор, одоби йўқ гўё зиёсиз бир чироқ,
Бири-бирига энг мувофиқ ёрдир илму адаб.

Еб ичиш бирла эмас, инсон билан ҳайвонга фарқ,
Одамийликка асос ва ифтихор илму адаб.

Ҳарнаким илм ила одоб узра, Хуршид, сўзладим,
Дарёдин бир қатра, хуллас беканор илму адаб.

* *
*

Маҳвашо, тун ярмида майдонга чиқдинг беҳижоб,
Эл қолиб ҳайратда оқшом чиқди дерлар офтоб.

Уйқудин уйғонди борча фитналар тонг отди деб,
Ишқ элининг кўнглига тушди яна юз изтироб.

Ишқ ҳарён чопди ошиқ сонини орттирғоли,
Талваса шоми ғарибонга тушуб тутди ниқоб.

Анзаво бурчакларида ётқон ушшоқи ғариб,
Меваий дийдор олурға сен томон қилди шитоб.

Эй қуёш рухсорингга ой чиқди даъвогар бўлуб,
Тун менинг даврим эрур хуш, сенга ким берди жавоб.

Айладинг шафқатнамолиқ ойға, эй оромижон,
Юзга тарқатдинг қаро зулфингни монанд саҳоб.

Ҳукмфармо бўлди тун шоҳи яна олам аро,
Ишқ эли байтулхазанға, дардсизлар майл хоб.

Мен ғарибу хаста дилда васл умиди қолмади,
Ҳажринг осмишдир мени бевақт бе дору таноб.

Ғамли кўнглум ой жамолингни кўруб бўлмайти шод,
Бир кўруб ишқинг юз ўлғой, жону дил бўлғон хароб.

Хоҳ жафо қил, хоҳ вафо, Хуршид учундир фарқсиз,
Иккиси ҳам вақтлидур маҳв ўлғуси мисли ҳибоб.

* *
*

Шаҳриёрим, не учун ходимға бу янглиғ итоб,
Бир гинали қулға шоҳ этмас бу хил аччиғ хитоб.

Нақд хуш ила хирадни тўктум, ишқ этдим харид,
Ояти васфингни ёздим лавҳ дилға боб-боб.

Сенда йўқмиш зарра инсофу муруватдин нишон,
Соф кўнгул навкарни ит ўрнида қилмассан ҳисоб.

Ҳар замон қурбон бўлуб жонимни берсам ҳар нафас,
Бўлмадим мақбулинг аммо сенда ортди ижтиноб.

Бул ҳавас бедардларча сенга қадрим йўқ менинг,
Бўлдилар осмон олар, мен қадр ила бўлдим туроб.

Қўлланурсан мен қулингға нисбатан кибру ғурур,
Англадинг йўқсул мени, бахтим забун, ҳолим хароб.

Бағри тош бе меҳр эмишсан, сўрмадинг ҳолимни ҳеч,
Навҳа гар ҳолимға бу кун дўсту душман, шайху шоб.

Эмди шафқат кўрсатиб лутфу карам қилғил аён
Ҳажр дарди бирла барбод ўлди айёми шабоб.

Қайғу мотамни табиат хос этибдур мен учун,
Доимо уйғоқ эрур ғам толеимдур масти хоб.

Толеинг уйғонғуси, Хуршид, унга йўқдур гумон,
Ҳар қаро тун сўнгидан тонг етди, чиқди офтоб.

* *
*

Эй дил, илм истарсан аввал бир мувофиқ ёр топ,
Илм ганжин очқали бир воқифи асрор топ.

Илмдур тожи мурасса порлағай татбиқ ила,
Ганж одоб ичра кирғил гавҳари шаҳвор топ.

Илм бир олий бино, одоб анга зебу нигор;
Саъй оҳак тошларидин унга пойдевор топ.

Илм агар баҳри маввож ўлса фазл аъло гуҳар,
Хулқ ила бўлғил мусаллаҳ дурни бемиқдор топ.

Илм таъмири бўлур барпо кўнгул майдонида,
Чинмочиндин ҳам ўлса илм учун меъмор топ.

Илм бир гулшанки ёшнатғой уни саъю сабот,
Боғбонлиқға амал, отлиқ бир омилкор топ.

Илм эрур дарёи бепоён, ниҳоят йўқ унга,
Кемаи саъйинг миниб излайим заххор топ.

Илму фазл ила етар инсонға иззат, эътибор,
Йўқ эса ҳайвондек ўзни сотқали бозор топ.

Илм ила мумкин фалак узра чиқиб сайр айламак,
Илмсиз кўзга кўринма ётқали бир ғор топ.

Илм олиб фахр айласин ҳар одамийким ақли бор,
Жаҳл ила ким дер ҳамиша ранж ила озор топ.

Илм Хуршиди дурафшондур, сочар оламға нур,
Эй кўнгул, илм эт талаб, ҳар ерда бўлса бор топ.

* *
*

Ул пари не бўлди мен шайдоға қилмас илтифот,
Ишқида девонау расвоға қилмас илтифот.

Хусн аро танҳо эрур пардоз учун йўқ эҳтиёж,
Бу сабабдин зеб ила ороға қилмас илтифот.

Қомати зебо, юзи гул, рашк сунбул сочлари,
Боғ аро насрин, гули раъноға қилмас илтифот.

Бастаи зулфи каманди бўлмишам мен нотавон,
Нега бу ожиз, дили яғмоға қилмас илтифот.

Ишқ учун дерларки албат лозим эрмиш сийму зар,
Лекин ул дилбар зари, дунёға қилмас илтифот.

Мен заифи бенавода иззат, обру кўрмагач,
Истар аълоларнию адноға қилмас илтифот.

Марҳамат этсам талаб ҳар қанча зору зўр ила,
Не фиғонимға, не бир даъвоға қилмас илтифот.

Бу замон худбинлиқ ўлмиш маҳраму ҳамдам анга,
Не билур душманниким ошноға қилмас илтифот.

Хусниға мағрур эрур гўё унга йўқ интиҳо,
Бу учун не кекса ё барноға қилмас илтифот.

Нечаким, Хуршид, этарман ажз бирла арзиҳол.
Лекин ул жонон мени шайдоға қилмас илтифот.

* * *

*

Эй дил, ўзингга илму адабни шиор тут!
Ахлоқу илмсиздин ўзингни канор тут.

Бўлсун ҳамиша ҳамдамингу пеша мардлик
Номардға ҳеч мусоҳиб ўла кўрма, ор тут.

Номардлар ото, онони, дўстни билмагай,
Қил яхшилик, натижа ёмон интизор тут.

Номардлар илму халқ ва адабдин эрур узоқ,
Номардға ҳеч сир айтма, ўзинг устивор тут.

Номардлар энг яқин дўст ўлуб синг ўрганур,
Сақла ўзингни, ақл ила ҳушингни ёр тут.

Номард агар қилур эса бир жон сенга фидо,
Юз жондин уз умиду балоға дучор тут.

Номард ўз, ёмонлигини сенга ағдарур,
Ҳар қанча ўзни тоза, тиниқ беғубор тут.

Мардликдур олиҳиммату олижаноблиқ,
Ахлоқ, илминг ила они барқарор тут.

Номард кўз ёғинг еб олиб ғийбатинг қилур,
Билмайдур унга қанчаки мол-жон нисор тут.

Беилмлиқ қилур кишини хор ҳам разил,
Илму адаб билан абадий ифтихор тут.

Номард билан муомила Хуршидға берди дарс,
Эй дил, бас эмди илм ила мардлик шиор тут.

* *

*

Дилбар айлар мен ғарибин садқаи ноз оқибат,
Нафратиким, мендин этди, қилди иброз оқибат.

Ҳар нечаким, ишқ домидин қилурдим ихтироз,
Тойири ҳушу хирадни тутди шаҳбоз оқибат.

Ҳар нафасда кўрсатур мен хастаға юз минг итоб,
Қўрқаманким, жон қуши қилғойму парвоз оқибат.

Ҳажр ўти бағримни ўртаб ҳар нафас ортар шарор,
Бўлди жисмим куррау ҳадоду хаббоз оқибат.

Бердилар менга тасалли ҳар қаро тун сўнгги бор,
Келғуси ҳар бир совуқ қиш сўнггидан ёз оқибат.

Ишқ ҳаққокида бўлғой сохта васл имтиёз,
Онда қарға-қарғоу, боз ўлғуси боз оқибат.

Ғарчи ағёр олида жавр айлар, узмасман умид,
Сўз дуридин берғуси кўнглумға пардоз оқибат.

То бу дам мен бенаво таҳқир этилдим бесабаб,
Англағой содиқ қулин ёр айлар эъзоз оқибат.

Майли, дилбар хоҳ инонсин, хоҳи бўлсун бадгумон,
Шубҳа йўқким, фош ўлур бу ёшурун роз оқибат.

Яссавий, Жомий, Навоий, Хуршид устоди экан,
Бўлғусидир халқ аро ашъорим эъжоз оқибат.

* *
*

Ҳабибим бир нафасга тарк зулму жавру бедод эт,
Асири нотавонинг ҳажр занжиридин озод эт.

Қуёшнинг шеваси пасту баландға зарфишонлиғдур,
Демакким, заррапарварлиқ қил ушшоқнинг борин
шод эт.

Бошимда таъна, қайғу тошларидин тоғ эрур пайдо,
Келиб ширинлиғ ила пурсаш аҳвол Фарҳод эт.

Кўнгул ишқингға маскан эрди ҳижронинг хароб этмиш,
Ўзинг меъмурсан, ўз манзилингни бузма обод эт.

Сенга бергач пари нисбат жафожўлиқ зиёд этдинг,
Паридек жинсиятга боқма феъли одамизод эт.

Фироқу рашку қайғу ичраман, чун ниқтаи паргор,
Халос эт, хоҳи маҳв эт, майли қандай бўлса имдод эт.

Ҳамиша фикру ёдинг ақл ила ҳушимни банд этмиш,
Тополмон васлингга йўл, эмди сен бу йўлға иршод эт.

Сочарсан сўз дурин, Хуршид, эмас дилбарға ҳеч манзур,
Вале узма умидинг, бузма фикринг, назминг ижод эт.

* *
*

Кўнгулга тушди шавқинг шафқати дилбарлик изҳор эт,
Бу вайрон кўнгул ичра лутф этиб гулшан намудор эт.

Тавоф васлинг, эй санам, менга муяссар қил,
Қилиб иршод зулф анбаринг бўйнымга зиннор эт.

Рақиби фитнажўдин ҳар нафас етмакда юз озор,
Адолат пеша қил, хасму ғанимларни нигунсор эт.

Нечун жавру итобингни мени маҳзунга хос этдинг,
Хато нетдим билолмасман, билибдурсан, хабардор эт.

Гўзаллик шоҳи сен, содиқ вафоли қулни ранжитма,
Билиб навкарларинг қадрин, унга шаҳларча рафтор эт.

Мени ўзга парилар этмагай афсун билан мафтун,
Оёғинг туфроғидин бўйнима таъвизу тумор эт.

Туну кун интизоринг тортаман шояд келурсан деб,
Бас энди, бу камин бечорани меҳмони дийдор эт.

Баҳор айёми эл айлар тамошойи гули гулшан,
Насими субҳдек мен сори эс, кўнглумни гулзор эт.

Кифоя шул қадар ағёр ғаммоз раъйиға боқдинг,
Мунаввар оразингни, кел бу дам, шамъи шаби тор эт.

Ҳамонким ранжидинг дилбар фироқу ҳажридин, Хуршид,
Ўмидсизланма, ўзни ҳар замон машғули ашъор эт.

* * *

*

Фироқу ҳажр ила тутмиш кўзум ўнгин зулмот,
Фасона бор: зулмот ичра эрмиш оби ҳаёт.

Ва лекин орта борур менга заъф кундин-кун,
Ҳаёт суди эмас — ўртар мени шарори мамот.

Жаҳон оловлари ҳар қанча бўлмасин кучлик,
Бир озгина сув унинг ажзини қилар исбот.

Вале фироқ ўти тобора касб шиддат этар,
Агарчи оқти кўзидин ҳаминча Нийлу Фирот.

Пири итоби, рақибим изоси, жаври фироқ,
Тикилди менга, келмиш бу дам умиди нажот.

Тама ҳаром эса ҳам ишқ элиға жойиэдур,
Аларға ҳусн элидин орзуйи хайру закот.

Бу севги таркида сўз қилди дәрдсиз носих,
Саодат абади таркин этмиш, ҳайҳот.

Киши ўзи талаб айлаб дучори ишқ ўлмас,
Асир ҳажр эсаким васл берди хатти барот.

Муяссар ўлмади жонон юзин кўриш, Хуршид,
Эрур рақиб ила суҳбатда доим ал авқот.

* *
*

Марҳамат қилди шиор ул ёри жонон оқибат,
Яшнамоққа бошлади ҳоли парижон оқибат.

Бир афсона борки дерлар: ҳар камола бир завол,
Қўрқаман! ҳижрон берар айшимга нуқсон оқибат.

Чунки менга ул пари майлин кўруб ағёр дун,
Рашк этуб балки қилур иғвоу бўҳтон оқибат.

Содаваш бир софдилдур ул пари бовар қилиб,
Бўлғусидур менга эҳсондин пушаймон оқибат.

Бу жаҳон кори эрур гоҳи нишибу гаҳ фароз,
Айлағай пастни баланд, болони тубон оқибат.

Макр ила ҳаққоният бир-бирига зид келмиш мудом,
Ростлиғ устун бўлди-ю фош ўлди ёлғон оқибат.

Дилраболар кўнглидир симоб ёнглиғ беқарор,
Ноз ила кўнглинг олиб қилғуси вайрон оқибат.

Боғда қушлар хониши менга туюлғай таънадек,
Бўлди мен маҳзунға маъво байтул-эхзон оқибат.

Телба Хуршид, айладим сиррим ниҳон этмакка жаҳд,
Лекин ўлди ёшурун сир элга дoston оқибат.

* *
*

Жоно, қош ила қилиб ишорат,
Ишқинг дилу жонға солди ғорат.

Кўнглум ўйи маскани хаёлинг,
Бузма уни, айлағил иморат.

Ўз мулкини шаҳ хароб қилмас,
Сенда бу на шаҳлиғ ва аморат.

Ишқ аҳлиға хизби риё йўқ,
Ҳуснинг ила айладинг тижорат.

Жавр ила жафо сенга шараф-шон,
Одат сенга зулмдин иборат.

Нозинг ила ўлдилар кўб ошиқ,
Албатта бу мўвжиби кафорат.

Ҳажринг ила ўлтуруб ҳамиша,
Йўқ неъматни васл учун башорат.

Мақр ила ҳуснда бўлдинг устод,
Йўқ кимсада бу каби маҳорат.

Ўртанди дилу жон айрилиқда,
Рангимни қизотадур ҳарорат.

Сен орттирасан изоу кулфат,
Ағёр эса тухмату ҳақорат.

Ҳолим сенга арз этишга, Хуршид,
Афв айлаки, айладим жасорат,

* *
*

Ишққа майл этдинг кўнгул, шодию роҳатни унут,
Поймоли ранжу кулфат бўл, ҳаловатни унут.

Ақлу ҳушунгни самон янглиғ совурмоқ истадинг,
Истагинг бўлди бу чоқ жисми саломатни унут.

Қилмай озодлиқни тақдир ишққа бўлмишсен асир,
Эмди бўлдинг телбау иззатла ҳурматни унут.

Ишқ агар бўлса мажози аблаҳона бир ҳавас,
Гар ҳақиқий бўлса даъво дўсту улфатни унут.

Ёру дўсту ақраболардин жудолиғ илғасанг,
Севги домонини тутғил, одамиятни унут.

Ишқ эмасдур илм ё давлат, на бир фазли ҳунар,
Нафснинг истакларидиндур бу зиллатни унут.

Икки кўзни бир-бирига айлағай хасму рақиб,
Эттирар дўстлар аро меҳру муҳаббатни унут.

Ишқ ялқовлик, муҳаббатдур шараф-шонға кафил,
Истасанг ишқ ўйна инсонлиқ фазилатни унут.

Севги тўғри йўл чироғи берса бовар айлама,
Ҳуш ила бўл бу каби иғвоу ғафлатни унут.

Ишқ ғафвоу жунуну телбалиқдин эътибор,
Бир илиндингми анга тинчлик фароғатни унут.

Вомиқу Фарҳоду Мажнун ҳолин ўйла, ибрат ол,
Этмағил ҳаргиз улар тортғон фалокатни унут.

Нафсу кўнглум истагин, Хуршид, тутубман бу замон,
Иккиси эттирдилар ваъзу насиҳатни унут.

* *
*

Эй кўнгул ҳаддин ошиб кибр ихтиёр этмак абас,
Беҳаёлиқ шармсизлиқни шиор этмак абас.

Жисми одам бўлма, билғил одамилиқ расмини,
Сўзламак бирла фақат инсон қатор этмак абас.

Гарчи инсонлиқ нишони сўзламоқ, сезмак эрур,
Ўзни ёлғиз бу билан одам шумор этмак абас.

Могу дунёни йиғиб ҳечкимга нафъинг тегмаса,
Мақтаниб ўзни маломатға дучор этмак абас.

Давлатингда анғласанг муҳтожу йўқсул ҳақи бор,
Айла эҳсон, баҳл ила феълинг тор этмак абас.

Айлағай борлар мудом йўқсул биродарға кўмак,
Мардлик, одамлик будур, бу ишдан ор этмак абас.

Бул ватан ҳам халққа доим хизмат ила жонфишон,
Еб, ичиб тухматга оғзинг эски фор этмак абас.

Билгил ўз нуқсонинг, эй дил, илм ила қилгил даво,
Узганинг айбиға кулмак шармисор этмак абас.

Бўлма манманликка тутқун, халқдин айрилма ҳеч,
Ҳам ватанға ҳурмат эт, қардошни хор этмак абас.

Битмағай инсон шараф шонини, Хуршид, сўзласам,
Сўз дурин беҳуда сарф этмак нисор этмак абас.

* * *

*

Севги даъво қилғоли кўнглум қилур жон бирла баҳс,
Чок ўлишда айлади кўксум гирибон бирла баҳс.

Ақли ҳуш аҳлин жунуну телба қилмоқ ҳақида,
Ишқ билдурди маҳорат, қилди ҳижрон бирла баҳс.

Ишқ элин қатл этголиким кўрмиш ортиқ тажриба,
Қилди ё қошлар бу асрор узра мужгон бирла баҳс.

Ул санам сайр айлади ногаҳ олуб юзидин ниқоб,
Бут талашди қилди насрони мусулмон бирла баҳс.

Бағри тошдур ул пари, йўқ меҳру шафқатдин нишон,
Жавржўлиқда қилур ул чарх гардон бирла баҳс.

Вой ул кўнгулғаким бўлмиш бу золимға асир,
Жаври мен аъло деб айлар лутфу эҳсон бирла баҳс.

Ваъдаи лутф айлар, аммо тухми анқодур вафо,
Ростлиғ айлар бу учун ҳар лаҳза ёлғон бирла баҳс.

Этмади мен телбани меҳмон дийдор ул пари,
Боисин билмакка кимдур қилса жонон бирла баҳс.

Журъат этмон дилрабоға айлағойман арзи ҳол,
Бир қаро тош қандай этсун лаъли хандон бирла баҳс.

Ишқ ўти қилмас созуқ ағёр учун ҳаргиз асар,
Куйди парвона қилиб шамъи шабистон бирла баҳс.

Ҳар нечаким ҳажр аро, Хуршид, ўлубман тийра дил,
Тоқатим йўқ қилғоли ул моҳ тобон бирла баҳс.

* *
*

Дилбаро, менга йўлинг гарди эрур тахт ила тож,
Мен қачон ишқингда банд ўлдум ишим топти ривож.

Доимо ваъдаи дийдор ила мен мажнун эдим,
Сени ағёр ила кўрмакка хароб ўлди мизож.

Ғаму мотам кўшуни айлади кўнглумга ҳужум,
Толеъимнинг юзиға урди фалак зарбали кож.

Итларинг этди хусумат менга қилмоқла жафо,
Талаб этмакда кўнгул мулки учун жонни хирож.

Мен эканман сенга таслиму садоқатли қулинг,
Жону дил сенга тааллуқ, нега лозим унга бож.

Доимо мадҳинг ўқиб, ёдинг экан менга шиор,
Қўлладинг кўнглум уйига тўлатуб меҳринг эъжож.

Шарх ҳолин сенга Хуршид қилур қисқача арз,
Хоҳла қатл эт уни ё дардлариға айла илож.

* *
*

Дардманд ишққа дерлар йўқ эмиш асло илож,
Васл дармондур, бўлолмас соғару саҳбо илож.

Ишқ эрур бир оташи сўзон кўрунмас шуъласи,
Топмогон бунга на бир водон, на бир доно илож.

Ҳажр бахтсизлик демакдур тийра бўлғай рўзгор,
Ҳеч даво йўқ бунга аммо васл эрур танҳо илож.

Зоҳиди худбин берур иғво билан ғафлатға зеб,
Мастлик дер севги унга зуҳд ила тақво илож.

Дардсизлар ишқу ишқ аҳлиға таъна бирла дер.
Ишққа на доруйи Луқмон, на дами Исо илож.

Хуллас, эй Хуршид, ўзинг ишқу ҳавасдин тут нари,
Тут ватан, халққа муҳаббат бу сенга аъло илож.

* *
*

Ҳажрида қийнар мени ёр эрта-кеч,
Бўлди ағёриға дилдор эрта-кеч,

Ҳоли зоримға тараҳҳум айламай,
Орттирар дардлар юз бор эрта-кеч.

Онгладимким ул пари дунёпараст,
Бенаволарни тутар хор эрта-кеч.

Лутфу эҳсон номин этмак истамас,
Зулму жавр этмакла такрор эрта-кеч.

Хусниға боқмоққа кўз тўймайди ҳеч,
Кўнглидин золимлик изҳор эрта-кеч.

Арзи ҳол айлар гар этсанг илтижо,
Қаҳриға бўлғунг гирифтор эрта-кеч.

Гўшаи узлат мақом ўлғай менга,
Айлағаймен нолау зор эрта-кеч.

Ишқ савдосини, Хуршид, эмди йиғ,
Ганжи ғам эрмиш бу бозор эрта-кеч.

* *
*

Магар ор этди дилбар мен қулини бенаво кўргач,
Мени пир ўйлағондур ҳажрида қаддим дуто кўргач.

Қаддимнинг ҳамлиғи дилбарға таъзим айламакдиндур,
Дегай ишқимни ёлғон ул пари қаддим расо кўргач.

Асоға така қил дер, шарх ҳолимдин хабарсизлар,
Дегай бир чол гадо ул маҳвашим қўлда асо кўргач.

Умидимдур қавий ул нозанин шояд қилур шафқат,
Менинг кўнглумдоғи сидқу сафони бериё кўргач.

Агар ағёр эрур ул ёр базми васлила мамнун,
Умидим борки қувғой ёр алардин бир хато кўргач.

Алам ҳамдам, ғизойим ғам, йўқ ўзга шуғл ҳозирча,
Нетармен ёлвориб ҳар доим акси муддао кўргач.

Рақиблар шабпаракдек гўшаиға ўзни олғонлар,
Гўзаллар лутф ила эҳсон қуёшидин ҳаё кўргач.

Гўзаллик шоҳига ёлвор йўли узра ётиб Хуршид,
Қилур албатта шоҳ эҳсон йўли узра гадо кўргач.

* *
*

Сунди лутф айлабон нигор қадаҳ,
Қўймади сабр ила қарор қадаҳ.

Мен экан ақлу ҳуснда фарзона,
Қилди беҳуш ва ихтиёр қадаҳ.

Қайғудин толеим берарди хабар,
Ушбу дам этди бахтиёр қадаҳ.

Маю соғардин онча эрдим узоқ,
Бўлди ҳамдам севгили ёр қадаҳ.

Бода хўрдин қилур эдим парҳез,
Мен учун эмди ифтихор қадаҳ.

Қўймади дилда зарра ранж ила ғам,
Қайғуни қилди хоксор қадаҳ.

Зоҳид этгач шароб манъида сўз,
Бўйнима айладим тумор қадаҳ.

Риндлар базмидин чекиб озор,
Бўлди шодлиқ учун мадор қадаҳ.

Тушди дилбарнинг акси рухсори,
Дилда шавқ этди устувор қадаҳ.

Ўқидим севги масхафин, Хуршид,
Этди маъносин ошкор қадаҳ.

* *
*

Марҳамат кўрсат қулунгға, сўнғил, эй жонон, қадаҳ,
Шояд ўлғой эрди мен беморингға дармон қадаҳ.

Нотовон жисмимға бахш этғил тавонолиғ бу он,
Бўлғой эрди балки менга дафъи ҳижрон қадаҳ.

Мулк бахшаш айламасдин мен учундир мўътабар,
Лутф ила, эй ҳусн шоҳи, айласанг эҳсон қадаҳ.

Ташналаб ошиқни сероб эт зилоли лаълдин,
Яшнатиб дилларни этсун хурраму шодон қадаҳ.

Сабрим олдинг аввал айлаб қанча аҳду ваъдалар,
Хайф ўлубдур мен ғарибу ташнаға бу он қадаҳ,

Ҳар нечаким ваъда қилдинг, айламансан бир вафо,
Эрди дилбарларға муҳр ваъдау паймон қадаҳ.

Ёдинг ила маст эрур Хуршид майсиз, бодасиз,
Нур уза нур ўлғай эрди сунсанг, эй жонон қадаҳ.

* *
*

Эй жон қушин афсун била тутғучи паризод,
Кўнглумға солур ишқинг ажаб жавр ила бедод.

Ҳажринг қафасин маскан этиб жони фиғорим,
Кундуз югирур кўйингға, тунлар иши фарёд.

Шафқат ила ҳолимға боқиб, айла илоҳим,
Мен ғамзада бечорани лутфинг ила қил шод.

Эҳсону карам қилғоли истисно этилмас,
Ҳожат элиға лозиму лобид эрур имдод

Ҳар на десалар дўст кўриниб сенга бахиллар,
Ҳеч тинглама, шону шарафинг айлама барбод.

Кел холи харобим сўраб, эй шамсаи хўбон,
Дафъи ғам этиб қайғули ғамларни қил аъёд.

Ағёр ила кўргоч сени, бағримга тушар ўт,
Ёнмас бу каби шўъла сочиб курраи хаддод.

Ҳеч толмадинг ишқ аҳлиға зулму ситам айлаб,
Гўёки табиат сенга бу маънида устод.

Ҳуснингга ғурурланма, гўзаллик сенга меҳмон,
Не ҳусну, не ишқ қолғуси, не дом ва не сайёд.

Йиғ, эмди етар, фалсафа бозорини, Хуршид,
Халқ ила Ватан нафъиға шеър айлагил ижод.

* * *

*

Бир гўзалнинг ишқида жону кўнгулдур мастманд,
Зулфи ториға эрур аъзодағи ҳар банд-банд.

Ҳар неча ким севгидин ўзни қилурдим эҳтиёт,
Боғлади тадбир оёқ бирла қўлим бежон каманд.

Тушти ўт бағримға ҳар дам орта бормоқда шарар,
Дудини кўргоч дедилар ўтга солмишлар сипанд

Ёр ила ҳам базму ҳам суҳбат мудом ағёри дун
Мен ғарибу нотавонни айламас одам писанд.

Айламас сидқу вафоли қулни маъзури назар,
Ким нифоқ ила хушомадгўйдир анга аржуманд.

Кўрмадим юз ваъдасига бир вафодин ҳеч асар,
Лутфу эҳсон чоғида бергай баҳона бирла панд.

Беҳабар бедардлар дер фойдасиз ишқу ҳавас,
Ишққа банд улғоч не фойда келтирар ваъз ила панд.

Гарчи ҳавр айлар демак мен бенавони ёд этар,
Истагимдур ул парига етмағой ҳаргиз газанд.

Этмакинг, Хуршид, ул ойдин марҳамат, эҳсон тама
Бир қарра ағзинг чучитмас гар десанг нав бора қанд.

* * *

Нечик бахт эрди дилбар мени сари қилмиш равон қоғаз.
Масиҳосо бу жонсиз жисмима киргузди жон қоғаз.

Умид этмас эдим ул нозанин менга қилур эҳсон,
Ажабким кўнгил юмшаб бу дам этмиш армуғон қоғаз.

Магарким, ухлагон ағёру беҳамдам қолиб дилбар,
Зерикқан, эрмак айлаб балки ёзгон мен томон қоғаз.

Йўқ эрса ул гўзал шаҳ мен гадоға ҳеч эмас муҳтож,
Демак менга муҳаббатдин эмас, кони гумон қоғаз.

Менга бу бахт номасъуд ўлубдур ёр, инонмасман,
Тамаскўр айлаган ё ақлим айлар имтиҳон қоғаз.

Мен анга гусса орттирдим менга ул ёр ўлур офат,
На сирким пардаи макр ичрадур айлар аён коғаз.

Жавобин ёзғоли қўл журъат этса ваҳм манъ айлаб,
Деди сирри ниҳонинг элға айлар достон коғаз.

Хирад пири ва лекин дамба-дам этмакдадур тарғиб,
Бўлурмиш ошиқ ила ёр аро бир таржимон коғаз.

Паривашнинг қўлини бўса қилмоқла табаррукдур,
Менга таъвиз ўлур хоҳ, яхши бўлсун, хоҳ ёмон коғаз.

Керакдур дилрабоға рўбарў ҳолимни арз этмак,
Юрак дардин, кўнгул сиррин қилолмайдур баён коғаз.

Қувонма дилрабонинг макрини эҳсон санаб, Хуршид
Эмасдур муждаи дийдор, ҳижрондин нишон коғаз.

* *
*

Ишқ элиға бўлмағой дўстлар шакар, ҳалво лазиз,
Балки базми васл аро жоми майи, саҳбо лазиз.

Шарбату шаҳд айламакдин нўш жон ағёр ила,
Заҳр қотил сунса ёр албаттадур аъло лазиз.

Ошиқу дил хастаға Луқмон давоси заҳр ўлуб,
Бу даводин дилрабо ёди билан хулё лазиз.

Гунчадек лаблар табассум бирла сўз қилғої чоғи,
Руҳ бахш ўлмоқда гўёким дами Исо лазиз.

Дардманд ишққадур ширин насиҳат заҳри мор,
Ёр итоб ила такаллум қилса бол осо лазиз.

Зоҳиди худбин сўрар бир лаҳза зухддин илгари
Одамилиқдин риёли зухд ила тақво лазиз.

Булҳаваслар севгини бир яйлов этмишлар гумон,
Заҳр ҳижрон тотмайин дерларки бу савдо лазиз.

Бу жаҳон лаззатларидин, Хуршид, эмди кўз юмуб,
Қил Ватан, халққа муҳаббат ким, яна авло лазиз.

* *

*

Дило қувна, ул гулүзоринг келур,
Қоронғу тунингға наҳоринг келур.

Фироқи билан жон ўлурди фиғор,
Шу хаста танингға мадоринг келур.

Сени гар эзибдур жафожў фалак,
Ема ғам кўмакчи нигоринг келур.

Табибинг сени ёд этубдур бу он,
Демак боиси интизоринг келур.

Рақиб диллар сўзин рад этиб,
Сенга лутф ила шаҳсуворинг келур.

Ҳамиша қилур эрди сендан ҳазар,
Букун ул ғизоли шикоринг келур.

Очилмиш бу чоқда умидинг гули,
Давойи шу жон низоринг келур.

Ҳавоға совурғон вужудинг кулин,
Ушал куйдирувчи шароринг келур.

Умид, узма, Хуршид, охир олдингга.
Мадори сукуну қароринг келур.

* * *

*

Ваҳ-ваҳ на эди бу ранж ва озор,
Йўқ-йўқ менга очди севги дийдор.

Ўз-ўзидин ўлуб асири кулфат,
Кун-кундин ўлур тану дил афгор.

Ман-манлик этардим ишққа қарши,
Гар-гар керилиб ҳамиша саршор.

Гур-гур ёниб ишратим чироғи,
Гул-гул очилиб дил эрди гулзор.

Ҳеч-ҳеч ғам ҳажрдин ғамим йўқ,
Хор-хор маишат эрди азкор.

Сар-сар каби эсди севги боди,
Ар-ар қадим этди ерга ҳамвор.

Гаҳ-гаҳ мени дилбар айламас ёд,
Тоғ-тоғ алам ўткарурлар ағёр.

Кел-кел мени, эй пари, ҳалок эт,
Қўй-қўй, менга шафқат айла изҳор.

Фул-фул кўпориб кўнгулда шавқинг,
Булбул каби жонда нолау зор.

Бас-бас менга кофе жавру нозинг,
Кўз-кўзга тушуб уёлма, эй ёр.

Жон-жондин аламлар ўтди, Хуршид,
Чил-чил танам ўлди нақш девор.

* *
*

Ҳажр этди пора-пора дилим чоку жон фиғор,
Дарду алам ҳужумила сабр ўлди тор-мор...

Чиқғил ҳарамдин, оч юзинг эй сўз олгучи ой,
Кўнглум тунун жамолинг ила айлағил наҳор.

Кўйғил қадамни гулшан аро тонг насимидек,
Бахт эт чаманға файз сочиб мавсуми баҳор.

Жонни нисори мақдаминг этмак шараф менга,
Ушшоқ аро бу мартаба шахлиқдин эътибор.

Меҳр руҳинг тавофин этуб доим орзу,
Туфроққа солдим ўзни умид ила зарравор.

Бир карра мен ғарибингга ҳам айла илтифот,
Зулм ила айлама рақиб олдида шармисор.

Хок руҳингга тақя менга бўлмади насиб,
Хуш бахтдир улки висолинг ила бўлди комкор.

Хуршид этар талаб туну кун лутфу марҳамат,
Дийдори давлати етиб ўлғуси бахтиёр.

* *
*

Кўнглум айлар меҳрибон ёр ихтиёр,
Ёр этар ҳар лаҳза озор ихтиёр.

Мен садоқат айладим юз карра фош,
Зулм этар бир дамда минг бор ихтиёр.

Ўз жамолига ғурури бор анинг,
Айлағай сотмоққа бозор ихтиёр.

Ой юзин кўрмак муяссар бўлмағоч,
Тунлар этдим нолау зор ихтиёр.

Булҳазас бедардлар мақбул анга,
Ҳеч қачон бўлмайди бемор ихтиёр.

Дилрабонинг жавридин мажнун эдим,
Айлади қатлимни ағёр ихтиёр.

Таънаи мардум бу чоқ тегди жонга,
Телбаликка бўлди ночор ихтиёр.

Ҳажр шомига бўлур албатта тонг,
Лутф этар шоядки дилдор ихтиёр.

Ўйлағон кимса тиканнинг захрини,
Ҳеч бир этмас сайр гулзор ихтиёр.

Ишққа тутқунларда бўлмайду қарор,
Гулға етгунча қилур хор ихтиёр.

Беғараз улфатни, Хуршид, ахтаруб,
Айладим соғарла ашъор ихтиёр.

* * *

*

Васл учун кўнглумга тўлган хор-хор,
Бўлди лекин ёр учун ағёр ёр.

Ноз ила ёр учса қушлардек енгил,
Менга доим толеъи идбор бор.

Андалиб ўлмиш анга зоғу заған,
Дер мени ул сарв гул рухсор-сор.

Манъ этар хониш билан ашъордин,
Хониш анга айб эмиш ашъор-ор.

Йўқ менга ширин такаллумдин насиб,
Қилди дунёни очиг гуфтор-тор.

Зарра лутфу марҳамат йўқдур манга,
Айлади поёни йўқ озор-зор.

Ул пари гар ҳусн ила эрса ғани,
Мен каминда дийдаи хунбор-бор.

Номини бўйнуиға таъвиз айладим,
Бўғди бўзғимни бўлуб хуммор-мор.

Энди Хуршид ишқ таркин айлаким,
Бермагай иқроринг иш инкор-кор.

* *
*

Қачон келур гўзалим, жавр ила жафоға келур
Демангки мен қулин дардиға давоға келур.

Сўрарға ҳолими кўрмас экан, ўзимда хато,
Гадо шаҳ олдиға келғой, на шаҳ гадоға келур.

Сурур айш сурад аҳли зар ҳамиша, вале
Ҳама қийинчилик ушшоқ бенавоға келур

Табиат ишлари ғоят ажабланурлиғ ким,
Чибинға шахду, жафо сўнгоки ҳумоға келур.

Тафаккур айламайин кимки бўлди ишққа асир,
Йўқотди ақлини ул коми аждаҳоға келур.

Ўзингға кел, бу дам ишқ ўйнамоқни қўй, эй дил,
Йўқ эрса жавр завол умр бебақоға келур.

Келурса ёр агар ошиқ қошиға алҳазар эт,
У лутфу шафқат эмас, таънау изоға келур.

Ул ой, юзи гўзалу бағри лекин эрмиш тош,
Демасман ул менга эҳсон ила вафоға келур.

Бас айла, умр ила дилбарға ёзмоғинг, Хуршид,
Тараҳҳум айла қаламға нечик навоға келур.

* *
*

Жаҳолат аҳлига илм офату бало кўринур,
Бунга бир-икки йил умр ўтказиш ҳабо кўринур.

Кўча ўйинлариға ёшлиқ умрин айлаб сарф,
Йигит чоғида осмон кайф сафо кўринур.

Кўзи эмас дили кўр ўлғуси билимсизнинг,
Мадору куч йўқолур умри интиҳо кўринур.

Билим хазинасиға қўл сунар экан афсус,
Ҳаво келур қўлиға кўзиға асо кўринур.

Не фойда эмди пушаймон ила ўкунмақдин,
Бу дам ажал қўлида шарбати фано кўринур.

Темирни ур қизиғида у бўлғуси асбоб,
Совуқ темирни уриш акси муддао кўринур.

Билимсиз элга қилур ҳийла илмсиз зоҳид,
Сўзи тегида нифоқу чирик риё кўринур.

Биҳиштни шайх ила зоҳид билурлар ўз мулки,
Уларға ким ёлинур лойиқи ато кўринур.

Чала саводинг ила мақтаниш недур, Хуршид,
Мегар шу илминг ўзингға тўло, расо кўринур.

* *
*

Хуснинг гули то айлади мен хастани шайдо,
Кўнглумда дарду, ғаму алам бўлди ҳувайдо.
Зарра каби бир ерда турарға на қарорим,
Бир телба каби ақл ила ҳусн ғорату яғмо.
Ҳижрон ғамида этмишам ўзлукни фаромуш,
Эҳсон юзидин айламадинг лутфу мадоро.
Раҳм этмади дилбар сўрамас ҳолими бир дўст,
Ҳозирланиб озорим учун ёр ила аъдо.
Ишқингда жалойи ватан этдинг менга таклиф,
Мендин сира ҳам келмас амалга бу таманно.
Дилбарга макон шаҳраро, дилдорага саҳро,
Инсофу мурувватга мувофиқ эмас асло.
Кимдан қочиб ошиқ тутадур дашт уза манзил,
Гўёки берур ваҳшийлар ошиққа тасалло.
Ҳар кимки шаҳардин чиқарилмиш иккидан бир,
Исёнчи эрур ё эса бир жиннийи расво.
Мен хаста на исён, на жунун бирла ишим бор,
Аҳволим эрур ҳажр ила бу хилда муаммо.
Кўйингдаги итлар бири деб боқ мени, қувма,

Сенга на зарар айласам ишқинг уза даъво,
Хуршид талаб васл ила саргашта бўлубдур,
Бўлмасми унга неъматидийдори муҳайё.

* *
*

Кўнгулға дам-бадам ойн ишқ изҳор этар бир қиз,
Ғаҳи ошиққа ғанжу далол изҳор этар бир қиз.

Ғаҳи ушшоққиға юз нозу истиғно аён айлаб,
Ғаҳи бедардларни волаи дийдор этар бир қиз.

Ғизоли Чин каби ғаҳи хиромон бўлса гулшанға,
Гулу насринни саҳрои заҳарли хор этар бир қиз.

Ғаҳи ҳушу хирадни ишва бирла айлағай барбод,
Ғаҳи вайрон кўнгулни лутф ила гулзор этар бир қиз.

Ғаҳи айлаб тағофил севги бобин қилур Мажнун,
Ғаҳи айлаб назар девонани ҳушёр этар бир қиз.

Ғаҳи лаъли зилоли хаста ошиққа берар сиҳҳат,
Итоб айлаб ғаҳи бедардни бемор этар бир қиз.

Лаби ёқут, ёқут ҳаёт жовидонидур,
Масиҳ анфосини лутф ила бемиқдор этар бир қиз.

Ҳаёу шарму хулқу ақлу одоби билан доим,
Жаҳон аҳлини таҳсин этголи водор этар бир қиз.

Гўзалларни париларға агарчи этдилар тимсол,
Парилар шоҳини ҳусниға хизматкор этар бир қиз.

Табиат бу гўзал суратға этмишдур маҳорат ҳарф,
Юзин бир кўрсатиб юз фитнани бедор этар бир қиз.

Қачонлар эрди шеър этмакни таркин истадим, Хуршид,
Дили зоримни лекин маҳзун ашъор этар бир қиз.

Навоийға тазмин

Қачон тонг шоҳи чекти ҳашмат ила чарх уза лашкар,
Анга фатҳ ўлди тоғу дашту саҳро гунбази ахзар.

Табиат ходими чекти кумушдек тонг супургусин,
Ҳарам товуси андоқким фалакда ёзди олтун пар.

Вале дард аҳли ўзни гўшаи узлат аро чекти,
Ёқиб ҳужрон қуёши, жисми бўлди тўда хокистар.

Фалак дав этди ошиқнинг умиди аксиға ҳар дам,
Жафонинг чодирини бўлди гўзаллар кўнглиға мағфар.

Хирад аҳли ҳамиша илму урфон йўлидин борди,
Садойи зерубамдин завқёб ўлди муғаннийлар.

Дили кир, фитнажў, инсон кўринган дев табиатли,
Ёқиб иғво ўтин ҳикматла солди элға шўру шар.

Висол аҳли ҳаводисдин бўлуб айман ётур сармаст,
Давом этгай анга гўё висол оқшоми то маҳшар.

Эрур ғофилки ҳар тундин кейин бордур ёруғ бир тонг,
Ки тунни тонгға, тонгни тун сори айлантирар меҳвар.

Тонг эрмас васл шоми бўлса ҳажр айёмиға табдил,
Шиква ила фалак тахти уза чиққоч шаҳи ховар.

Бас, эй Хуршид, завқи нафс учун кўб бўлма саргардон,
Жаҳонда қўй асар бўлсун ҳамиша сенга ёд овар.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА НАЗИРА

Хуш ул замонки мен айш ила шоду хуррам эдим,
Бисот базм уза гўё Скандару Жам эдим.

Ҳамиша менга эди ул нигориминг назари,
Ҳамиша лутфу карамлар била мукаррам эдим.

Жамоли ёр ила бибода маст сархуш эдим,
Шу лутф чоғида барчадин муқаддам эдим,

Очиқ эди мен учун ҳар замон висол эшиги,
На ҳажр тутқуни эрдим, на бандаи ғам эдим.

Ҳамиша соя каби эргашарди бахт менга,
У бахтдан ғаний эрдим, нигора ҳамдам эдим.

Кўзим жамол ила равшан, кўнгулда завқу сурур,
Демак жаҳонда мен энг бахтиёр одам эдим.

Фироқу ҳажр сўзи мен учун фасона эди,
Рақибим эрди чибин унга қарши Рустам эдим.

Менга фалак хасад этди, йўқ ўлди ул кунлар,
Нигор ҳамдам эди дардларига марҳам эдим.

Фироқ зулмати, Хуршид, бахтим этди қаро,
Хуш ул замонки мен айш ила шоду хуррам эдим.

МАРСЕЛЪЕЗА

Эй Ватан, севикли модар зот,
Бизи сан баёладинг марҳаматла.

Кўп замон жаҳлдан айладинг дод,
Қил букун шодлик марифатла.

Уйқуда биз ётиб замонлар,
Манфаат етмади сенга биздан.
Биз букун берамиз бошу жонлар,
Яшагил, эй муборак Ватан.

Битдилар зулм эли бу жаҳондан,
Етди ишчиларга ҳур замон,
Хизматинг этмоға дили-жондан
Ҳар бири ўлди бир қаҳрамон.

Ҳурматинг айлар на қонимиз бор,
Истагимиз сани яшатмоқ,
Душмани қирмоға аҳдимиз бор
Бизда йўқ душманга сани сотмоқ.

Биздаги тупроқ, жаҳл — ғафлат
Маҳв бўлиб, қолмади ҳеч асар.
Етди бирлик ила илм-ғайрат
Ўлдимиз илм ила баҳравар.

ХИТОБ МАРШИ

Эй ўртоғлар биз мактабга юрайлик,
Букун битмас уйқимиздан турайлик.
Олға кетмак йўлин бизлар кўрайлик,
Ўқув даври келди эркак-қизлара
Катта душман ялқовликдир бизлара.

Етиштирди бизни шўрлик оналар,
Ўқитмади бойлар, нафси балолар.

Озодликни берди бизга шўролар,
Ўқув даври келди эркак-қизлара
Тур, оёқ бос, Ленин қўйган излара.

Мақтаблара хоинлар қўл суздилар,
Қилган аҳду-паймонларни буздилар.
Хоин-хоин мажлисларни туздилар,
Қонли-қонли қарадилар бизлара,
Ўқув йўлин беркитиб эр-қизлара.

Ўқ-ла учсин хоинларнинг бошлари,
Оғирлансин еган нон-ошлари.
Сизга навбат, халқимизнинг ёшлари!
Ўқув даври келди эркак-қизлара,
Мақтаб букун қутлуғ бўлсин сизлара!

1919 й.

МУНДАР

Хуршид	.	.	.
Фарҳод ва Ширин	.	.	.
Лайли ва Мажнун	.	.	.
Ойбону	.	.	.
Сиевуш	.	.	.
Шеърлар	.	.	.

На узбекском языке

Хуршид

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

Изд-во «ФАН» УзССР
Ташкент — 1967

Мухаррирлар Д. Мўминова, У. Зокиров
Рассом В. Тий
Техмуҳаррир Г. Колесник
Норректорлар М. Алиева, Н. Раҳимова

Р 12758. Теришга берилди 25/III-1967 й. Босишга рухсат этилди 5/VIII-1967 й.
Формати 70×108¹/₃₂—5,25, қоғоз л. 14,7, босма л.
Ҳисоб-нашриёт л. 12,0, Нашриёт № 1969.
Тиражи 25 000, Баҳоси 74 т.

Ўзбекистон ССР „Фан“ нашриёти босмахонаси матрицасидан ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат Комитети қошидаги 1-босмахонада босилди.
Тошкент. Ҳамза кўчаси, 21.

Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70, Заказ 656.

Хуршид.

Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар: Х. Расулев ва М. Қодирова. Маъсул муҳаррир: М. Алавия. Т., «Фан», 1967.

338 с. (ЎзССР Фан. акад. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт инс-ти.

Хуршид. Избранные произведения,

Ўз2